

**Н.И. Ходжаев, З.З. Аминов**

**ТИББИЁТДА  
ИСЛОХАТЛАРНИНГ  
ЯНГИ ДАВРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ

Н.И. ХОДЖАЕВ, З.З. АМИНОВ



# ТИББИЁТДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Самарқанд Давлат Тиббиёт Институтининг

90- йиллигига бағишланади

Sam DTI  
axborot-resurs markazi



ТИББИЙОТ КО'ЗГУСИ

САМАРҚАНД- 2021

УЎК 61  
КБК 51  
Х 69

Н.И. ХОДЖАЕВ, З.З. АМИНОВ

Тиббиётда ислохотларнинг янги даври [Матн]: монография / Н.И. ХОДЖАЕВ,  
З.З. АМИНОВ. - Самарқанд: TIBBIYOT KO'ZGUSI, 2021. - 300 б.

### ТАҚРИЗЧИЛАР:

**Ж.А. Ризаев** – т.ф.д., Самарқанд Давлат тиббиёт институти  
Ижтимоий саломатлик, умумий гигиена ва экология кафедраси профессори;

**Ф.К. Ахмаджонов** – Ўрта Осиё халқлари тарихи институтининг  
Махпират номидаги Тўрон фанлар академияси вице-президенти.

*Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигга эришгандан кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган ишларни ёритиш мақсадида тайёрланди. Китобда асосий эътибор мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари (Президент Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика ҳукуматининг ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соҳага оид директив ҳужжатлари)нинг мазмун-моҳиятини, Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошган ўзгаришларни ёритишга қаратилган.*

*Монография соғлиқни сақлаш ташкилотчилари, ижтимоий гигиена, мамлакатимиз тиббиёти тарихи билан қизиқувчилар, тиббиёт олийгоҳи талабалари ва тингловчилари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.*

Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг илмий кенгаши (2020 йил 20 майдаги 7-сон баённома) томонидан чоп этиш учун тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-7151-6-5

© Н.И. Ходжаев, З.З. Аминов, 2021

© TIBBIYOT KO'ZGUSI, 2021

## МУНДАРИЖА

Қисқартмалар рўйхати: .....	6
1 БОБ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш .....	7
Таҳлили (1991-2016й.й).....	7
Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни ўтказилишининг сабаблари.....	8
Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарурияти.....	13
2. БОБ Тиббиётда янги ислоҳотлар даври .....	35
2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича .....	36
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш - tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha kompleks chora- tadbirlar tufrisida”ги ПФ-5590-сонли фармони.....	42
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини қўллаб- қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4063сонли қарори .....	71
3. БОБ Олий таълим муассасалари тизимида ислоҳотлар.....	77
Тиббий таълим мустақиллик йилларида .....	78
Тиббий таълим янги ислоҳотлар даврида .....	82
4. БОБ Ислоҳотлар даврида фармацевтика sanoati va aholini dori-darmon bilan ta'minlash.....	112
Фармацевтика sanoati va aholini dori-darmon bilan ta'minlashning ahvoli .....	113
Фармацевтика тизими янги ислоҳотлар даврида .....	115
5. БОБ Шошинч тиббий ёрдам соҳасини ислоҳ қилиш .....	127
Шошинч тиббий ёрдам хизматининг мустақиллик йилларида (1991-2016й.й)ги ahvoli .....	128

Шошилич тиббий ёрдам тизими янги ислоҳотлар даврида ..	131
6. БОБ Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар аҳволи.....	141
Маънавий-маърифий ишлар мустақиллик йилларида .....	142
Маънавий-маърифий ишлар янги ислоҳотлар даврида .....	145
Маънавий-маърифий ишларнинг бош мезони тарбиядир .....	156
7. БОБ Самарқанд вилоятида қишлоқ врачлик пунктларининг шаклланиши ва ҳозирги аҳволи .....	157
Қишлоқ врачлик пунктларининг шаклланиши .....	158
Самарқанд вилоятида “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2” ва “Саломатлик-3” лойиҳаларини амалга оширишнинг натижалари.....	160
Қишлоқ врачлик пунктлари тиббиётда янги ислоҳотлар даврида .....	166
8. БОБ Ислоҳотлар даврида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш.....	174
“Соғлом бола – соғлом она” ғояси .....	175
2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида.....	176
Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 мартдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида” ги Қонуни.....	179
9 БОБ Соғлиқни сақлаш хусусий сектори ва Халқ табобати соҳаси янги ислоҳотлар даврида .....	189
Соғлиқни сақлаш хусусий секторининг шаклланиши .....	190
Соғлиқни сақлаш хусусий сектори янги ислоҳотлар даврида.....	192
Стандартлаштириш ва метрология. Аккредитация.....	202
Хусусий клиникаларни лицензиялашнинг янги қоидалари ....	209
Самарқандда халқ табобати соҳасининг шаклланиши .....	210
Халқ табобати соҳаси Мустақиллик йилларида (1991-2016 йй).....	228

Халқ таъбобати соҳаси янги ислоҳотлар даврида .....	230
10 БОБ Давлат санитария-эпидемиология назорати ислоҳотлар даврида.....	246
Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимида ислоҳотлар .....	247
Давлат санитария-эпидемиология назорати янги ислоҳотлар даврида .....	250
11 БОБ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси янги ислоҳотлар даврида.....	264
Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилоти ва атроф-муҳит.....	265
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш.....	267
2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш .....	274
2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида .....	275
Тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида олиб борилган ишларнинг натижалари .....	280
Фойдаланилган адабиётлар.....	286

## ҚИСҚАРТМАЛАР РҲЙХАТИ:

АҚШ	- Америка Қўшма Штатлари
БМТ	- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ВМҚ	- Вазирлар Маҳкамаси қарори
ДСЭНМ	- Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази
ДКТ	- дипломдан кейинги таълим
ДКТФ	- дипломдан кейинги таълим факултети
ДПМ	- даволаш профилактика муассасалари
ЖССТ	- Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти
ҚУШ	- қишлоқ участка шифохонаси
ҚВП	- қишлоқ врачлик пункти
ҚВА	- қишлоқ врачлик амбулаторияси
ҚОП	- қишлоқ оилавий поликлиникаси
КТМП	- кўптармоқли туман мпрказий поликлиникаси
РК	- район касалхонаси
МРК	- марказий район касалхонаси
ОП	- оилавий поликлиника
ОТМ	- олий таълим муассасаси
ОИТС	- орттирилган иммун танқислиги синдроми
ОИВ	- одам иммун танқислиги вируси
ТТБ	- туман тиббиёт бирлашмаси
ШВП	- шаҳар врачлик пункти
ШТБ	- шаҳар тиббиёт бирлашмаси
ШТТЁМ	- шошилич ва тез тиббий ёрдам маркази
СамДТИ	- Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти
СТТШ	- соғлом турмуш тарзини шакллантириш
ФАП	- фельдшер акушерлик пункти
УАШ	- умумий амалиёт шифокори
УТТ	- ультратовуш текшируви
ПҚ	- Президент қарори
ПФ	- Президент фармони
ЭКГ	- электрокардиограмма

**1 БОБ**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
сақлаш тизимини ислоҳ қилиш  
таҳлили (1991-2016й.й)**



## Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни ўтказилишининг сабаблари

Ўзбекистон Истиқлолга эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимининг аввалги тузум давридаги шакли ва сифатини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли фармонига асосан 2000 йилда Республикада шошилиш тиббий ёрдам маркази ва вилоятларда, шу жумладан, Самарқандда ҳам унинг филиали барпо қилинди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 27 йили давомида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижаларига қарайдиган бўлсак, қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилди. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Асосан шифо масканларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар малакасига катта эътибор қаратилиб, тизим фаолияти янгича босқичга олиб чиқилди. Жумладан, "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббий-санитария масканларига замонавий тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилиши, улардаги шифокор ва ҳамшираларнинг малакаси

оширилиши дастурнинг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланган эди. Ҳозирда буларнинг барчаси амалга оширилиб, ўзининг ижобий натижасини берди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2003 йил 26 февралда қабул қилган ПФ-3214-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони Мамлакатимизда илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтиришга муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга олиб келди.

Аҳолининг тиббий хизматлар тури, ҳажми ва сифатига талаби ортиб бораётган бир пайтда давлат тиббиёт муассасаларининг бюджетдан молиялаштириш қатъиян чегараланган шароитларда бундай талабларга жавоб бера олмаслиги кўзга ташланди. Бундай вазиятда тиббиёт

муассасаларини молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини топиш долзарб масалага айланди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1652 сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор айрим тиббиёт муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтишга замин яратди.

Мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш мақсадида ҳамда 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сонли "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва ўз ижобий натижаларини берди.

Шунингдек, муҳим Давлат дастурларидан яна бири "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августда қабул қилган ПҚ-2221-сонли "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг

репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ҳисобланиб Республикамизда оналик ва болаликни муҳофазасини янада кучайтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли “2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда ҳам мазкур Концепцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар жадал равишда олиб борилмоқда.

Охирги ун йилликларда тиббий хизматларга ажратиладиган маблағларнинг ортиши соғлиқни сақлаш сиёсатининг муаммоларидан бири булиб келмоқда. Соғлиқни сақлашда умумий харажатларнинг ортиб бориши бир канча омилларга боғлиқдир, шу жумладан: сурункали касалланиш ва ногиронликнинг узишига олиб келувчи аҳоли қариши, янги даволаш усуллари ва технологиялари; аксарият аҳолининг тиббий хизматга булган талабининг ортиши каби ишлар шулар жумласига киради.

Давлатларнинг аксарияти соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш ва тиббий хизмат самарасини кўтариш мақсадида ўз соғлиқни сақлаш тизимларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Баъзи давлатларда, масалан Буюк Британия ва Германияда, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг камровли дастурлари қабул қилинган. Бошқа давлатларда соғлиқни сақлаш тизимида айрим муаммоларни ҳал этиш мақсадида ислоотларнинг маълум бир йўналишлари жорий қилинган.

Баъзи давлатларда эса соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар сиёсий ўзгаришлар натижасида, собиқ совет тизимини 80-йилларнинг охирида парчаланиши билан боғлиқдир. Ислохотларнинг айрим моделлари ва тизимлари миллий чегараларни ҳам кесиб ўтдилар. Масалан, Буюк Британиядаги Америка Қўшма Штатларидан олинган танлов асосида шартнома тузиш тизимига асосланган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ислохотлари, ўз навбатида Ғарб ва Шарқ

Оврупа давлатларининг соғлиқни сақлаш тизимининг ислохотларига ўз таъсирини кўрсатди. Бугунги кунда ислохотлар стратегияларнинг ҳақиқий самарадорлиги тўғрисида бир канча маълумотлар мавжуд – нафақат шу йўналишлар асосида ислохотлар ўтказишга ўтган давлатларда, балки шу йўналишларни тарғиб қилаётган давлатларда ҳам.

Шу билан бир каторда «ислохот» терминини таърифида турли тушунчалар кузатилмоқда. Мазкур термин кўп ишлатилишига қарамасдан ҳанузгача соғлиқни сақлаш тизимининг ислохотлари деган тушунчага тулиқ таъриф берилмаган. Соғлиқни сақлашни бошқарувчилари ва таҳлилчилар бу тушунчага турлича таъриф ва маъно бериб келишмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан ислохотларга куйидагича таъриф берилган: ислохотлар – систематик ташкилий ўзгаришларга олиб келувчи йўналтирилган динамик ва барқарор процесс.

Шундай қилиб, аксарият давлатларда соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларнинг олиб борилишининг асосий сабаблари куйидагича:

- Соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини ошириш;
- Маблағ билан таъминлашнинг қўшимча манбаларни аниқлаш;
- Тизим ресурсларидан рационал фойдаланиш асосида тиббий ёрдам сифати ва хажмини оширишни таъминлаш;

- Врач ва пациент ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳал қилиш борасидаги масалаларни ҳал этиш;

- Аҳоли қариши, касалликлар структурасини узгариши; янги тиббий технологияларнинг вужудга келиши; соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағларга бўлган эҳтиёжни ортиши ва бошқа муаммолар.

### **Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарурияти**

1991 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатида ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Бу ўзгаришлар ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизимига ҳам таъсир қилмоқда ва унда тубдан ислоҳотлар олиб бориш заруриятини туғдирмоқда.

Собиқ совет даврида Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими жуда кўп соғлиқни сақлаш муассасалари ва шифо ўринларига эга эди. Бу эса ўз навбатида тиббий-санитария ёрдамини барчага баробарлигини таъминлаб берган, лекин кўрсатилаётган ёрдам сифати жуда паст бўлган, мавжуд имкониятлардан эса тўлиқ фойдаланилмаган. Соғлиқни сақлаш тизими асосан шифохона шароитида кўрсатилаётган ёрдамга қаратилган бўлиб, ҳар йили 25% аҳоли шифохона шароитида тиббий ёрдам олишга мувоффақ бўлаоларди. Бирламчи тиббий муассасалар аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган муҳтожини тўлиқ қондира олишига қарамасдан улардан тўлиқ фойдаланилмади.

Совет даврида аҳоли саломатлигини сақлаш сиёсатининг асосий мақсади аҳолининг барча катламларини тиббий ёрдамга тенг ҳуқуқлилигини таъминлашдан иборат булган.

*Ташкил этилган моделнинг асосий тавсифлари қуйидагича булган:*

- Барча аҳоли қатламларини тиббий ёрдам билан таъминлаш;

- Тиббий хизматни тўлиқ кўрсатиш;

- Соғлиқни сақлаш тизимининг хизматларидан фойдаланишда аҳоли учун маблағ чегараларининг йуқлиги;

- Профилактика ва реабилитацияни эътиборга олган ҳолда даволашда узвий боғлиқликни таъминловчи тиббий муассасаларнинг ялпи тизимининг мавжудлиги;

- Кадрларнинг юқори малакалилиги ва тиббий маъорифнинг юқори сифати.

Юқорида айтилган масалаларни хаётга тадбик этиш максатида давлат соғлиқни сақлаш тизими ташкил килинган эди ва барча аҳолига тиббий хизматлар давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул курсатилар эди.

Ўзбекистонда аҳолини кўпайиш даражаси юқори. Шунинг учун соғлиқни сақлаш имкониятлари чекланган ва тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжи унинг мавжудлигига нисбатан кўп бўлган бир пайтда бу имкониятлардан оптимал фойдаланиш демографик жараён ва унинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолганди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ва соғлиқни сақлаш моделини ишлаб чиқиш ўз навбатида фақатгина ижтимоий-иқтисодий омилларни ўрганибгина қолмай, балки демографик жараёнларни ўрганишни ҳам талаб этди. Соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларини ажратиб олиш ва жамоа саломатлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида Ўзбекистонда тиббий ёрдамни оммавийлигини ва сифатини сақлаб қолишда 1991-1995 йиллар соғлиқни сақлашни янги тизимини тузишда асос бўлди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдан асосий мақсад: республикамизнинг аҳолисига тиббий ёрдам оммавийлигини таъминлай оладиган ва юқори сифатдаги тиббий - санитария ёрдамини кўрсата оладиган кучли соғлиқни сақлаш тизимини тузишдан иборат. 1991 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳукуматнинг фаол ёрдамида Ўзбекистонни ўзига хос специфик, демографик, тарихий, маънавий ва бошқа

шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилган ва 1992 йилда тасдиқланган.

**Соғлиқни сақлашни тизимини ислоҳ қилиш концепциясининг асосий йўналишлари:**

1. Барча турдаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг тузилиши ва тармоқларини қайта кўриб чиқиш, ислоҳ қилишни горизонтал ва вертикал бўйича олиб бориш.

2. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш билан биргаликда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, қонунчилик ва дин ташкилотлари билан биргаликда она ва бола соғлиғини сақлаш борасида идоралараро дастур тузиш.

3. Соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлашни қайта кўриб чиқиш ва бир шифо ўринини маблағ билан таъминлашдан бир аҳоли сонини маблағ билан таъминлашга ўтиш.

4. Соғлиқни сақлашнинг асосий принципларидан бири бўлган соғлиқни сақлашни профилактик йўналиш принципини мустаҳкамлаш ва бу борада амбулатория-поликлиникалар ёрдами, тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги турларини (кундузги стационарлар, уй стационарлари, амбулатория-жарроҳлик марказлари, амбулатория даволашнинг ихтисослашган комплекс, маҳалла тиббий ёрдам пунктлари ва ҳ.к.) кенг қўллаш.

5. Даволаш-профилактик муассасалар, шифо ўринларини қайта кўриб чиқиш, уларни қисқартириш ва ихтисослаштириш тадбирларини ўтказиш.

6. Ҳозирги замон шароитида юқори малакали ёрдам кўрсата оладиган шифокорлар ва ўрта тиббий ходимларини тайёрлаш борасида тиббий маъорифини ислоҳ қилиш.

7. Миллий фармацевтик ва тиббий индустрияни тузишда кўшма корхоналар ташкил қилиш ва тиббий техникани катта sanoat корхоналари базасида ишлаб чиқиш орқали республикада дори-дармон ва тиббий техникага бўлган эҳтиёжини қондириш.



8. Сил, ўсма касалликлар, вирусли гепатит, СПИД, гиёҳвандлик ва жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларни олдини олиш мақсадида дастур ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш.

9. Соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат таъсарруфидан чиқариш ва қисман приватизация қилиш принципларини ишлаб чиқиш.

*Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг бошлангич даври (1991-1998 йй)да ўша пайт учун янги ва зарур бўлган асосий вазифалар ишлаб чиқилди:*

1. Ҳар бир регион ва маҳаллий даражада янги юқумли касалликларни олдини олиш борасида эпидемиологик назорат ўрнатиш;

2. иммунизация ва вакцинация даражаларини оптимал ҳолатда ушлаб туриш борасида 1992 йилда «Иммунизациянинг Кенгайтирилган дастури» ишлаб чиқилди;

3. Аҳоли саломатлигига ва миллий хавфсизликка таъсир этувчи касалликларнинг асосий гуруҳлари бўйича саломатлик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш масаласи кўтарилди;

4. Республика шароитида бартараф этилган ва кам учрайдиган юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида карантин чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

5. Асосий дори-дармон воситалар билан ўз-ўзини таъминлашни йўлга қўйиш;

6. Соғлиқни сақлашни такомиллаштириш борасида ўзгаришларга жавоб бера оладиган олий ва ўрта тиббий ёрдами маъорифининг миллий концепциясини ишлаб чиқиш.

Ўша пайтда Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ташкил этиш давлатлараро даражасига кўтарилди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтисослашган органларида (Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ПРООН ва бошқалар) ўз фаолиятини бошлаб юборди. Тиббий ҳамкорлик дунёнинг кўп давлатлари билан давлатлараро даражасида олиб борилмоқда.

Бу борада оилани режалаштириш, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, юқумли касалликларни олдини олиш, умумамалиёт шифокорларни тайёрлаш бўйича асосий вазифалар аниқланган.

Шундай қилиб Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ислоҳотининг ўзига хослиги шундаки ислоҳатларнинг дастлабки босқичида соғлиқни сақлаш фаолиятини горизонтал даражада ўзгаритиришга қаратилган эди.

Шу даврда миллий дастурлар ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш вазифалари олиб борилган, жумладан: она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, аҳолига юқумли касалликлар, сил, ўсма ва жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларни олдини олиш борасида тиббий ёрдамни ташкил этиш, тиббий илм ва тиббий кадрлар малакасини ошириш, соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотларни олиб бориш, даволаш-профилактика муассасаларни дори-дармон билан таъминлаш ва бошқалар.

Соғлиқни сақлаш тизимини конунчилик базасини яратиш ҳам даврнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолганди.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган «Давлат санитария назорати ҳақидаги қонун» (1992 й) ва «ОИТС касаллигини олдини олиш» қонунлари билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси аҳоли саломатлигини ҳимоялаш» (1996) қонуни қабул қилинди, бу қонун эса ўз навбатда ислоҳ қилишнинг асосий ҳуқуқий қонунларидан бири бўлиб қолди. Бу қонунни кенгайтириш мақсадида «аҳолининг тиббий суғурта қилиш», «дори-дармон» тўғрисида, «психиатрик ёрдам тўғрисида», «қон бериш (донорлик) тўғрисида», «органларни трансплантация қилиш тўғрисида», «Силни олдини олиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш» тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва кейинчалик қабул қилинди.

Sam DTI

17 axborot-resurs markazi

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилнинг 10 ноябрдаги 2107-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Бу фармонга мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилди.

Ислоҳотларнинг мақсади – қуйидаги принципларни амалга ошириш асосида мамлакатда аҳоли саломатлигини сақлаш ва уни яхшилашни таъминловчи соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишдан, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Соғлиқни сақлаш тизимининг таъминоти куйидагилар деб белгиланди:

1. Фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларига риоя этиш;

2. Кўрсатилган тиббий хизматларнинг турларидан аҳолининг барабар баҳраманд бўлишини таъминлаш;

3. Аҳоли саломатлиги ва унинг яшаш муҳити ҳолатининг давлат томонидан назорат қилинишини таъминлаш;

4. Бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида соғлиқни сақлаш тизимини чуқур ислоҳ қилиш;

5. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш;

6. Профилактик соғлиқни сақлашни устивор ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг оммалаштириш;

7. Шошилишч бепул тиббий хизмат кўрсатишни махсус ва умумий даволаш-тиббиёт муассасаларининг пулли хизмат кўрсатишга босқичма-босқич ўтиши билан уйғун олиб бориш, тиббий суғурта тизимини ривожлантириш;

8. Хусусий тиббий даволаш амалиёти ривожлантирилиш ва рағбатлантириш;

9. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятининг стратегик йўналишларида профилактика хар доим муҳим аҳамият касб этган ва этиб келмоқда, шунинг учун 10-15 йил мобайнида профилактика тадбирлари кенг олиб бориладиган врач ва беморнинг биринчи контакти булган бирламчи тиббий муассасаларни ислох қилиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири тиббий ёрдам моделининг ташкилий структураси билан боғлиқ бўлган жамиятнинг бевосита ва билвосита йўқотишларини камайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини интенсив ривожлантириш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида янги иқтисодий механизмларни ишлаб чиқишдир. Бу эса ўз навбатида тиббий хизматни реструктуризация қилиш ва тиббий хизмат курсатишнинг янги усулларини кенг тадбиқ этишни талаб қилади.

Шунинг учун умумамалиёт шифокори тизимига ўтиш янги турдаги даволаш-профилактика муассасаларини ташкил қилишни талаб этмоқда – қишлоқ ва шаҳар аҳолиси яшаш жойида малакали тиббий хизмат олиш учун қишлоқ ва шаҳар (маҳала) врачлик пунктлари (ҚВП, ШВП) ташкил қилинмода.

Биринчи марта республикада тиббий хизматни янги турлари тадбиқ этилди, жумладан қишлоқ врачлик пунктлари орқали. Бу эса ўз навбатида қишлоқ шароитида тиббий муассасаларни интеграция қилиш ва самарасиз ишлаётган тиббий муассасаларни тугатиш имконини берди. Мазкур муассасалар сонини қисқариши қишлоқ шароитида кўп босқичли

ёрдамдан (ФАП, ҚВА, КУК, РК, МРК) икки босқичлик ёрдам (ҚВП, МРК) тизимига етиш имконини яратди ва аҳолини турли муассасаларга мурожаатини камайтирди.

Ислохатларнинг асосий натижаларидан бири давлат, хусусий ва бошқа соғлиқни сақлаш тизимларини яратилиши бўлди. Олиб борилаётган ислохатлар ва узоқ муддатли концепция соғлиқни сақлаш тизимини босқичма босқич суғурта тиббиётида ўтишни таъминлаб беради.

**Қуйидагилар ислохотларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:**

1. Аҳолига дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг кафолатланган даражаси сифатини давлат томонидан таъминлаш;

2. Аҳолига шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам тизимини мустаҳкамлаш;

3. Даволаш-профилактика муассасаларини ташкил этиш ва жойлаштириш тизимини такомиллаштириш, умумий амалиёт шифокори тизимига босқичма-босқич ўтиш;

4. Тиббий хизматлар ва суғурта тиббиёти бозорини вужудга келтириш;

5. Соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини соддалаштириш, даволаш-профилактика муассасаларига кўпроқ мустақиллик бериш ҳисобига унинг самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида нодавлат сектори ҳамда хусусий врачлик амалиётини ривожлантириш;

6. Бепул тиббий хизматлар кўрсатишда бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш, аралаш ва хусусий молиялашнинг турли шаклларини ривожлантириш ҳисобига соғлиқни сақлашнинг молиявий негизини такомиллаштириш;

7. Тармоқни ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини ташкил этиш;

8. Тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш жараёнини такомиллаштириш;

9. Жисмоний тарбияни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини профилактика қилишнинг турли шаклларини интеграциялаш;

10. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тармоққа хорижий сармоялар ва технологияларни жалб қилишни кенгайтириш.

Соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тиббий хизматларни бепул ва пуллик хизматларга ажратилиши орқали олиб борилиши кўзда тутилган. Бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар давлат бюджети томонидан, пуллик хизматлар эса юридик ва жисмоний шахслар томонидан маблағ билан таъминланади.

Тиббий хизмат бозорини ривожлантириш уз навбатида тиббий муассасаларни самарали бошқариш, даволаш ва профилактика муаммоларини самарали ечимини топиш мақсадида нафакт профессионал билимларга, балки менеджмент ва маркетинг билимларига эга булган кадрларни тайёрлаш муаммосини келтириб чиқаради.

### **Бепул тиббий хизмат тизими**

Бепул тиббий хизмат тизими давлат тиббий-санитария хизматларининг кафолатланган ҳажми доирасида бепул тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлайди, шу жумладан:

- Шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- Соғлиқни сақлашнинг дастлабки бўғинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, энг аввало қишлоқ жойлардаги шундай муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатиш;
- Аҳолини бир қанча юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш;
- Ижтимоий аҳамиятдаги касалликлар ва атрофдагиларга хавф туғдирувчи касалликлар бўйича (сил касаллиги, ўсма,

психиатрия, наркология, эндокринология ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга) ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

- Болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш (пулли касалхоналардан ташқари);

- 15-17 ёшдаги ўсмирларни ҳамда чақирув комиссияларнинг йўлланмалари бўйича чақирув ёшидаги (18-27 ёш) шахсларни текширувдан ўтказиш ва даволаш;

- хомиладорларга тиббий хизматлар кўрсатиш (пули муассасалардан ташқари);

- беморларнинг имтиёзли тоифалари (ногиронлар, уруш фахрийлари, ғирт етимлар) ни давлат даволаш-профилактика муассасаларида даволаш.

**Бундан ташқари давлат қуйидаги йўналишларни маблағ билан таъминлайди:**

- аралаш маблағ билан таъминлаш дастурлари бўйича давлат дотациялари бериш;

- давлат дастурларига мувофиқ профилактика, табиатни муҳофаза қилиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш;

- давлат гранти доирасида тиббий кадрлар тайёрлаш;

- мақсадли миллий дастурларга мувофиқ фундаментал ва алоҳида амалий илмий тадқиқотлар.

### **Пуллиқ тиббий хизмат тизими**

Пуллиқ тиббий хизмат харажатларни юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан қоплаш йўли билан хусусий молиялаштириш асосида ҳамда, шунингдек харажатларни давлат бюджети дотациялари ҳисобига қисман қоплаш йўли билан аралаш молиялаш шаклланади.

Аралаш молияланадиган даволаш муассасаларга катталар ва болалар учун кўп профили касалхоналар, вилоят ва республика

ихтисослаштирилган марказлари ҳамда клиникалари киритилади.

**Аралаш молиялаштириш қуйдаги йўналишлар учун назарда тутилган:**

- Бепул тиббий ёрдам тизимига кирмаган туман, шаҳар ҳамда кўп профили даволаш-профилактика муассасаларида, илмий-тадқиқот институтлари клиникаларида беморларни (имтиёзли тоифалардан ташқари) текшириш ва даволаш учун;

- Имтиёзли тоифадаги беморлар (ногиронлар, уруш фаҳрийлари, ғирт етимлар) ни ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида текшириш ва даволаш учун;

- Айрим кўп профили болалар касалхоналари учун;

- Соғлиқни сақлаш, санитария ва фармакология соҳасида амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш учун;

- Давлат грантлари билан белгиланганидан ташқари миқдорда тиббиёт кадрлари тайёрлаш учун кўзда тутилган.

**Хусусий молиялашга босқичма-босқич ўтиш нодавлат даволаш-профилактика ва хомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи алоҳида муассасаларда барча турдаги тиббий хизматлар учун кузда тутилган ва қуйидаги манбалардан маблағ билан таъминланади:**

Мижозлар билан тиббий суғурта тўғрисида тузилган шартномаларга мувофиқ ўтказиладиган суғурта компанияларининг маблағлари;

Кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг тўғридан-тўғри тўловлари ҳисобига.

Шаҳар ва қишлоқ жойларда хусусий молиялашни жорий этиш миқёси ва суръатлари тиббий суғурта тизими ривожланиши ва аҳоли даромадлари ўсиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

**Хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ва тиббий хизматлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилади:**



1. Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдамдан барвар баҳраманд бўлишни таъминлаш принципи бузилмаган ҳолда ишлаб турган даволаш-профилактика муассасаларини давлат таъсарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

Бундай ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларини давлат таъсарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ихтисослаштирилган даволаш - профилактика муассасаларини бутунлай ёки тендер асосида акциялар пакетининг бир қисмини, жумладан, хусусийлаштириладиган биноларда албатта тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида фойдаланиш шарти билан, хорижий инвесторларга сотиш йўли билан амалга оширилади.

2. Муассасалар маблағлари ҳисобига кўрилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган хусусий даволаш-профилактика муассасаларини ташкил этиш. Хусусий даволаш-профилактика муассасалари тармоқлари ишлаб турган давлат муассасалари тармоқлари билан параллел равишда, кўрсатилаётган хизматларни кўпайтирган ва сифатини яхшилаган ҳолда ривожлантирилади.

Тиббиёт ходимлари жамоаларига ва якка шахсларга хусусий клиникалар ташкил этишда давлат даволаш-профилактика муассасалари биноларини уларга узоқ муддатли ижарага бериш ёхуд сотиш йўли билан ёрдам кўрсатилади.

3. Шаҳарларда хомиладорларга бепул тиббий ёрдам кўрсатувчи мавжуд давлат муассасалари билан параллел ҳолда пуллик, шу жумладан, хомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи хусусий муассасаларни ташкил этиш.

4. Сертификатланган ва аккредитация қилинган хусусий даволаш муассасалари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан махсус берилган лицензиялар бўйича якка тартибда амалий ишловчи тиббиёт ходимлари шуғулланадиган хусусий врачлик амалиётини янада кенгайтириш.

Хусусий даволаш-профилактика муассасаларини ташкил этиш, аккредитация қилиш ва сертификациялаш, хусусий врачлик даволаш амалиётини лицензиялаш, пуллик тиббий хизматлар учун тарифларни, тиббий хизматлар кўрсатиш сифати стандартларини тартибга солиш бўйича норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилмоқда.

Аралаш ва хусусий тарзда молияланадиган нодавлат тиббиёт муассасалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича имтиёзга эга беморларга 20% қадар бепул тиббий хизмат кўрсатадилар.

### **Соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини такомиллаштириш**

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ва уни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қуйидаги шаклда амалга оширилади:

Соғлиқни сақлаш ва тиббий суғурталаш норматив базаларини, соғлиқни сақлаш сифати давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва барча тиббиёт муассасаларини уларга риоя этишларини назорат қилиш;

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш;

Аҳолига дастлабки тиббий-санитария ёрдамини давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бюджет маблағи ҳисобидан молиялаш;

Мулкчилик шаклларида қатъий назар, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларини сертификациялаш ҳамда аккредитациялаш, хусусий врачлик амалиёти билан шуғулланиш учун врачларга ва доришуносларга руҳсатномалар бериш;

Тиббий хизматларга тарифлар даражасини тартибга солиш. 2005 йилгача бўлган даврда давлат бошқарув органлари тиббий хизматларга тарифларнинг бутун мамлакат учун ягона бўлган чегарасини белгилайдилар, бунда даволаш-профилактика

муассасалари мулкчилик шаклидан қатъий назар, худудий ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тарифларни мустақил равишда белгилайдилар;

Республика худудида қўлланишга руҳсат этилган дори-дармон воситалари ва препаратларни стандартлаш ва сертификациялаш.

2000-2005 йилларда соғлиқни сақлаш хусусий муассасалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ифодалаш учун хусусий соғлиқни сақлашнинг жамоат бошқаруви органлари хусусий клиникалар уюшмаси, суғурта ташкилотлари, жамғармалар ва бошқалар) ни ҳамма жойда шакллантириш кўзда тутилганди.

Бу даврда санитария-эпидемияга қарши тизимни таркибий ўзгартиришни амалга ошириш кўзда тутилмоқда: «Давлатсанэпидназорат», Республика СПИД маркази, Республика ўлатга қарши марказ, Республика дезинфекция станциясининг республика ва худудий органлари жойларда худудий филиаллари бўлган Давлат санитария-эпидемиология назорати республика марказига бирлаштирилади.

**Соғлиқни сақлаш тизими имкониятларини ривожлантириш.**

**Профилактика ишларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш**

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш концепцияси профилактика йўналишини устун даражада ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини шакллантиришни, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашни, касалликларни, ҳавф-хатар ва сабаб-оқибатлари билан боғлиқлик омилларини аниқлашни назарда тутади.

Ушбу вазифалар республика «Саломатлик» маркази негизида ташкил этилаётган Саломатлик институти зиммасига юклатилади. Қуйидагилар институтнинг асосий вазифалари хисобланади:

- Тадқиқотларини мувофиқлаштириш ва профилактик тиббиётни амалда жорий этиш;

- Соғлом турмуш тарзи ва оқилона овқатланишни фаол ташвиқ қилишни таъминлаш;

- Саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги гигиеник ва ҳуқуқий тарбия;

- Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини профилактик тиббиёт билан интеграциялашни амалга ошириш;

- Миллат саломатлигининг ҳолати юзасидан социологик тадқиқотлар, мониторинглар ўтказиш, уни таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш.

**Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш куйидагиларни кўзда тутди:**

1. Болалар ва хомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларни интеграциялаш;

2. Хавфсиз оналикни таъминлаш, бола туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доир ишларни такомиллаштириш;

3. Аёлларга, хомиладорларга ва болаларга дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни яхшилашни;

4. Болаликни ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқларда ва хомиладор аёлларда туғма ва бошқа касалликларни эрта аниқлаш мақсадида «Она ва бола скрининги» минтақавий марказларини ташкил этиш;

5. Аёллар ва болаларни текшириб туриш учун ихтисослаштирилган тиббий-генетик марказлар ривожлантириш;

6. Педиатрия тиббий хизматини таркибий ўзгартириш ва унинг сифатини оширишни назарда тутди.

## **Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш**

Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида давлат сифат стандарти ва хизматлар даражасини, даволаш муассасаси турини ҳисобга олувчи ва:

1. Даволаш-ташхис қўйиш тактикасининг касалликлар гуруҳлари бўйича табақалаштирилган даволашнинг турли босқичларида ва чекланган тарифлар кўрсатилган ҳолда хизматлар турининг тўлиқлиги ва норматив мезонларга мослигини;

2. Дастлабки, шошилиш, малакали ва ихтисослаштирилган хизмат кўрсатишни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар мавжудлигини;

3. Тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш учун малакали мутахассислар билан таъминланганликни ифодаловчи мукамал тиббий ёрдам кўрсатиш жорий этилади.

## **Тиббий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

Жамиятнинг кадрлар сифати ва уларни ихтисослаштиришга бўлган доимо ўзгариб турувчи талабларини таҳлил қилишга асосланган давлат таълим стандартларини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Илғор педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилмоқда.

**Барча даражалардаги тиббий кадрларнинг касб таълими даражасини ошириш мақсадида:**

3 йил ўқиш муддати билан умумий профилдаги тиббий ҳамширалар (фельдшерлар) тайёрлаш бўйича; олий тиббиёт ўқув муассасаларида махсус дастурлар асосида ўқитиш билан олий малакали ҳамширалар ва тор мутахассислар (жарроҳлик ҳамшираси, анестезист, акушерка ва бошқалар) тайёрлаш бўйича – икки даражадаги ўрта махсус тиббий таълимни;

тасдиқланган давлат стандартларига мувофиқ 5-7 йил ўқиш муддати билан умумий амалиёт врачлари (бакалавр) ни ва

бакалавриат негизида камида қўшимча 2 йил ўқиш муддати билан магистратурадан врач-мутахассислар ва тадқиқотчилар тайёрлаш бўйича – икки даражадаги олий таълимни;

аспирантура, докторантура, номзодликка даъвогарлик тизими орқали олий таълимдан кейинги таълимни, шунингдек махсус таълим олиш касб дастурлари бўйича умумий амалиёт врачлари тизимини ривожлантириш учун кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Врачлар малакасини ошириш институти умумий амалиёт ва оилавий тиббиёт врачларини тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича билим бериш юзасидан касб-ҳунар дастурларини амалга оширади.

Тиббиёт олий ўқув юртларининг даволаш факультетлари ҳузурида юқори малакали тиббий ҳамширалар тайёрлаш бўлимларини очиш, ишлаб турган тиббиёт билим юртларини реконструкция қилиш ва уларни касб-ҳунар колледжларида қайта ихтисослаштириш мўлжалланган.

**Аҳолини ва соғлиқни сақлаш тизимини дори-дармонлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш қуйидагиларни кўзда тутади:**

1. Давлат даволаш муассасаларида дори-дармонларга умумий эҳтиёжни белгилаш, кафолатланган (бепул) дори-дармонлар билан таъминлаш ҳажминини, шунингдек, харид қилиш маблағ билан таъминлаш механизмларини такомиллаштиришни;

2. Миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш ва ўрта тоза тиббий ишлаб чиқаришлар учун халқаро GMP стандартларини жорий этиш йўли билан унинг маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

3. Фармацевтика маҳсулотлари бозорини ривожлантиришни, дори-дармон билан таъминлаш тизимида бозор инфратузилмасини яратиш;

4. Дори-дармон воситалари сифатини назорат қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларни сертификациялашнинг ягона давлат тизимини ташкил этиш;

5. Фармация соҳасида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш;

6. Халқаро талабларга мувофиқ дори-дармон билан муомала қилиш соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни такомиллаштиришни назарда тутади.

**2003 йилнинг 26 феввалида «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг такомиллаштириш тўғрисида» 3436-сонли Президент Фармони чиқарилди.**

Фармонда қайд этилишича ислоҳатларнинг олдинги босқичи муваффақиятли ўтқазилмоқда:

1. Тез ва шошилиш ёрдам кўрсатиш тизими тузилди - республика тез ва шошилиш ёрдам маркази, вилоят марказлари ва марказий туман касалхоналаридаги ихтисослашган бўлимлар аҳолига бепул тез ва шошилиш тиббий ёрдамни таъминлаб бермоқда.

2. Тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланиш давом эттирилмоқда.

3. Тиббий ходимлар фаолиятини ташкил қилиш ва моддий рағбатлантириш тизими, тиббий малакасини ошириш ва замонавий тиббий техника билан таъминлаш масалалари доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда.

4. Аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими, биринчи навбатда қишлоқ жойларда ислоҳ қилинмоқда. Республиканинг барча ҳудудларида замонавий тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинмоқда.

Фармонда қайд этилгандек соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳатларни чуқурлаштириш, жаҳон талабларига жавоб берувчи юқори технологияли, ихтисослашган тиббий

марказларни ташкил этиш учун ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида илғор тиббий технологияларни кенг тадбиқ этиш лозимдир.

Шунинг учун Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилишни кейинги босқичининг асосий вазифаси чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган клиник ва тиббий марказларни ташкил қилиш уларда юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларни замонавий диагностика ва даволаш тиббий асбоб ускуналарини қўллаган ҳолда қабул қилиш.

Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган клиника ва тиббий марказлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Кадрларга эга бўлиш тиббий амалиётида жаҳон талабларига жавоб берувчи мураккаб даволаш ва диагностика усулларидан фойдалана оладиган, яхши тайёрганликни кўрган юқори малакали, ўз соҳасида тан олинган.

Бунинг учун Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ССВ ва Молия Вазирликлари томонидан қилинган таклиф асосида ўз-ўзини бошқариш тамойилига асосланган марказлар тажриба амалиётида ташкил қилинди.

Республика ихтисослашган урология маркази Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги урология илмий маркази базасида;

Республикада ихтисослашган кўз микрохирургияси маркази Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази базасида;

Республика ихтисослашган кардиология маркази кардиология ИТИ ва Тошкент шаҳри 15-сонли клиник шаҳар касалхонаси базасида;

В.Воҳидов номидаги Республика жарроҳлик илмий маркази.

**Ташкил қилинаётган ихтисослашган тиббий марказларнинг асосий вазифалари қуйидагича:**



1. Марказ ихтисосига мос холда диагностиканинг замонавий усулларини тадбиқ этиш ва аҳолига юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш.

2. Доимий равишда мавжуд тиббий техника ва аппаратурани янгилаш ва такомиллаштириш, марказлар ихтисослашган юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини берувчи замонавий тиббий асбоб-ускуна билан таъминлаш.

3. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида марказлар фаолиятига менежмент ва маркетинг элементларини киритиш.

4. Мутахассисларни чет эл тиббий ўқув ва клиника муассасаларида ўқиш ва тажриба алмашиш ҳисобига доимий равишда марказлар ходимларининг профессионал билим ва малакасини ошириш ва такомиллаштириш.

5. Тиббиёт амалиётида ўз соҳаси бўйича беморларни даволашга қаратилган замонавий усул ва технологияларни ишлаб-чиқиш ва тадбиқ этишга қаратилган илмий изланишларни олиб бориш.

6. Чет эл тиббиёт муассасалари ва тиббиёт марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ахборот, тажриба ва мутахассислар билан кенг алмашилиш.

Давлат томонидан ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига (имтиёзли аҳоли гуруҳларга) юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам давлат бюджети ҳисобидан кўрсатилади.

Марказлар фаолияти аралаш принципи асосида молиялаштирилади: давлат бюджети марказнинг хусусий даромади ва бошқа қонун томонидан таъқиқланмаган манбаи ҳисобига. Бунда давлат бюджети томонидан ажратиладиган маблағлар ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан харажат бандларига бўлинмасдан яҳлит ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Соғлиқни сақлаш Вазирлиги билан биргаликда Республика бюджетини ташкил этишда 2004 йилдан бошлаб мазкур республика

ихтисослашган Марказларига ажратиладиган маблағларни камайтириш ва 2008 йилга келиб улар тўлиқ ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципига ўтиш кўзда тутилган.

**Ислохотларни ўтказиш жараёнида соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар:**

Тошкент шаҳрида нодавлат тиббий муассасалар тизими тузилган.

Республика тез ва шошилиш тиббий ёрдам маркази унинг Қорақалпоқ ва вилоят филиаллари қишлоқ жойларда тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизими тузилди.

Қишлоқ жойларида бирламчи ва бошқа турдаги тиббий хизматлар 2-босқичда кўрсатилишига ўтилмоқда: ҚВП – Т.М.К.

Шаҳар жойларида бирламчи ва бошқа турдаги тиббий хизматлар 2-босқичда кўрсатилишига ўтилмоқда: маслаҳат диагностика поликлиника (ёки диагностик марказ) – шаҳар касалхонаси.

Вилоят марказлари ва республика даражасидаги давлат даволаш профилактик муассасалар таркиби тартибга келтирилди.

**Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришдаги ислохотларидаги ўзгаришлар:**

Тиббий ёрдам давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматларга (бепул тиббий хизмат) ва пуллик тиббий хизматларга ажратилди.

Молиялаштириш механизми соддалаштирилди ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди. Шундай қилиб соғлиқни сақлаш тизимидаги охириги йилларда олиб борилган ислохотлар натижасида:

Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди;

Тез ва шошилиш тиббий ёрдамнинг янги замонавий яҳлит тизими тузилди;

Умумамалиёт врачлар фаолиятида асосланган бирламчи

тиббий-санитария ёрдам тизими соддалаштирилди ва қишлоқ врачлик пунктларини ташкил қилиш ёрдамида самараси кўтарилди;

Оналик ва болалик тизимини самараси кўтарилди;

Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар қатор тиббиёт муассасаларини пуллик хизмат тизимига ўтиш билан уйғунлаштирилди;

Тиббий хизматлар бозори ва соғлиқни сақлашни нодавлат сектори ташкил қилинди;

Давлат барча регионларида санитария эпидемиологик барқарорлик таъминланди;

Соғлиқни сақлаш тизимини ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қуйидаги қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида

Давлат санитария назорати тўғрисида

ОИТС касаллигини олдини олиш тўғрисида

Дори – дармон ва фармацевтик фаолият тўғрисида

Алкоголизм, наркомания ёки токсикомания билан касалланган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси қуйидаги қонунлари қабул қилинди:

ВИЧ вируси (ВИЧ инфекция) билан чақириладиган касалликларни олдини олиш тўғрисида

-наркотик моддалар ва психотроп дорилар тўғрисида

-фуқароларга психиатрик ёрдами тўғрисида

-аҳолисини силдан ҳимоялаш тўғрисида

-донорлик, қон ва унинг компонентлари тўғрисида.

Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ўз навбатида барча тизим орган ва муассасаларининг фаолиятини таъминловчи хужжатларни ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларга мослигини таъминлаб берди.

## **2. БОБ**

# **Тиббиётда янги ислоҳотлар даври**

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида кўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё худудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди. Ана шуларни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг фидокорона ишларини давом эттириб мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги даврини очиб берди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида, қатор фармон ва қарорлар қабул қилди.

**2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича**

### **Ҳаракатлар стратегияси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони имзоланди. Мазкур Фармон чиқишидан олдин унинг лойиҳаси матбуотга эълон қилиниб икки ой давомида халқ орасида

муҳокама қилинди. Барча таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниб ушбу Фармон чиқди.

Мазкур фармонга мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилди.

Ҳаракатлар стратегиясида қамраб олинган беш йилда мазкур йўналишлардан келиб чиққан ҳолда давлат дастурлари қабул қилинади. Ҳар бир йилнинг номи ҳам ушбу йўналишларга бевосита боғлиқ бўлади. Жорий 2017 йилда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ҳам мазкур Ҳаракатлар стратегияси доирасида ишлаб чиқилди.

Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва муассасалари зиммасига ҳам муҳим, ҳам долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиб бериш борасида мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам муайян вазифалар юклатилди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мутаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-

тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар

томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** тасдиқланди.

Унга кўра:

давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини



модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Шунингдек Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиш деб ҳисобланди ва Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга

бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек Ҳаракатлар стратегиясини 2018 — 2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси белгиланди ва ҳар йил амалга ошириб келинмоқда.

Фармонда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва ғовлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймаслик;

Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очиқлиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштирок этиши назарда тутилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш - тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли фармони**

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Натижада 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза

қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

- соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаяпти;

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскирган, замонавий халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишига ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда;

- касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда;

- аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суст ривожланган;

- амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти;

- тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустлиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

- электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий

маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазибаларига мувофиқ ҳамда тиббиёт соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли фармони қабул қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари:**

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

- жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг «кластер» моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

- тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш;

- тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

- тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

- хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

- фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

- тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий

таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

### **Мазкур Фармон билан**

1. 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш **концепцияси**

2. 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш **концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган.**

### **Шунингдек, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб:**

- республиканинг айрим туманларида тиббиёт муассасаларини «ҳар бир даволанган ҳолат» учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш тизимини эксперимент тартибида жорий этиш;

- эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиш асосида молиялаштиришнинг янги механизмларини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш;

- 2019 йил 1 июлдан бошлаб вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш тизимини жорий этиш, бунда кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига кирмайдиган даволаш турлари пулли асосда амалга оширилади;

- 2019 йил 1 июлдан бошлаб айрим даволаш-профилактика муассасаларини ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари асосида белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш;

- 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ташкил

этилган. Унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ягона сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

- ногиронликни белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

- тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш.

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар, имконияти чекланган шахслар учун республика ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича республика реабилитация маркази белгиланган тартибда Вазирлик таркибидан Агентлик тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:



ўрта ва олий тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-услубий материаллари ва назарий машғулотларни янада оптималлаштириш ва амалий машғулотларни кўпайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, уларни тиббиёт фани ва амалиётининг умумжаҳон ютуқларига мувофиқлаштириш;

- илғор илмий ишланмалар ва технологияларни амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилишда тиббий олий таълим муассасалари клиникаларининг ролини кучайтириш;

- топ мутахассисликлар бўйича тиббий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, магистратура ва клиник ординатурада ўқитиш муддатларини клиник кўникмаларни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда мақбуллаштириш;

- олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини, соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурларини жорий этиш, масофадан ўқитиш механизмларини кенг қўллаш;

- бошқарув ва ўқув жараёнига юқори малакали ва малакали хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни кенг жалб этиш топширилган.

## **2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси**

### **Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг бугунги ҳолати**

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва

қулайлигини ошириш таъминланди, БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг асосий параметрларига эришилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга — 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошди.

Оналар ўлими кўрсаткичи 3,1 бараварга камайиб, 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди, чақалоқлар ўлими эса 3,1 бараварга камайиб, 1000 нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражаси 96 — 98 фоизда қатъий сақланиб турибди.

Юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларининг жорий этилиши ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қоқшоли, маҳаллий келиб чиққан безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди. Полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча (2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилинганлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликни келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонуности

ва идоравий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Трансплантология, кўмакчи репродуктив технологиялар, телетиббиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Натижада ҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Республикада тиббиёт хизматларининг клиник тавсиялари (баённомалари) ва стандартлари билан узвий боғлиқ клиник-харажат гуруҳлари (DRG тизими) ишлаб чиқилмаган.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг профилактика, патронаж ва ўз вақтида даволаш-ташхис қўйиш ишлари, шу жумладан амбулаторияда даволашни охиригача етказиш самарадорлиги қониқарсизлигича қолмоқда. Бунинг натижасида аҳоли соғлиғини сақлаш тизимида қиммат турадиган стационар ёрдам асосий ўринни эгалламоқда.

Аҳолига, айниқса болалар ва фертиль ёшидаги аёлларга патронаж хизмати даражаси паст эканлиги (72 — 77%) қайд этилмоқда, умумий амалиёт шифокорларининг билим ва кўникмалари даражаси оналар ва болаларга тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда таъминлаш имконини бермаяпти.

Соғлиқни сақлашнинг жадал ривожланаётган хусусий секторини давлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликка фаол жалб қилишга ғов бўлаётган тўсиқлар қўшимча молия ресурсларидан соғлиқни сақлаш учун самарали фойдаланиш имконини бермаяпти.

Тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари экстенсив тарзда ривожланмоқда, у ерда тиббиёт фанлари докторларининг 70 фоизи ишласада, уларнинг салоҳиятидан етарлича

фойдаланилмаяпти. ихтисослашган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги шароитида тиббиёт амалиётининг таълим бериш жараёни ва илм-фан билан суств интеграциялашганлиги тиббиётнинг илғор ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш қониқарсиз даражада эканидан дарак бермоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимларини татбиқ этишдаги суствкашлик ва бунинг оқибатида шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари касбий билимлари даражасининг етарли эмаслиги кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тиббиёт ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилиш даражаси пастлиги, улар ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатининг ўз зиммасига юкланаётган жавобгарлик даражасига мос келмаслиги малакали кадрларнинг тизимдан чиқиб кетиши ва коррупция ҳолатлари юзага келиши учун шароит яратмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт ҳужжатларининг жуда катта ҳажми қоғоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор кузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаяпти, шунингдек, ортиқча бюрократизм ва катта харажатларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган камчиликлар соғлиқни сақлашнинг сифатига бўлган аҳолининг тобора ортиб бораётган талабларини қондириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдириш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш

орқали соғлиқни сақлашнинг концептуал янги моделини шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

## **Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари**

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Саломатлик-2020 ва Барқарор тараққиёт мақсадлари-2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган.

### **Концепция мақсадлари:**

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш.

2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш.

3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш.

## Концепция вазифалари:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартлари ва тавсияларини имплементация қилган ҳолда тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш.

2. Фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида идоралараро самарали ҳамкорлик ва алоқалар механизмларини ривожлантириш, шу жумладан саломатликнинг ижтимоий ва иқтисодий детерминантларига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни ривожлантириш, сув таъминоти ва санитарияни, соғлом овқатланиш, шу жумладан чақалоқлар ва болаларнинг соғлом овқатланишини яхшилаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, шу жумладан санитария-эпидемиология хизматини ривожлантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, Халқаро тиббий-санитария қоидаларини жорий этиш ва бажариш.

4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи ва иккиламчи даражадаги, тез тиббий ёрдам тиббиёт муассасаларининг самарали интеграциясини таъминлаш учун соғлиқни сақлашнинг туман бўғинини ислоҳ қилиш, она ва бола соғлиғини сақлашни мустаҳкамлаш, ихтисослашган ва паллиатив тиббий ёрдамни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш.

5. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмининг ривожлантириш, соғлиқни

сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш.

7. Соғлиқни сақлаш тизими, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ташкилий тузилмасини функционал вазифалар ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаган ҳолда такомиллаштириш.

8. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини аккредитация қилиш, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

9. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, нарх белгилаш механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш, уларни маркировкалаш ва трекинг тизимларини жорий этиш.

10. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини, шу жумладан илмий ва тиббиёт таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш), замонавий таълим дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

11. «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимларини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини яратиш.

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш**

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар қабул қилиш орқали норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлигига эришиш ва қўллаш учун қулайликлар яратиш мақсадида ягона ҳужжатда кодификациялаш, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини қабул қилиш.

3. Бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш.

4. Мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

5. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги, шу жумладан оналар ва болаларни эмлаш, диспансеризация қилиш ва уларга кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Кўкрак сути ўрнини босувчи озуқа маркетинги тўғрисидаги халқаро кодекс нормаларини имплементация қилиш ҳамда чақалоқларни ва кичик ёшдаги болаларни овқатлантириш тўғрисидаги миллий дастурни қабул қилиш.

6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар маркетингини тартибга солишнинг, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия билан шуғулланишга ва спорт тадбирларига жалб қилишга рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

7. Тиббиёт ходимлари ўз касбий мажбуриятларига риоя этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан Тиббиёт ходимларининг ахлоқ



кодексини қабул қилиш ва уларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.

8. Аҳолини, айниқса эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини ошириш.

### **Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш**

1. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган давлат бошқарувининг замонавий шакллари жорий этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий органлар тузилмасини такомиллаштириш.

2. Тиббий ёрдамнинг зарур босқичма-босқичлиги ва изчиллигини таъминлаш учун бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи ҳар хил даражадаги ва тор ихтисосликдаги тиббиёт ташкилотларини бошқарувнинг ягона тизимига интеграция қилишни назарда тутувчи «кластер» ёндашуви асосида ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш.

3. Тиббий ёрдам кўрсатиш даражалари, ҳажми ва турлари бўйича тиббиёт ташкилотлари тоифалари классификаторини, шунингдек, уларни қуриш, моддий-техник ва аҳоли жон бошига ҳисоблаб чиққан ҳолда, аҳоли зичлигини ва транспорт инфратузилмаси ривожланганлигини ҳисобга олиб, кадрлар билан таъминлаш нормативларини ишлаб чиқиш.

4. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари ҳамда фаолияти гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ ташкилотларни аккредитация қилишнинг, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашнинг механизмларини илғор хорижий

тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш.

5. Халқаро стандартлар асосида менежмент ва тиббиёт хизматлари сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, шунингдек, аҳолининг соғлиқни сақлаш сифатидан қониққанлигини баҳолаш механизмларини жорий этиш.

6. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг улар малакасига, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб тоифаланган замонавий механизмларини жорий этиш, шу жумладан қўлланилаётган тармоқ тариф сеткаси ўрнига тиббиёт ходими фаолияти натижаларига қараб клиник-харажат гуруҳлари ва жон бошига молиялаштиришнинг тегишли мезонларига кўра тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари ва ўзгарувчан (мукофотлаш) ставкасини жорий этиш.

7. Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари, айниқса қишлоқ жойлардаги муассасаларнинг тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

8. Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимини такомиллаштириш, уларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини, фуқаролар соғлиғи хавфсизлиги таъминланишини назорат қилишдаги роли ва жавобгарлигини ошириш, касаллик кўзғатувчи омилларга лабораторияда ва экспресс ташхис қўйишнинг янги технологияларини жорий этиш.

9. Тиббиёт ташкилотларининг асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг ягона механизмлари ва стандартларини жорий этиш, уларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратиш.

10. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тиббиёт ускуналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни метрологик текширадиган ҳудудий хизматларни ташкил этиш.

### Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш

1. Қуйидагиларни назарда тутадиган клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш:

- ҳудудларнинг хусусиятлари, муассасалар тури, аҳоли зичлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олувчи тоифаланган тузатиш коэффициентларига эга молиялаштиришнинг ягона жон бошига тўғри келадиган нормативини жорий этиш ҳисобига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ҳудудий бюджет таъминланганлигини тенглаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

- республика, вилоят ва туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматларига клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш;

- давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш учун тиббий хизматларнинг давлат ва хусусий етказиб берувчилари билан контрактлар тузиш тизимига ўтиш.

2. Асосланган стратегик қарорлар қабул қилиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғурта дастурлари жорий этилишини қўллаб-қувватлаш учун соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва далилий базани ташкил этиш мақсадида соғлиқни сақлаш ҳисобварақлари миллий тизимини яратиш.

3. Мажбурий тиббий суғурта дастурлари бўйича молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи Мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш.

4. Республиканинг барча ҳудудларида тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш ва клиник-харажат гуруҳларини шакллантириш асосида беморларнинг мақсадли контингентлари ва тиббий ёрдамнинг мақсадли турлари учун мажбурий тиббий суғуртага оид махсус дастурларни жорий этиш.

5. Фуқароларни тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўз соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишга ундайдиган дастурларни жорий этиш.

6. Республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта билан тўлиқ қамраб олишни босқичма-босқич таъминлаш.

**Тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш**

1. Йирик кўп тармоқли даволаш муассасаларини, шу жумладан тор ихтисосликдаги махсус тиббиёт ташкилотларини (уларнинг филиалларини) бирлаштириш ҳисобига ташкил этиш орқали жойларда юқори сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

2. Асосий ва энг кўп учрайдиган касалликлар ва ҳолатлар бўйича исботловчи тиббиётга асосланган ҳамда халқаро стандартларга уйғунлаштирилган миллий клиник стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Хизматлар кўрсатиш технологияси, зарур кадр ресурслари, дори воситалари ва сарфлаш материаллари тавсифлашни назарда тутадиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий хизматларнинг ягона реестрини яратиш.

4. Тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларининг мақбул кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлайдиган беморларга йўналиш берувчи схемаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.

5. Олий тиббий таълим муассасаларининг клиникаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, шу жумладан «таълим — амалиёт — фан» алоқаси ягоналиги принципи асосида уларни 4-даражагача модернизация қилиш.

6. Соғлиқни сақлаш амалиётига халқаро стандартларга мувофиқ кичик инвазив юқори технологик жарроҳлик аралашувларини (радиожарроҳлик, микрожарроҳлик, роботлаштирилган жарроҳлик, шунтлаш ва бошқалар) жорий этиш, қисқа муддатли бир кунлик амбулатория жарроҳлик ёрдамини («бир кунлик жарроҳлик»ни) ривожлантириш.

7. Тиббиёт ташкилотларида индивидуал электрон қурилмалар ёрдамида қайд этилган хавф остидаги гуруҳга кирувчи амбулатория беморларининг соғлиғи кўрсаткичлари ўзгаришига шошилиш чоралар кўриш тизимини яратиш.

8. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизматини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (қийин йўлларда юра оладиган автомобиллар, реанимобиллар ва авиация техникаси билан жиҳозлаш), шошилиш ва фавқулодда ҳолатда ҳаракатланувчи бошқа хизматлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.

9. Регенератив, шу жумладан биотиббий хужайра, аддитив ва бошқа янги технологияларга асосланган тиббиётни ривожлантириш.

10. Предиктив тиббиётни ривожлантириш (наслий мойилликнинг олдини олиш), соғлиқ ҳолатига молекуляр-генетик ташхис қўйиш, скрининг ва мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш.

11. Юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гуруҳга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «уйда стационар» хизматини кенгайтириш орқали эрта аниқлаш.

12. Катта ва кекса ёшдаги фуқароларга узок муддатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий моделини яратиш, уйда ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа қатор чоратадбирларни назарда тутувчи геронтологик ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш.

13. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ўз саломатлиги ва атрофдагилар соғлиғи учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, шунингдек уларнинг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш.

14. Микробга қарши чидамлик тарқалишининг олдини олиш, шу жумладан микробга қарши терапиянинг оқилона схема ва регламентларига қатъий риоя қилиш, антибактериал терапия тайинлашда микробиология диагностикаси усулларини ривожлантириш ва кенгайтириш, антибактериал препаратларнинг янги турларини ишлаб чиқиш.

### **Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш**

1. Репродуктив ёшдаги аёлларга ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини, шу жумладан қуйидагиларни ташкил этиш орқали кенгайтириш ва ошириш:

• марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаларида репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналик,

пренатал диагностика кабинетлари (оналар скрининги), шунингдек, болалар бўлимлари;

- болалар стационар муассасаларида тез тиббий ёрдам педиатрия бригадалари ва шошилиш постларни кенгайтириш ҳисобига болаларга кечаю кундуз шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш;

- туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар қабул бўлимлари, болалар реанимацияси ва интенсив терапия бўлимлари қабулхоналари.

2. Ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги (орфан), туғма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш.

3. Ирсий касалликларга мойил бўлган, хавф остидаги гуруҳга кирадиган болаларга эрта ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш.

4. Болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришга қаратилган миллий лойиҳаларни, шу жумладан ўсмирларнинг жисмоний ва руҳий-ижтимоий осойишталигига кўмаклашувчи «Болаликда учрайдиган касалликларни интеграциялашган ҳолда юритиш», «Болаларнинг жароҳат олиши ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш», «Чақалоқлар саломатлиги», «Ўсмирлар саломатлиги», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Соғлом мактаб муҳитини шакллантириш» дастурларини амалга ошириш.

5. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қўлланиладиган мактаб ёшидаги болаларни ўрганишнинг замонавий усуллари ва дастурларидан кенг фойдаланиш, «Мактаб ёшидаги болалар соғлиғига нисбатан хулқини текшириш» (HBSC) Европа ҳамкорлик тармоғига ҳамда Болалар семиришини эпидемиологик назорат қилиш Европа тармоғига (COSI) Ўзбекистоннинг қўшилиши.

6. Оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик, шу жумладан микрожарроҳлик ва кичик инвазив тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш.

7. «Она ва бола» йирик кўп тармоқли тиббиёт марказларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида босқичма-босқич, шу жумладан самараси паст ва тор ихтисосдаги давлат тиббиёт ташкилотларини бирлаштириш орқали ташкил этиш.

### **Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш:

- ҳудудлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун амбулатория ва стационар тиббий хизматларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

- аҳолининг эҳтиёжи катта бўлган тиббиётнинг айрим йўналишлари ривожига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ролини кучайтириш, шунингдек, уларнинг негизида хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари юзасидан ахборот билан таъминлаш учун ягона диспетчер хизмати (Call-маркази) ташкил этиш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасига қуйидаги шаклларда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш:

- хусусий тиббиёт ташкилотлари биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш мақсадида бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;



- мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий тиббиёт ташкилотлари объектлари қуриш учун бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

- кам фойдаланиладиган ёки реконструкция қилиш ёхуд капитал таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб қиладиган мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини ижарага бериш;

- бино қуриш ёки реконструкция қилиш, концессия асосида жиҳозлаш учун ер участкаси ажратиш;

- бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан ишламаётган давлат тиббиёт ташкилотлари биноларини «ноль» харид қиймати бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилиш;

- давлат тиббиёт ташкилотларининг айрим функциялари ёки хизматларини тадбиркорлик субъектларига аутсорсинг асосида ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб бериладиган бошқа шаклларда.

3. Мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг туристик салоҳиятини тубдан оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.

4. Йирик давлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматларни ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда илгари суриш учун масъул бўлган маркетинг ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, чет эл фуқароларини, шунингдек, уларга ҳамроҳ бўлган шахсларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича махсус таркибий тузилмалар яратиш.

5. Кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, маданий-маърифий тадбирлар билан комплекс боғлиқ ҳолда чет эл фуқароларига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, чет эл инвестициялари,

шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг туристик инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар кредитлари ва грантларини жалб қилиш.

6. Етакчи илмий-амалий тиббиёт марказларининг салоҳиятини ва улар кўрсатадиган хизматларни, шу жумладан эстетика жарроҳлиги, кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология имкониятларини оммавий ахборот воситаларида PR-компаниялар, конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали кенг тарғиб қилиш.

### **Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш**

1. Қуйидагиларни имконини берувчи Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини маркировкалаш ҳамда улар ҳаракатланишининг мониторингини олиб бориш ахборот тизимини жорий этиш:

- дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳар бир қадоғининг ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган вақтдан бошлаб истеъмолчига етиб борган вақтгача ҳаракатланишини кузатиш;

- сифатсиз ва контрафакт дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларининг бутун республика бўйлаб профилактикаси ва муомаладан дарҳол олиб қўйилиши;

- ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини белгилаш устидан мониторинг олиб бориш;

- барча даражаларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари захиралари ва резервларини тезкор режалаштириш ва бошқариш;

- истеъмолчилар томонидан мобиль илова ёрдамида харид қилинадиган (олинадиган) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари қонунийлигини текшириш.

2. Қиммат турадиган дори терапиясини талаб қиладиган беморлар регистрларини шакллантириш.

3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган иммунобиологик препаратларни жадал рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини жорий этиш.

4. Дори воситаларини, тиббиёт буюмларини ва тиббий техникани рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни халқаро талабларга уйғунлаштириш.

5. Ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника учун референт нарх белгилашни босқичма-босқич жорий этиш.

6. Фармацевтика ташкилотларини сифат менежменти тизимларини ва тегишли ишлаб чиқариш амалиётини (GMP ва бошқалар) жорий этишга рағбатлантириш.

7. Амбулатория ва стационар даволашда фуқароларни таъминлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан қопланадиган дори воситалари рўйхатини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

8. Республика ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этган ҳолда уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўсимлик хом ашёси асосида дори воситалари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз корхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш.

9. Иختисослашган фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ҳудудида тайёр дори воситалари ва субстанциялар ишлаб чиқарувчи янги фармацевтика корхоналари ташкил этишга доир йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

**Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш**

1. Ўқитишнинг кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг амалий жиҳатларини ошириш орқали олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш.

2. Клиник ихтисосликни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиқиб, магистратура ва клиник ординатурада (резидентурада) юқори малакали кадрлар тайёрлаш муддатларини халқаро стандартларга мувофиқ 1 йилдан 5 йилгача этиб оптималлаштириш.

3. Хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шу жумладан уларнинг филиаллари ва факультетларини очиш, шунингдек, иккита диплом бериш тизимини жорий этиш.

4. Таълим дастурларини амалга оширишда тармоқ ҳамкорлиги ва очик курслардан фойдаланиш орқали хорижий университетлар ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига таълим имкониятларини кенгайтириш, шунингдек тиббий таълимнинг электрон миллий платформаларини ишлаб чиқиш ва электрон таълим муҳитини шакллантириш.

5. Илғор илмий ишланмалар ва технологияларни соғлиқни сақлаш амалиётига интеграция қилишда тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари ва ўқув базаларининг ролини кучайтириш.

6. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда, уларни даволаш-ташхис қўйиш жараёнида иштирок этганлиги учун моддий рағбатлантириш йўли билан янги илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этишда тиббиёт олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар профессор-ўқитувчилари ролини ошириш.

7. Қуйидагиларни жорий этиш орқали таълим узлуксизлигини таъминловчи тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш:

- ўқитишнинг балл (жамғариб бориш) тизими;
- муаммога йўналтирилган модул ўқув дастурлари;
- масофавий ўқитиш дастурлари;

- узлуксиз тиббий таълимни ташкил этишда кўмаклашиш учун интерактив портал.

8. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар, шу жумладан GCP (Good clinical practice) стандарти бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш) асосида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш тизими самарадорлигини ошириш.

9. Тиббиёт таълим муассасаларида ўқитиш тўлдирилган ва виртуал реаллик шароитида, тиббий тренажёр ва манекенларда олиб бориладиган симуляцион марказларни ташкил этиш.

10. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларининг базавий ҳамда дастурий-мақсадли молиялаштирилишини, инновацион ишланмалар ва технологиялар трансферини амалга ошириш учун тиббиёт ва илмий жамоаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш.

11. Олий тиббиёт ўқув муассасалари тиббий-профилактик йўналиши кафедраларининг таълим дастурлари тан олинган халқаро ташкилотлар, шу жумладан Европа минтақасида жамоат соғлиғини сақлаш мактаби уюшмаси (ASPHER — The Association of Schools of Public Health in the European Region) томонидан аккредитация қилинишини таъминлаш.

### **Ахборот-коммуникация технологиялари ва «электрон соғлиқни сақлаш»ни кенг жорий этиш**

1. Қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини ташкил этиш:

а) аҳоли учун:

- тиббиёт ташкилотлари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида ахборот олиш;

• шифокорлар малакаси, иш стажи, қабул вақти ҳақида ахборот олиш, шунингдек, «электрон навбат», шу жумладан масофадан навбатни банд қилиб қўйиш имкониятини ташкил этиш;

• кўрсатиладиган хизматлар сифатини, шу жумладан тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш;

• мобиль иловалар орқали тизимдан фойдаланиш;

б) тиббиёт ташкилотлари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари:

• муассасани ривожланишнинг инновацион ижтимоий йўналтирилган типига айлантириш;

• соғлиқни сақлаш соҳасида стандартлаштириш тизимини амалга ошириш;

• электрон ҳужжат билан ишлашни жорий этиш орқали иш жараёнини оптималлаштириш (тиббиёт карталари ва касалликлар тарихларини тўлдириш, «электрон рецептлар» бериш);

• тиббиёт ходимлари, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисобини ва мониторингини юритиш;

• давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича молиявий операциялар амалга ошириш ва мониторингини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг бўлажак харажатларини баҳолаш, шунингдек эҳтимоли бўлган хатарларни таҳлил қилиш;

• тиббий статистика, ҳисоб ва ҳисобот юритиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш миллий ҳисобварақлари тизимини қўллаб-қувватлаш;

• бошқа тиббиёт ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграциялаш ва ахборот алмашиш.

2. Тиббиёт ташкилотлари иш кўрсаткичлари ва тармоқнинг ривожланиш ҳолатини мониторинг қилишнинг асосий

механизми сифатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

3. Тиббиёт ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш ҳамда масофавий тиббий ва таълим хизматларини (маслаҳатлашувлар, консилиумлар, операциялар, мастер-класслар ва ҳоказолар) ўтказиш учун телетиббиётни ривожлантириш.

### **Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

- барқарор тараққиёт соҳасида миллий мақсадлар ва вазифаларга эришиш;
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар стандартлари ва тавсияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, Халқаро тиббий-санитария қоидаларини амалга ошириш;
- соғлиқни сақлаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, малакали, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш;
- давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш;
- республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта дастурлари билан босқичма-босқич қамраб олиш;
- соғлиқни сақлашни молиялаштиришни ошириш, тиббий хизматлар кўрсатишда бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш;
- республика ҳудудларини тиббиёт ва фармацевтика кадрлари билан тўлиқ ҳамда тенг ҳажмда таъминлашга эришиш;
- жамият соғлиқни сақлаш тизими ва фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш;

- аҳолига реабилитация ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш;
- умр кўришни 75 ёшгача ошириш;
- оналар ўлими кўрсаткичини 15 фоизга камайтириш;
- чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини 30 фоизга камайтириш;
- аҳоли орасида юрак-томир, онкология касалликлари, қандли диабет ва сурункали нафас йўллари касалликларидан бевақт ўлишни 15 фоизга камайтириш;
- аҳолининг сил, ОИВ, гепатит ва бошқа юқумли касалликларга чалиниш даражасини камайтириш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикисини, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4063 сонли қарори**

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини кўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётганлиги натижасида асосий



эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4063сонли қарори қабул қилинди.

**2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси;**

**2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқланди.**

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири сифатида ходимлар жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш мақсадида барча зарур шароитларни яратиш, ушбу вазифаларга эришишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиб бориш топширилган.

Шунингдек, қарор асосида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази

негизида давлат муассасаси шаклида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази;

**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси** ҳузурида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг ҳудудий бўлимларини;

**туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари** ҳузуридаги "Саломатлик" марказлари негизида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг туман ва шаҳар бўлинмалари ташкил этилди.

### **Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари:**

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирларни ўтказиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

аҳоли саломатлиги ҳолатини мониторинг қилишнинг ягона тизимини яратиш, замонавий ахборот ва инновацион технологияларини жорий этиш билан бирга умрни узайтириш ва саломатликни мустаҳкамлашга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тавсияларни татбиқ этишда кўмаклашиш;

**умумэътироф** этилган халқаро услублар асосида доимий популяция текширувлари ва юқумли бўлмаган касалликларнинг хавф омиллари бўйича сўровлар ўтказиш;

**нотўғри овқатланиш** билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва тарқалиши даражасини камайтириш, кенг кўламда тушунтириш ишларини ташкил қилиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзи гарови сифатида тўғри овқатланиш тарғиботини кучайтириш;

**сифатнинг** замонавий халқаро стандартларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

**таълим** муассасалари билан биргаликда юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари юзасидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва узлуксиз касбий ривожланиши бўйича тадбирларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш.

**Диетология маркази** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради ва унга ҳисобот беради;

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:**

Республиканинг барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига:

**Жаҳон соғлиқни сақлаш** ташкилотининг артериал гипертония, қандли диабет, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва бошқа юқумли бўлмаган касалликлар бўйича клиник протоколлар, стандартлар ҳамда тавсиялар талабларини;

**қўллаб-қувватловчи** кураторлик тизими орқали тиббий хизматларнинг узлуксиз баҳолаш ва сифатини ошириш механизмларини;

**ҳар бир бемор** учун юқумли бўлмаган касалликлар ва хавф омиллари бўйича саломатлик профилларини яратишни назарда тутган дастурий таъминотини татбиқ этиш;

**озик-овқат** маҳсулотларни таркибида ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган маҳсулотлар тоифасига киритиш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

**таркибида** ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш, ишлаб чиқариш (тайёрлаш), сотиш ва истеъмолини чеклаш бўйича таклифлар киритиш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академияси магистратурасининг янги "Нутрициология" йўналишини очиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган.

**Давлат органлари ва ташкилотларида:**

**иш куни** давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари;

**ҳафтасига** камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) иштирок этишини назарда тутадиган "Саломатлик куни";

**мунтазам** равишда ходимлар орасида оммавийлашган спорт турлари бўйича спорт мусобақалари ва бошқа жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ўтказиб борилиши амалиётга жорий этилсиш топширилган.

**Давлат органлари** ва ташкилотлари технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларига ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффусларни белгилаш зарур.

**Давлат органлари** ва ташкилотлари ходимлари жамоасига соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитлар

яратиш, шу жумладан, спорт объектларига шуғулланиш (қуриш, жиҳозлаш) бўйича тадбирларни молиялаштириш тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш белгиланган.

### **3. БОБ**

## **Олий таълим муассасалари тизимида ислоҳотлар**

## Тиббий таълим мустақиллик йилларида

Республикада олий тиббий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида самарали тизим яратилди. 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тиббиёт соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. 7 та олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокор тайёрланиши таъминланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини амалга ошириш концепциясини аниқ белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилдаги ПФ-2107-сонли Фармони олий тиббий таълим тизимининг халқаро икки босқичли тизимга ўтишига замин яратди. Олий тиббий таълим муассасалари биринчи – бакалаврият босқичида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашга йўналтирилди. Иккинчи босқич бўлган 2-3 йиллик магистратура таълимида ихтисослашган тиббиёт марказлари, тиббиёт таълим ва илмий муассасаларида фаолият кўрсатиш учун 46 та тор мутахассислик (хирург, кардиолог, офтальмолог, инфекционист ва ҳ.к.) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилди. Врачлар тайёрлаш борасидаги республикамиз ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар ушбу соҳани янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12  
июндаги ПФ-4732-сонли «Олий таълим муассасаларининг  
раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони**

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида ушбу Фармон қабул қилинган.

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари:**

- олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

- юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

- олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;



- олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш борасида мамлакатимизнинг ушбу йўналишларда Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш илмий кенгашлари, зарур услубий, ўқув-лаборатория ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган замонавий моддий-техник базага эга 15 та етакчи олий ўқув юртини олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланган.

### **Таянч олий ўқув юртларининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари:**

- қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

- ушбу курсларда машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базани шакллантириш;

- олий ўқув юртининг етакчи ўқитувчиларини ва Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзоларини, шунингдек, мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларининг юқори малакали ўқитувчилари, хорижий мутахассислар, ўқув-услубий ходимлар ва амалиётчи

мутахассисларни шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун кенг жалб этиш;

- қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумот базасини шакллантириш, замонавий инновацион педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва қайта тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар учун уларнинг очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган педагогик амалиётни ташкил этиш;

- курсларнинг вилоятлардан келган тингловчиларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида олий ўқув юртлари турар жойларидан жой ажратиш бўйича чоралар кўриш.

*Қарорга мувофиқ:*

- идоравий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта доимий асосда Таянч олий ўқув юртларининг доимий фаолият кўрсатадиган курсларида қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шарт;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш Олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг янгиланган намунали тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соатлик махсус дастурлар бўйича икки ой давомида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади;

- курслар якунида тингловчилар ҳар бир Таянч олий ўқув юртида ташкил этиладиган олий ўқув юрти ректори ёки Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш раиси раҳбарлигидаги илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар

соҳасидаги йирик мутахассислардан ташкил топган камида 7 кишидан иборат Аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтади;

- аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига давлат намунасидаги қатъий ҳисобдорлик ҳужжати ҳисобланган малакавий аттестат берилади;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтолмаган олий ўқув юртлирининг раҳбар ва педагог кадрлари белгиланган муддатда такрорий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиши шарт;

- олий ўқув юртлирининг раҳбар ва педагог кадрлари такрорий аттестациядан ўтолмаган тақдирда, олий таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотади ва улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунларига кўра, аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар тегишли йўналиш бўйича бўш педагог лавозимини эгаллаш танловидан ўтишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади;

- таянч олий ўқув юртлирида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва ўртача иш ҳақи ўқиш даврида сақлаб қолинади.

Олий ўқув юртлирининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган курслар фаолияти 2015 йилнинг 1 сентябридан ташкил этилади.

### **Тиббий таълим янги ислохотлар даврида**

Маълумки, тиббий таълимдаги ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимини тараққий эттиришнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади.

Тиббиётда ислоҳотларнинг янги даврида соғлиқни сақлаш соҳасини замонавий фикрлайдиган, чуқур билимли, масъулиятни ҳис этадиган, ҳаржихатдан етук кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишда дастуриламал бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда республикамизда тиббиёт соҳаси учун 7 олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг 4 филиалида малакали кадрлар тайёрланиб келинмоқда.

2017 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, жорий йилда эса Фарғона филиали очилиши ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтирди. Шунингдек, бу йил тиббий олий таълим муассасаларини бакалаврият йўналиши бўйича икки минг нафар талаба тугатиб ишга йўлланма олган бўлса, 4 минг 395 нафар йигит-қиз талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнида тиббий таълимнинг мазмуни, кадрлар тайёрлаш муддати ва сифати халқаро таълим стандартларига мос равишда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки 23 фоиздан 7 фоизгача қисқартирилиб, клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 55 фоиздан 85 фоизгача оширилди, халқаро стандартларга мос янги ўқув режалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали шифокорлар билан таъминлаш мақсадида давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мақсадли қабул квоталари йўлга қўйилди. Ушбу квоталар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига мувофиқ, юқори малакали тиббиёт кадрларига эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар

талабига кўра белгиланмоқда. Ўтган йилда 1180, жорий йилда 1548 кв та шакллантирилди ва бу тайёрланаётган тиббий кадрлар 3 йилдан 10 йилгача муддатда муддатда тегишли худудларда ишлаши белгилаб қўйилди.

Бу кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Андижон ва Сирдарё вилоятларида умумий амалиёт шифокорига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланди. Бирламчи тиббиёт муассасаларидаги топ мутахассислар етишмовчилиги клиник ординатура, магистратура, қисқа муддатли қайта тайёрлов курслари битирувчилари ҳисобига 2020 йилгача тўлиқ бартараф этилади.

Тиббий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Кейинги йилларда республикамизнинг тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари 20 дан ортиқ хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бунинг натижасида Кореяда 40 нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда. Жорий ўқув йилида Тошкент давлат стоматология институтида Москва давлат тиббиёт стоматология университетининг «Стоматология» ва Италиянинг Турин политехника университетининг «Биотиббиёт муҳандислиги» таълим йўналишлари очилди.

Талабалар билан бир қаторда шифокорларнинг малакасини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар олиб бориляпти. Шифокорларимизни хориждаги етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга малака ошириш учун юбориш, хорижий мутахассисларни таклиф қилиш тизими йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Жорий йилда 500 нафардан кўпроқ ёш мутахассиснинг чет элда малака оширгани, 400 нафарга яқин хорижлик мутахассиснинг мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида маҳорат дарсларини ўтгани соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, тиббий олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш баробарида тиббиётнинг долзарб масалалари

бўйича илмий изланишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда 226 ихтирога ва фойдали моделларга патентлар, 186 та ЭҲМ дастури учун гувоҳномалар олинган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимнинг ноёб тизими яратилди, илмий-тадқиқот фаолияти, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш самарадорлигини оширишга, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ролини кучайтиришга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилиниши олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга яқинлаштиришда муҳим қадам бўлди. Ўтган давр ичида барча зарур норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, ўрнатилган талабларга мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларининг фаолияти, докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш ташкил этилди.

Шу билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган суръатлар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида орттирилган тажрибанинг моҳиятини қатор хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги илғор амалиётини ҳисобга олган ҳолда қайта англаш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳозирги шароитда илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини тобора жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, олий таълим ва илмий муассасаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ундан республиканинг

инновацион ривожланишида самарали фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармон олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги фармони қабул қилинган.

Фармонга асосан қатор хорижий мамлакатларнинг халқаро амалиётига мувофиқ 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали:

**диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура;**

**диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизимини жорий қилиш белгиланган.**

**Тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган, ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун) ва ўрнатилган талаблар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилган шахсларга илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар томонидан берилади;**

**фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган ва ўрнатилган талаблар бўйича фан доктори (Doctor of**

Science) илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилган шахсларга илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар томонидан берилади;

**таянч докторантурага** магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган, ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун) шахслар ўрнатилган талабларга мувофиқ қабул қилинади;

**докторантурага** фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар ўрнатилган талабларга мувофиқ қабул қилинади;

**ўрнатилган тартибда** мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган, ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун) шахсларга ҳам фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади;

**ўрнатилган тартибда** мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, фалсафа доктори (PhD) ёки фан номзоди, ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахсларга ҳам фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

Фан доктори илмий даражасини берувчи амалдаги илмий кенгашлар мазкур Фармон қабул қилинган кундан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими бўйича диссертацияларни ҳимояга қабул қилишни тўхтатиши белгилаб қўйилган.

**Фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган:**

**ҳозирги** вақтда катта илмий ходим-изланувчилар институтида таҳсил олаётган ёки ўрнатилган тартибда мустақил



изланувчи сифатида расмийлаштирилган шахслар олий ўқув юртидан кейинги таълим янги тизимининг тегишли институтларида таҳсил олишни давом эттирадилар ва, тайёрлигига қараб, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертацияларини ҳимоя қиладилар;

олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида катта илмий ходим-изланувчилар ёки мустақил изланувчилик институтини диссертация ҳимоясиз битирган, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирмаган ҳолда ўрнатилган талабларга мувофиқ диссертациясини тайёрлаган ва Олий аттестация комиссиясида диссертация мавзусини рўйхатдан ўтказган шахслар фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишлари мумкин.

**Фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлмаган:**

ҳозирги вақтда катта илмий ходим-изланувчилар институтида таҳсил олаётган ёки ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилган шахслар олий ўқув юртидан кейинги таълим янги тизимининг тегишли институтларида таҳсил олишни давом эттирадилар ва, тайёрлигига қараб, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияларини ҳимоя қиладилар;

олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида катта илмий ходим-изланувчилар ёки мустақил изланувчилик институтини диссертация ҳимоясиз битирган, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирмаган ҳолда ўрнатилган талабларга мувофиқ диссертациясини тайёрлаган ва Олий аттестация комиссиясида диссертация мавзусини рўйхатдан ўтказган шахслар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишлари мумкин.

**Таянч докторантурага** ва докторантурага қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига, вазирликларга, идораларга ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширадиган муассасаларга шу мақсадлар учун ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилиши белгиланган.

**2017 йил 1 июлидан:**

**таянч докторантурада** таҳсил олувчи шахсларга стажёр-тадқиқотчи лавозим маошининг базавий миқдorigа тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади;

**докторантурада** таҳсил олувчи шахсларга фан номзоди илмий даражасига эга (илмий унвонга эга бўлмаган) катта илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдorigа тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади.

Таъкидлаш жоизки, 2011 — 2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида 25 та олий таълим муассасасининг 202 та объектида янги қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди.

Иқтисодиётнинг реал сектори талабларидан келиб чиқиб, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқишга қабул қилиш, унинг умумий сонига нисбатан 23 фоиздан 33,2 фоизга ошди. Олий таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган давлат олий таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим

муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Қарорда олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалари белгиланди:

ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим

муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари

профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифлари асосида хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасида белгиланган миқдорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассислар учун икки томонга авиачипталарни сотиб олиш харажатлари (узок муддатли меҳнат шартномаларида бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) олий таълим муассасалари, Тармоқ марказлари томонидан миллий валютада тўланади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг бир ойдан ошмаган муддатга тузилган қисқа муддатли меҳнат шартномалари бўйича республика меҳмонхоналарида яшаш харажатлари олий таълим муассасаси, Тармоқ марказлари томонидан миллий валютада тўланади, бундан узоқ муддатга тузиладиган меҳнат шартномалари бўйича хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг уй-жой ижара харажатлари тузилган шартнома шартларига мувофиқ ойлик маошларини тўлашда амалга оширилади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида бўлган даврида кунлик сафар харажатлари 20 АҚШ доллари эквивалентидаги кундалик меъёр бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада тўланади;

олий таълим муассасалари, Тармоқ марказлари ўқув жараёнига жалб қилинадиган хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассислар тузилган меҳнат шартномаси доирасида олинадиган даромадлари жисмоний шахслар даромад солиқлари тўлашдан озод этилади;

олий таълим муассасалари, Тармоқ марказлари ўқув жараёнига жалб қилинадиган хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассислар тузилган меҳнат шартномаси доирасида олинадиган даромадлари ягона ижтимоий тўловлардан озод этилади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг моддий таъминоти бўйича харажатларни молиялаштириш манбаси сифатида олий таълим муассасалари ва Тармоқ марказларига ўрнатилган тартибда ажратиладиган бюджет маблағлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия ва бошқа ташкилотлар, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Таълим ва ўқитиш сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари этиб:

таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш,

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

**Мазкур қарорда:**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига ўткир талаб мавжуд бўлган ҳудудлар учун мақсадли қабул бўйича квоталарни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш топширилган.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқланган.

**Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:**

- бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратураси қабул параметрларига ўзгартиришлар киритиш;

- янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалавриат ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгартиришлар киритиш;

- иқтисодиёт тармоқлари, жумладан республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлари учун мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжларни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш;



• 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш.

Шунингдек ушбу қарорда қуйидагилар белгилаб қўйилган:

• олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш учун квота миқдори таълим муассасасининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланади;

• қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференциялашган тартибда белгиланади;

• тўлов-контракт суммасининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган баллига мувофиқ (68 баллдан кам бўлмаган) кетма-кетлик тартибини қатъий сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Кадрларни мақсадли тайёрлаш буюртмачилари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларга олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига ва тузган шартномаларига мувофиқ иш билан бандлигини таъминлаш, жумладан республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларига ишга йўлланма олган олий таълим муассасалари битирувчилари учун муносиб меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш юзасидан жавобгарлик юклатилган.

Қисқача айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон

Республикасининг стратегик ривожланишининг бешта устувор йўналиши доирасида олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга оширишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тиббий таълим сифатини янада ошириш, олий ва ўрта махсус, касб-хунар тиббий таълими тизимини энг яхши халқаро амалиёт даражасида босқичма-босқич шакллантириш, тиббий ёрдам даражасини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий таълим соҳасида ваколатли орган этиб белгиланган ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- тиббиёт кадрларини тайёрлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тиббий таълим муассасаларига, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим, соғлиқни сақлаш тизими учун мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимига методик раҳбарлик қилиш;

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар тиббий таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, олий малакали илмий-педагог тиббиёт кадрларини тайёрлаш учун давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш;

- тиббий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг назарий ва амалий тайёргарлигини, касбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув машғулотлари ҳамда клиник ўқув амалиётини кенгайтириш ҳисобига яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- профессор-ўқитувчиларни, бакалаврият ва магистратура талабаларини, клиник ординаторларни тиббиётни

ривожлантиришнинг замонавий йўналишларига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга кенг жалб қилиш бўйича қўшимча вазифалар юкланган.

*Қарорда:*

- 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб тиббий таълим йўналишларидаги бакалаврият тизимида ўқиш муддатлари ва битирувчилар малакасини иловага мувофиқ белгилаш;

- юқори малакали тиббий кадрларни тор мутахассислик бўйича 2-3 йиллик магистратурада ўқитиш; малака ошириш ва қайта тайёрлашни 2 йиллик клиник ординатурада ўқитиш орқали кенгайтириш;

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий блоклар бўйича ўқув соатларини ўқув юкламаси умумий ҳажмининг 7 фоизгача қисқартириш ҳисобига бакалавриятда ўқишнинг клиникагача бўлган ва клиник блоклари бўйича ҳамда клиник ўқув амалиёти учун ўқув соатлари салмоғини 85 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилган.

Шунингдек 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб "ҳамширалик иши", "стоматология иши", "тиббий профилактика", "лаборатория диагностикаси" ва "фармация" ўрта махсус, касб-ҳунар тиббий таълими йўналишлари этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳудудларнинг тиббиёт кадрлари билан таъминланганлик ҳолатини ҳар йили ўрганиш асосида, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги йилларда олий тиббий таълим муассасаларига қабул режаларини шакллантиришда квоталарнинг бир қисмини давлат гранти асосида бакалаврият ва магистратурага мақсадли қабул қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмалари бўйича тиббиёт кадрларига ўта муҳтож бўлган ҳудудларга ажратишни назарда тутиш кўзда тутилган.

Республикада олий тиббий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида самарали тизим яратилди. 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тиббиёт соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. 7 та олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокор тайёрланиши таъминланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастурини амалга ошириш концепциясини аниқ белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилдаги ПФ-2107-сонли Фармони олий тиббий таълим тизимининг халқаро икки босқичли тизимга ўтишига замин яратди. Олий тиббий таълим муассасалари биринчи – бакалаврият босқичида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашга йўналтирилди. Иккинчи босқич бўлган 2-3 йиллик магистратура таълимида ихтисослашган тиббиёт марказлари, тиббиёт таълим ва илмий муассасаларида фаолият кўрсатиш учун 46 та тор мутахассислик (хирург, кардиолог, офтальмолог, инфекционист ва ҳ.к.) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилди. Врачлар тайёрлаш борасидаги республикамиз ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар ушбу соҳани янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу жумладан:

олий тиббий таълим муассасаларида бакалаврият босқичининг (даволаш иши) 7 йил давом этиши халқаро замон талабларига жавоб бермаслиги билан бирга, мазкур таълим учун асосланмаган ҳолда ортиқча молиявий маблағларни талаб этади. Бундан ташқари, таълим жараёнида ўқув дастурларидаги мавзуларнинг 15 фоизи ва ундан ортиғи қайтарилиш ҳоллари мавжуд;

бакалаврият ва магистратура босқичидаги ўқув режа ва дастурларда мутахассисликка оид бўлмаган фанларнинг кўплиги, таълим жараёнига тиббиёт соҳасидаги замонавий билимларни киритишда вужудга келган қийинчиликлар, талабаларда инсон организми ва унинг фаолиятини яхлит тасаввур этишга имкон бермади.

Олий тиббий таълим муассасалари битирувчилари дипломида ихтисослик кўрсатилмайди. Шифокор ихтисослигининг қайд этилмаслиги, ички ва ташқи меҳнат бозорида ўзига яраша муаммо ва салбий оқибатлар келтириб чиқарди. Шифокорлар тайёрлашда таълим жараёнининг узок муддатлилиги мамлакатимизнинг айрим ҳудудларидаги соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кадрлар билан таъминлашда номутаносибликни юзага келтирди. Республика бўйича шифокорларнинг умумий сони 72 минг нафар бўлиб, ҳар 10 минг нафар аҳолига нисбатан 23,5 фоизни ташкил этади. Аммо Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич 15,0-19,0 фоизгача тўғри келмоқда. Олий ва ўрта махсус тиббий таълимни хорижий давлатлар амалиётидаги юқори даражага кўтариш ва тиббий таълим сифатини янада оширишни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида қатор чоратadbирлар кўзда тутилган, шу жумладан:

тиббий таълим – унинг тузилиши, мазмуни, кадрлар тайёрлаш муддати ва сифатини халқаро таълим стандартларига мос равишда, мамлакатимизнинг амалдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мувофиқлаштириш;

тиббий таълим соҳасида даволаш иши йўналишида ўқиш муддатларини 7 йилдан 6 йилга қисқартирилган таълим тизимига ўтилиши халқаро стандарт талабларига мос келиши билан бирга, бюджет маблағлари мақсадли сарфланишига, шу

билан бирга, тиббиёт кадрлари етишмовчилигини қоплашни 15 фоизга тезлаштирилишига;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий таълим соҳасида ваколатли орган деб белгиланиб, унга тиббий таълим учун умумий раҳбарлик қилиш ва услубий бошқариш, соғлиқни сақлаш тизимида олий таълимдан кейинги таълим ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

бакалаврият босқичи учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш, касбий фанлар блоки клиникагача ва клиник фанларга ажратилган, ижтимоий-иқтисодий фанлар блокинни 7 фоизга қисқартириб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 85 фоизгача кўпайтирилган янги турдаги ўқув режаларни ишлаб чиқиш.

бу олий тиббий таълимнинг 1- босқичидан бошлаб талабада клиник малакасини шакллантириш ҳамда Ҳамширалик олди, ҳамширалик ва кейинчалик шифокор малакасини босқичма-босқич ўзлаштирган клиник амалиётни тўлиқ ўзлаштирган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун кенг имкониятларни яратади.

Тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчиларига "шифокор" квалификацияси берилиши билан шифокорларни етакчи хорижий тиббий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларда малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасидаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топади. Президент қарорида қайд этилган тадбирлар, тиббиёт соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлашда қўшимча шарт-шароитлар яратиб, стандартларни такомиллаштириш, тиббий таълим муассасалари кадрлари салоҳиятини ошириш, инсон ресурсларини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларини тайёрлашда амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратиб, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва пировард натижада

юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 майдаги 217-сонли буйруғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2956-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган.

Мазкур буйруқ асосида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида норматив-ҳукукий базани такомиллаштириш, тиббий таълим муассасаларига тизимли методик раҳбарлик қилиш мақсадида Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси ҳузурида Тиббиёт таълим муассасалараро Услубий Кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори қабул қилинган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг — фалсафа доктори (Doctor of Philosophy), фан доктори (Doctor of Science) дипломлари, шунингдек доцент, катта илмий ходим ва профессор аттестатларининг давлат намуналари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси манфаатдор вазирлик ва идоралар

билан биргаликда 2017 йил 1 июлдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланадиган талабларга мувофиқ аттестация ишларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва изланувчиларга фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаларини беришни таъминлаш топширилган.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сонли “Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини етакчи хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларга марказлаштирилган ҳолда юбориш, шунингдек маҳорат сабоқларини ўтказиш ҳамда мамлакатимиз мутахассисларини тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий технологиялари бўйича ўқитиш учун республикага малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш йўли билан уларни қайта тайёрлаш, малакаси ва касб кўникмаларини оширишни ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш белгиланган.

Давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун хорижий етакчи тиббиёт ҳамда илмий муассасаларга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Режа-жадвалга мувофиқ амалга оширилади;

**хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш учун юбориладиган давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт кадрлари танлов асосида танлаб олинади.**

**Республикага хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасалардан малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини:**

**қисқа муддатли меҳнат шартномалари бўйича жалб этишда — хорижий тиббиёт мутахассисларининг яшаши давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан уларни республика меҳмонхоналарига жойлаштириш йўли билан ташкил этилади;**

**Уларга мамлакатимизда бўлиш даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича 20 АҚШ доллари эквивалентида ҳар кунлик норма бўйича миллий валютада суткалик пул тўланади.**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига марказлаштирилган тартибда ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.**

**Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади.

Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, хусусан:

олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ҳанузгача қониқарсиз бўлиб қолмоқда;

республикамизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали

халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ- 3775 сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори қабул қилинган.

**Қарорда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:**

алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалаврият ҳамда камида бир йил бўлган магистратурани жорий этиш, бунда магистратурада мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида ташкил этиш;

олий таълим муассасалари бакалавриятига қабул қилиш квоталаридан ташқари хорижий фуқароларни суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш белгиланган.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч (етакчи) олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини

кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш тартиби жорий этилган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар билан биргаликда:**

1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда асосий эътиборни:

**баҳолаш тизими ва мезонларини узлуксиз таълим тизимининг босқичларига мувофиқлаштиришга;**

**таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усулларини, шу жумладан муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этишга;**

**семестр якуни бўйича академик қарздор талабанинг қайта топшириши мумкин бўлган фанлар сонини белгилашга ва уларни топшириш муддатини ўзгартиришга қаратиш;**

2. Олий таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

3. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида «талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони» тамойилини жорий қилишнинг аниқ механизмларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрсин. Бунда ушбу тамойил талабларига жавоб бермайдиган профессор-

ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўриш белгиланган;

4. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг вақтини ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга сарфлашнинг олдини олиш ҳамда уларни талабалар билан кўпроқ ишлашга йўналтириш, шу жумладан «устоз — шогирд» тизимини жорий этиш мақсадида ўқув юктамаларини ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар «вақт меъёрлари»нинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган.

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқланган.**

**Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимлар мазкур талабни бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилган.**

**Барча олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат таркибда жамоатчилик кенгашлари ташкил этиш юклатилган.**

**Жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари:**

**таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;**

**олий таълим муассасаларига профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;**

**талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;**

**олий таълим** муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

**2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:**

**олий таълим** муассасаларига профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилиш тегишли кафедранинг кенгайтирилган очик мажлисида педагог кадрлар ва жамоатчилик кенгашининг аъзолари иштирокида синов дарси ўтказиш натижалари бўйича ушбу мажлиснинг тавсиясига кўра амалга оширилади;

**Ўзбекистон** ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви ҳамда қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ва икки томонлама тан олинадиган диплом бериш амалиёти жорий этилган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилган:**

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

**давлат ва жамият** ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳияти олий таълим муассасалари томонидан телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли эътиборига етказилишини таъминлаш;

**ҳудудларни, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни** жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг кенг муҳокамасида олий таълим муассасаларининг фаол иштирокини таъминлаш;

**инновацион** ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-

шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш;

**иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ташкилотлари раҳбарлари, етакчи мутахассислари, фаол тадбиркорлар билан долзарб масалаларда семинар ва давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб бориш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий-амалий изланишларни олиб бориш;**

**олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгилаш, ҳар бир ректор ва проректор учун ушбу йўналишда алоҳида «йўл хариталари» ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш, уларнинг ижросини назорат қилиш.**

**Олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозими жорий этилади, ёшлар билан ишлаш бўйича проректорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига юкланади;**

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар раҳбарлари — тегишли олий таълим муассасалари ректорлари ва проректорларининг, инновацион ривожланиш вазири — барча олий таълим муассасалари илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларининг фаолияти натижаларини уларнинг «йўл хариталари»да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда камида бир марта танқидий муҳокама қилиб боради;**

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар раҳбарларининг мамлакатда амалга**

оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда тегишли олий таълим муассасаларининг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан ҳисоботлари ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама этилади;

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокама натижаларига кўра олий таълим муассасалари ректорларининг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги ёки нолайиқлиги масаласини кўриб чиқади;**

**олий таълим муассасалари ректорларининг фаолияти самарадорлигига баҳо беришда ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг кенг жалб қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини очишда уларнинг ташаббускорлиги инобатга олинади.**

**Ёш олим ва талабаларга ҳамда ташаббускор фуқароларга мамлакатда инновацион ғоя ва технологияларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун топшириладиган «Инновацион ғоялар етакчиси» кўкрак нишони таъсис этилган.**

**Мазкур қарор олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланган.**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 2 та штат бирлигини ажратган ҳолда Ахборот хизматини ташкил этиш;**

**олий таълим муассасалари тузилмаларида уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 1 тадан штат бирлигини ажратган ҳолда матбуот котиби лавозимини жорий этиш.**

**Янги ислоҳотлар олий таълим тизимини буткул ўзгартириб янги босқичга олиб чиқди.**



## **4. БОБ**

# **Ислоҳотлар даврида фармацевтика саноати ва аҳолини дори-дармон билан таъминлаш**

## Фармацевтика саноати ва аҳолини дори-дармон билан таъминлашнинг аҳволи

Юртимизда 90-йилларда юзага келган муаммонинг илдизи собиқ тузум даврига, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган, пахта етиштириш энг катта мақсад саналиб, ҳатто, одамларнинг ҳаёти ва саломатлигидан устун турган ўша мустабид замонга бориб тақалади. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ўша маҳаллар собиқ империянинг улкан пахта индустрияси бўлиб, пахта, ипак, металл, минерал ўғит каби бойликларнинг ҳаммаси марказга ташиб олиб кетилар, халқ машаққатли меҳнатга гирифтор этилган, лекин кишилар соғлиғи билан бировнинг иши бўлмасди. "Компьютер томографи" деб аталувчи ускуна Ўзбекистонда бир-иккита жойда бор эди, холос. Томограф-ку ноёб нарсаси, оддийгина қон таҳлили фақат марказий поликлиникалардагина амалга ошириларди. Анализатор каби кимёвий моддалар ҳам четдан келар, таъминот тўхтаб қолса, таҳлиллар ҳам тўхтар, микроскоп остида заррачаларни санашдек эскича усулларни қўллашга тўғри келарди. Бор-йўғи, йигирма беш йил аввалги аҳволимиз ана шундай оғир эди. Яхши яшаш у ёқда турсин, ҳаётини сақлаб қолиш учун керакли энг оддий дори-дармонлар таъминотига ҳам бепарво собиқ иттифоқчилар кўп бўлган.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ эътибор айнан шу соҳага – тиббиёт ва фармацевтика соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилди.

**"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун қабул қилингунга қадар юртимизда фақат 2 тагина фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатган. Улар томонидан атиги 30 га яқин номдаги дори воситаси ишлаб чиқарилган. Мазкур қонун қабул қилингач, фармацевтика саноатининг ривожланишига асос солинди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 149 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 1 минг 482**

номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ўтган даврда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилди. Ҳозир бу соҳада Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган 8 та тиббий маҳсулотни сертификатлаштириш органи, "Дори-дармон" акциядорлик компаниясига қарашли 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда ҳар бир фармацевтика корхонасининг ички назорат-таҳлил лабораторияси фаолият юритиб турибди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт ва фармацевтика олий ўқув юртлари мисолида дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот базалари ташкил этилди. Рўйхатдан ўтказилган ва тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестри нашр этилмоқда. Бугунги кунда дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат реестрига 7 минг 228 номдаги дори воситаси, 853 номдаги тиббий буюм ва 1 минг 55 номдаги тиббий техника киритилган бўлиб, уларни юртимизда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган. Бу каби тараққиёт бор йўғи, қисқа фурсат ичида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги "Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 204-сонли Қарори Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида» ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек айрим тоифадаги шахсларни имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Мазкур қарор амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифалари рўйхатини ва амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлади ва 2013 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ушбу қарор билан тасдиқланган Рўйхат ва Низомнинг давлат соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт муассасаларига ва дорихона муассасаларига етказилишини таъминлаш, бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхати тасдиқланишини, ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини кўриб чиқиш, давлат соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт муассасалари ва дорихона муассасалари томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш топширилди.

### **Фармацевтика тизими янги ислоҳотлар даврида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз раҳбарлигининг илк кунларидан бошлаб Республикамиз Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг халқ фаровонлиги йўлида амалга оширган ишларини давом эттириб, қатор фармон ва қарорлар қабул қилди ҳамда бир гуруҳ тиббиёт ходимлари билан учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устивор вазифаларни белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисида **“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-**

интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” мавзусидаги маърузасида дорихоналар тармоғидаги жиддий камчиликларга панжа орасидан қараб, уларни бартараф этиш учун таъсирчан чоралар кўрилмаяпти. Бу соҳада қиммат дориларнинг 45 фоизини импорт дорилар, бунинг устига, нархи ҳаддан ташқари ошириб юборилган дорилар ташкил этишини танқид қилиб ўтди.

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2647-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги “Аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2685-сонли қарорлари эълон қилинди. Мазкур қарорда кўзда тутилган барча чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, аҳолини саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу қарорга асосан воситачилар сонидан қатъий назар улгуржи нархга 15 фоизгача, чакана улгуржи нархнинг устига 20 фоизгача устама қўйилиши кўрсатиб берилган.

Вилоятимиздаги дори-дармон воситалари ва тиббиёт ашёлари ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи қуйидаги муассасалар мавжуд:

“Самарқанд Дори-Дармон” АЖга қарашли 15 та дорихона ва 78та шаҳобча. Шундан 36 таси қишлоқ врачлик пунктлари қошида.

Тайёр дори воситалари ва тиббиёт ашёлари билан савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган жами 581 та дорихона муассасалари, шундан, 522 та чакана, 29 та улгуржи корхоналар фаолият кўрсатади.

Вилоятдаги дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар сони 5 та бўлиб 32 турдаги дори воситалари ва тиббий ашёлар ишлаб чиқарилади.

Вилоятимизда 2016 йилда 162,7 гектар майдонда 23 турдаги доривор ўсимликлар экилиб, 247,9 тонна ҳосил олинди. Барча тиббиёт муассасаларида “Фито бар”лар фаолияти йўлга қўйилди. 2017 йилда 324 та дорихоналар иштирокида умумий қиймати 539,0 млн. сўмга тенг лойиҳалар амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида вилоятда 20 турдаги доривор ўсимликларни етиштириш йўлга қўйилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон “Аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни янада яхшилашга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 21 ноябрдаги 71-сонли “Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган.

Ушбу буйруқ билан барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати

тасдиқланган. Буйруқнинг расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2773-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан 2017 йил 1 апрелдан бошлаб дори воситалари ва тиббиёт ашёларини чакана сотишни лицензиялаш вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилиши белгиланди. Лицензияловчи орган қонун ҳужжатларини бузилиши, шу жумладан, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини белгилаш тартиби кўпол бузилганлиги оқибатида ўша манзилда жойлашган бинодан 3 йил муддат ичида дорихона очилишига рухсат берилмайди ва дорихона мудури 3 йил муддатга фармацевтика соҳасида ишлай олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 284-сон қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 февралдаги 2773-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган.

Мазкур қарор:

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги Низомни;

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркибини;

Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомни;

Фармацевтика фаолиятини лицензиялашда электрон ахборот алмашинуви схемасини тасдиқлади.

Шунингдек қарорда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш ҳуқуқи учун олдин берилган лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун берилган лицензиялар фармацевтика фаолиятининг бошқа йўналишларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялардан алоҳида берилиши ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амал қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 284-сонли “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи чиқарилди.

Ушбу буйруқда 10 кунлик муддатда Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш бош бошқармаси ва Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш “Uzmedinfo” маркази билан биргаликда қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилиши, шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархини белгилаш тартиби қўпол равишда бузилганлиги оқибатида лицензиясининг амал қилиши тўхтатилган дорихоналар ва филиалларнинг манзиллари реестрлари ва ходимлари



реестрлари маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш топширилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги "Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори-воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш асосий вазифаси этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлашнинг ва фармацевтика тармоғини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакат аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ва аҳоли соғлиғининг кўрсаткичларини оширишга тўсқинлик қилаётган муайян муаммолар ҳанузгача ҳал қилинмасдан қолмоқда.

Хусусан, дори воситаларини, жумладан, уларни ишлаб чиқариш ва қўллашга юқори талаблар қўйилган мамлакатларда тайёрланган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳаддан ташқари мураккаблигича қолмоқда, бу эса самарасиз дори воситаларининг олиб кирилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарнинг кенг тармоғини яратиш, шунингдек, фармацевтика бозорида давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш ва шаффоф рақобатни ўрнатиш зарурати ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, сифатли дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва Ўзбекистон фармацевтика бозорининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги ПФ-5460-сонли “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратлари (дори воситалари)ни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини 2018 йил 1 августдан жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланган.

*Фармонда қуйидагилар белгилаб қўйилган:*

- ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархига 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

• юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш:

хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги бўйича шубҳа уйғотмайдиган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масъул бўлган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларни табақалаштириш асосида;

давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларнинг тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тақдирда амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратлари (дори воситалари)ни хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилишида экспертиза қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига:

• илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида бир ой муддатда асосий касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари қайта кўриб чиқилишини ҳамда ҳар чоракда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхати қайта кўриб чиқилишини таъминлаш;

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 20 июлга қадар муддатда танқидий ўрганиш ўтказиш:

юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини белгилаш;

дори воситаларининг божхона расмийлаштирувига, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва реализация қилинишига талабларни такомиллаштириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича таклифлар киритиш топширилган.

Кейинги йилларда республикада аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари) билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти ва импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларнинг сушт ташкиллаштирилиши ташқи бозорларда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини чекламоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сонли “2019 – 2021 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «O`zmedimpreks» Давлат унитар корхонасига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва уларнинг улгуржи савдоси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бўйича функциялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун аввал берилган лицензиялар амал қилиш муддати тугагунга қадар амалда бўлиши белгиланди.

#### **Агентликнинг асосий вазифалари:**

**фармацевтика тармоғини, жумладан уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;**

**фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва унинг асосида ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;**

**тармоқ корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда кўмаклашиш;**

**фармацевтика** тармоғини, шу жумладан фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бундан мустасно) йўли билан давлат томонидан бошқариш;

**фармацевтика** тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

**импорт** қилинаётган ва республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ ахборот йиғишни таъминловчи Фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий қилишда иштирок этиш.

**Дори воситалари** ва тиббиёт буюмларини саноатда ишлаб чиқариш ва дорихонада тайёрлаш учун мўлжалланган, импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати Агентлик томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ва тасдиқланади, шунингдек, бир йилда камида икки марта янгилаб борилиши ва Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши шарт.

**2022 йилнинг 1 январига қадар:**

**фармацевтика** маҳсулотларининг клиник-олди тадқиқотларини амалга оширувчи барча лабораториялар Зарур лаборатория амалиёти (GLP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

**Ўзбекистон Республикаси** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар ўтказувчи барча клиник базалари Зарур клиника амалиёти (GCP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

**фармацевтика** маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)

миллий талабларига мувофиқ мажбурий  
сертификатлаштирилиши лозим;

фармацевтика маҳсулотларини улгуржи сотиш билан  
шуғулланувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур  
дистрибьюторлик амалиёти (GDP) миллий талабларига мувофиқ  
мажбурий сертификатлаштирилиши зарур эканлиги белглаб  
қўйилган.

Мазкур фармон билан 2019 — 2021 йилларда  
республиканинг фармацевтика тармоғини жадал  
ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган;

«Йўл харитаси» да кўзда тутилган объектларни қуриш  
ва реконструкция қилиш, илмий-тадқиқот ва синов  
лабораторияларининг моддий-техник базасини  
мустаҳкамлашнинг молиялаштириш манбалари:

2019 йилда — Агентликка Инновацион ривожланиш ва  
новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижро  
этувчи дирекцияси томонидан тақдим этилган буюртманомалар  
асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан  
келишилган ҳолда ажратиладиган Инновацион ривожланиш ва  
новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2019  
йил 1 январь ҳолатига мавжуд валюта маблағлари қолдиғи;

2020 — 2023 йилларда — Ўзбекистон Республикаси  
Инвестиция дастурини тегишли йил учун амалга оширишда  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган  
мблағлар, лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини  
харид қилиш учун эса Инновацион ривожланиш ва новаторлик  
ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўзлаштирилмаган  
мблағлари, улар етишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси  
Давлат бюджетидан маблағлари.

## **5. БОБ**

# **Шошилич тиббий ёрдам соҳасини ислоҳ қилиш**



## Шошинч тиббий ёрдам хизматининг мустақиллик йилларида (1991-2016й.й)ги аҳволи

Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йили давомида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижаларига қарайдиган бўлсак, қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилди. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Республикада, шу жумладан, Самарқанд вилоятида шошинч тез тиббий ёрдам марказининг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Фармонига асосан барпо қилинганлиги тўғрисида юқорида айтиб ўтилди.

Соҳанинг кейинги равнақи Республика Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор Қарорлари ижроси билан чамбарчас боғлиқ.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 августдаги "2003—2005 йиллада тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уни махсус автотранспорт, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, асбоблар, доривор препаратлар ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган ушбу қарори Ўзбекистон Республикасида 2003—2005 йилларда тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш ва жиҳозлаш дастурини тасдиқлади.

2003 — 2005 йилларда тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш ва жиҳозлаш дастури асосида тез тиббий ёрдам марказий станциялари ва кичик станциялари учун берилаётган объектларни мукамал таъмирлаш учун 2365,3 млн сўм шу жумладан 2003 йилда 311,0 млн сўм, ЎздЭУ «Дамас-Амбуланс» автомобилларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи заводлардан, алоқа воситалари ва тиббиёт техникасини хорижда тендер асосида харид қилиш йўли билан тез тиббий ёрдам санитария автотранспорти, алоқа воситалари ва тиббиёт техникаси билан таъминлаш учун 10843,6 минг АҚШ доллари, шу жумладан 2003 йилда 540,9 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Шунингдек қарорда 2003 — 2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг тез тиббий ёрдам станциялари ва кичик станцияларини мукамал таъмирлаш мақсадида 174 станциялар учун 2365,0 млн сўм ажратиш кўзда тутилди.

Қарорнинг муҳимлиги шундан иборатки шошилишчи тиббий ёрдам хизмати учун энг зарур восита автотранспорт билан таъминлаш режаси 2003 — 2005 йилларда 367 тани ташкил қилиб, ана шу мақсадда 3547,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши белгиланган.

2003 — 2005 йилларда тез тиббий ёрдам хизматини алоқа воситалари билан жиҳозлашга эса 884,1 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Ушбу дастур муваффақиятли яқунланди ва ўз самараларини бермоқда.

Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ғоят катта маблағлар йўналтирилаётганига қарамасдан, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспорти парки етарлича ташкил этилмаган.

Айрим вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Республика шошилич тиббий ёрдам маркази филиаллари томонидан ихтисослаштирилган автотранспортдан нооқилона ва мақсадга номувофиқ тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, гараж хўжалиги ва транспортга техник хизмат кўрсатиш тизимлари суств ташкил этилган, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳудудий органлари томонидан назорат-тафтиш ишлари паст даражада олиб борилмоқда, айрим ҳолларда эса батамом хўжасизликка йўл қўйилмоқдаки, бунга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Ана шундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-1114-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги раҳбарларига соғлиқни сақлаш муассасаларининг мансабдор шахслари ва ҳайдовчилари томонидан автомобилларнинг чиқиш-киришини ҳисобга олиш тизимига риоя этилиши, шунингдек уларнинг ихтисослаштирилган автотранспортдан мақсадли фойдаланишни таъминлашлари устидан доимий равишда қаттиқ назоратни амалга ошириш, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспортидан мақсадга номувофиқ фойдаланишининг ҳар бир аниқланган фактини Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг ҳудудий филиаллари раҳбарлари томонидан хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш деб ҳисобласин. Бундан

келиб чиқадиган барча оқибатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда кўриб чиқиш вазифалари юкланди.

Шунингдек, Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиалларига Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига келтирилган 110 та тез ёрдам автомобилларини фойдаланишга топширилди.

2016 йилда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида 91 та "Nissan Urvan NV350 Ambulance" русумли реанимобиль сотиб олинди ва барча вилоятлар ТТБларига тарқатилди. 2017 йилда яна 213 та реанимобиль сотиб олиниши ва барча поликлиникаларга берилди.

жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган навбатдаги "Саломатлик-4" лойиҳаси тўлиғича фақат республикамизнинг барча ҳудудларидаги шошилич тиббий ёрдам хизматларини жиҳозлашга йўналтирилган.

### **Шошилич тиббий ёрдам тизими янги ислоҳотлар даврида**

Шошилич тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди, тез тиббий ёрдам хизматларининг малакали кадрлар, дори воситалари, тиббиёт ускунаси, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги даражаси етарли эмаслигича қолмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг замонавий механизмларини, шунингдек, шошилич тиббиёт соҳасида маҳаллий илмий-амалий ишланмаларни жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Бугун мамлакатимиз аҳолисига халқаро андозаларга жавоб берувчи сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан, шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган бепул тез тиббий ёрдам тизими малакасини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш масаласи жамият тараққиётининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Шошинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, технологиклиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Шошинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳқилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан бутланган шошинч тиббий ёрдам беришнинг замонавий, юқори технологик ва самарали тизимини шакллантириш, шошинч тиббиёт соҳасида илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ушбу мақсадларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тез тиббий ёрдамнинг республика хизматлари фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш, шошинч тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўлим ва ногиронликни пасайтиришга йўналтирилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини, диагностика воситалари ва усулларини, бирламчи тиббий-санитария ёрдамни ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашни кенг қўллаш, шошинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологияларини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг

самарали механизмларини жорий этиш, шошилич тиббий ёрдам соҳасида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳанинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва етук авлодни вояга етказишни таъминлаш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илғор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу тизим Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизматини ўз ичига олади. Энг асосийси, соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида шошилич тиббий ёрдам тизимида йилига 600 минг нафардан зиёд беморга юқори малакали стационар ва 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд чақириқлар бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда соҳада зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган бир катор муаммо ва масалалар ҳам борки, у аниқ чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Авваломбор, шошилич тиббиёт соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, илмий ишланмаларни ривожлантириш, малакали кадрлар, дори воситалари, тиббий ускуналар, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан

таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса тез тиббий ёрдам фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиш, шошилиш тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашга доир тезкор чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонида мазкур тизимни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларни белгилаш, тез тиббий ёрдам хизматининг сифат ва самарадорлигини ошириш, шошилиш тиббий ёрдам соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда, шунингдек, шошилиш тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техник ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилиш хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизмларни татбиқ қилиш, кадрларни тайёрлаш борасидаги илғор усулларни жорий этиш кўзда тутилган.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, деб қайта номланди ва Марказнинг асосий вазифалари белгиланди.

Хусусан, аҳолига бепул асосда малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли шошилиш, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий хизмат кўрсатиш, самарадорлиги бўйича жаҳон талабларига мос келадиган шошилиш тиббий ёрдам тизимининг фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш, кечиктириб бўлмайдиган

ҳолатларнинг профилактикаси , диагностикаси ва уларни даволаш бўйича янги, самарали технологияларни яратиш, хорижий турдош ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш каби йўналишлар Марказнинг асосий вазифалари сифатида қайд этилди. Бундан ташқари, Марказ шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишининг устивор йўналишларини шакллантириш, шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва илғор технологияларни яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришни, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими учун илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ҳам мувофиқлаштириб боради.

Фармонда таъкидланганидек, 2017 йилнинг 1 июлигача ягона маълумотлар базаси ва маълумотларни узатиш тармоғини яратган ҳолда, тез тиббий ёрдам бригадаларининг фаолиятини тезкор бошқариш ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Чунки тез тиббий ёрдам фаолиятида диспетчерлик хизматларини яхшилаш, унинг кечаю-кундуз самарали ишлашини таъминлаш бугунги кун талабидир. Шу муносабат билан 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари жорий қилинади.

Ушбу хизмат фаолиятида кузатилаётган камчиликларга тизимда автотранспорт воситалари билан боғлиқ масалалар ҳам сабаб бўлаётгани кўпчиликка маълум. Эндиликда Марказнинг Тез тиббий ёрдам станцияларига автотранспорт хизматини



кўрсатиш "Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси" давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Бу эса автотранспорт ваоситаларининг ҳар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимизнинг мазкур Фармонида кўзда тутилган эътибор ва берилаётган имтиёзлар, соҳа учун ажратилаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг ноёб технологик имкониятлари тизим мутахассислари олиб бораётган илмий изланишларнинг савиясини юксак даражада ошириш, шошилиш ҳолатларда диагностика ва даволашнинг янги истиқболли усуллари ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва амалиётга татбиқ қилиш имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, даволаш жараёнининг самарасини оширибгина қолмай, стационар даволаш муддатларини ва бунинг натижасида сарф-харажатларни ҳам кескин камайтириши шубҳасиз. Бундан ташқари, ушбу Фармон Марказнинг барча филиалларини энг юксак мезонларга жавоб берадиган тиббий аппаратлар, хусусан, юрак ва қон-томирларнинг ультратовуш доплерографияси, замонавий ангиографик тузилмаси, мультиспирал компьютер томография ва магнит-резонанс томограф аппаратлари билан тўлиқ таъминлаши учун имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон ҳамда у билан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар шошилиш ва тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 27 та тез ёрдам бригадалари мавжуд бўлиб 12 таси Самарқанд шаҳридаги

оилавий поликлинакаларида жойлашган. Шунингдек, аҳолига биттадан реанимацион, кардиологик ва психиатрик бригадалар ҳам хизмат кўрсатмоқда. Вилоят бўйича ҳар бир туманда биттадан тиббий ёрдам бўлимлари ва 54 та тиббий ёрдам шохобчаларда 158 тез тиббий ёрдам бригадалари мавжуд уларнинг ўртача хизмат кўрсатиш радиуси 5-15 километрни ташкил қилади. 2016 йилда 11 та замонавий жиҳозланган "Nissan" автомашиналари келтирилгач, жами филиалдаги автотранспортлар сони 148 тага етди. Уларнинг 30 таси GPS навигация тизими билан жиҳозланган. Фармонга кўра, 2 йил ичида яна 110 та янги "Nissan" автомашиналарини келтириш режалаштирилган. Бу эса ўз навбатида автотранспорт воситаларининг ҳар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилич тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон Фармонини ижро этиш юзасидан, шунингдек шошилич тиббий ёрдам тизими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сонли "Шошилич тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан 2017 йил 1 апрелдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори лавозими;

Худудий соғлиқни сақлаш бошқармаси аппарати тузилмасида бошқарма раҳбарининг ўринбосари – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази филиалининг директори лавозими жорий этилди.

Шунингдек тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури маъқулланди. Чора-тадбирлар дастури қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган:

Фуқароларнинг малакали тиббий хизмат кўрсатишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тез тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

Тез тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, сифати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш;

Тез тиббий ёрдам хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий ва илғор хорижий илмий ишланмалар натижаларини миллий амалиётга жорий этиш, шошилич тиббиёт тизимини ташкил этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

Тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини яхшилаш, унинг амалиётига замонавий илмий-техник воситаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари биргаликда мамлакатимиз ҳудудида Тез тиббий ёрдамнинг ягона диспетчерлик маркази (ЯДМ) ташкил этиш бўйича пилот лойиҳасини амалга оширишга киришдилар. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги

“Шошилич тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2838-сон қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу марказни ташкил этишдан асосий мақсад тиббий ёрдам кўрсатишдаги бирламчи ҳисоб маълумот ва жараёнлар асосида Ўзбекистон Республикасида тез ҳамда шошилич тиббий ёрдам бошқарувидаги ишларни ахборот жиҳатдан самарали қўллаб-қувватлашни таъминлашдан иборат. Шошилич тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадалари фаолиятини тезкорлик билан мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг шошилич хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган маълумотлар ўзатишнинг ягона базаси ва тармоғини ташкил этган, мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматларини миллий геоминтақавий маълумотларга, шу жумладан, ҳудудларнинг давлат кадастри ресурсларидан фойдаланган ҳолда шошилич тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизimini жорий этиш белгиланган.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Мухтасар қилиб айтсак, мамлакатимизда шошилич ва тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази барпо қилинишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10

ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Фармони ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид қатор Фармон ва Қарорлари замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилиш тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилиш хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизмларини жорий этиш натижасида юқори самарага эришишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Шошилиш тиббий ёрдам соҳасида янги ислохотларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида бошланди. Фармонга кўра 2 йил ичида яна 110 та янги "Nissan" автомашиналарини келтириш режалаштирилган. Бу эса ўз навбатида автотранспорт воситаларининг ҳар доим соҳа ҳолатида бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мутаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

## **6. БОБ**

**Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-  
маърифий ишлар аҳволи**

## Маънавий-маърифий ишлар мустақиллик йилларида

Бугунги замонда  
мафкура полигонлари  
ядро полигонларидан  
ҳам кўпроқ кучга эга

**И.А.Каримов**

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мутақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-

маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарор қабул қилди.

Қарорда мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган эди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилган эди.

Ушбу Қарорга асосан тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фидокорона хизматларини давом эттириб мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янги даврга олиб чиқмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сонли "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни янада ишларни янада юқори поғонага чиқаришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жинойтчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб кўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш; мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш; оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, «маҳалла — туман — вилоят — республика» принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби долзарб масалаларга катта эътибор қаратилган.

### **Маънавий-маърифий ишлар янги ислоҳотлар даврида**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида муҳим пойдевор бўлди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Мана шу стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга мақсад қилиб

кўйганмиз.ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа – Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича ишлар бошланди.

Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилаяпти. Бундан ташқари, “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги мадний бойликларни тадқиқи этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижоди мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинди.

Маънавий-маърифий ишларни юқори поғонага олиб чиқишга катта аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларни жонлантиришга муҳим рол ўйнайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг

жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жинойтчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб кўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини

мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат маркази қайта ташкил этилди.

Шунингдек, қарорда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

- дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

- жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

• миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

• тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

• маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

• ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

• маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

• халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиладилар.

Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий

марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вори си деб ҳисобланган.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг намунавий тузилмалари тасдиқланган.

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Марказ раҳбари мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш шарт-шароитларига кўра — вазирга, Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилди.

Марказ ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган иш ҳақи, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

Марказга 5 та автотранспорт воситасини, жумладан, 3 та хизмат кўрсатадиган, 1 та навбатчи ва 1 та махсус автобусни сақлаб туриш учун ҳамда Марказнинг ҳудудий бўлимларига жами 14 та хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситасини сақлаб туриш учун лимит ажратилган.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли; айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

### **Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари:**

**аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш;**

**мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш;**

**оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, «маҳалла — туман — вилоят — республика» принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;**



**«Жаҳолатга қарши маърифат»** ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

**тинчлик** ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, кадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш;

**аҳолининг** ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш.

**Мазкур қарор** Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чоратадбирлар дастури ва Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибини тасдиқлади.

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси,** вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари — **Қорақалпоғистон Республикаси,** вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлари раисларига ўн кун муддатда ҳудудий кенгашлар таркибини қайта тасдиқлаш топширилди.

**Республика кенгашининг** йиғилиши бир йилда бир марта Республика кенгаши раиси, бошқа вақтларда эса заруратга қараб Республика кенгаши раисининг ўринбосарлари томонидан ўтказилади;

ҳудудий кенгашларнинг йиғилишлари ҳудудий кенгашлар раислари томонидан ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади;

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Республика кенгашининг, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тегишли ҳудудий кенгашларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган:

маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари;

бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмлари;

тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими;

маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомиладорлик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари;

маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Республика кенгашига киритиши юклатилган:

ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

таҳлил натижаларини «маҳалла — туман — вилоят — республика» принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасида акс эттириш тартиби;

ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсиялар;

аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизми;

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини Марказ ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» таълим муассасасида тизимли равишда ўқитиш амалиётини жорий этиш белгиланган.

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:**

«Madaniyat va ma'rifat» телеканалини Марказ, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика кенгашининг бош ахборот ҳамкори этиб белгилаш;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар,

публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш тавсия этилган.

Марказ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топшириладиган «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонни таъсис этилди.

Марказ ҳузурида «Маърифат» тарғиботчилар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида таъсис этилган.

Қарор билан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида республика бўйлаб «Маънавият фестивали» ва «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» танлови ўтказилади.

«Бу йилда ўқиш зарур бўлган 100 та китоб» рўйхати тузилади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика кенгашининг, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тегишли ҳудудий кенгашларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Қарорга мувофиқ, узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳамда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси ишлаб чиқилади.

Маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимлар Марказ ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» таълим муассасасида ўқитилади.

Қарор билан «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони таъсис этилди.

## Маънавий-маърифий ишларнинг бош мезони тарбиядир

Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқишга ҳаракат қиляпмиз. Мавжуд муаммоларга ечим топишда улар илмий таҳлил қилинмоқда, халқаро тажриба ҳам ўрганиляпти.

Маънавий-маърифий ишларнинг бош мезони тарбиядир. Шу мақсадда, марказ томонидан “Ёш ота-она” номли қўлланма ишлаб чиқилди. Зеро, тарбиянинг илк босқичи оилада шаклланади. Аммо айрим ёш ота-оналар тарбиянинг асл моҳиятини тушунмаслиги ҳам бор гап. Шу боис уларнинг билим ва салоҳиятини мунтазам ошириб бориш лозим.

Мактабда, олийгоҳда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ўқувчилар ва талабаларга тарбиявий соатларни математика, физика ёки бошқа фан ўқитувчилари эмас, балки айнан ўз мутахассислари ўтиши лозим.

## **7. БОБ**

**Самарқанд вилоятида қишлоқ  
врачлик пунктларининг  
шаклланиши ва ҳозирги аҳволи**

## Қишлоқ врачлик пунктларининг шаклланиши

Республика Мустақилликка эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимининг собиқ Иттифоқ тузуми даврида шакллантирилган мавжуд таркиби ва вазифалари, унинг моддий-техника асосини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси кун тартибида турар эди.

Республика ҳукумати мазкур масалани босқичма-босқич амалга ошира бориб, 1996 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури ҳақида"ги қарорини қабул қилади. Мазкур қарорда Республика Президентининг ташаббуси билан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг малакали тиббий хизматга бўлган талабини тўла қондириш учун мутлақо янги типдаги даволаш-профилактика муассасалари тармоқларини яратиш масаласи кўйилиб, мақсадли дастур қабул қилинади. Самарқанд вилоятида ҚВП тармоқларини яратиш бўйича ишлар 1996 йилдаёқ бошлаб юборилади ва республикада биринчи бўлиб, Ургут туманининг Тегана қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қисқа муддатда қуриб ишга туширилади. Мазкур ҚВП қошида республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан регионал кўргазмали семинар кенгаш ўтказилди.

Соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Кам самарали фельшер-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари тишқил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт врачлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўтган вақт ичида вилоятда ҚВП тармоқларининг илмий асосланган мукамал тизими вужудга келтирилди. 2009 йил якуни бўйича Самарқанд вилоятида дастурда кўзда тутилган 384 ҚВП ўрнига 396 ҚВП лари барпо қилинди.

Айниқса, Президентимизнинг бирламчи тиббиёт тизимига қаратган эътибор ва ғамхўрликлари боис, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, шунингдек, олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, қишлоқ врачлик пунктларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Фармонида асосан олиб борилди. Вилоятимизда бугунги кунда 357 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган эди.

2017 йилдан бошлаб тиббиётда янги ислохотлар даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли қарори бунга асос солди.

Юқорида айтилганидай мамлакатимизда шу жумладан Самарқанд вилоятида қишлоқ врачлик пунктларининг барпо қилиниши авваламбор Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Фармон ва Қарорлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури ҳақида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Фармони шулар жумласига киради.

Шунингдек ушбу муассасаларнинг раўнақига республикамизда амалга оширилган "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" ва "Саломатлик-3" лойиҳаларининг изчил тарзда амалга ошиши натижасида эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-



санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2857-сонли Қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда ҚВПлар сони 357 тадан 336 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизда кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

### **Самарқанд вилоятида "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" ва "Саломатлик-3" лойиҳаларини амалга оширишнинг натижалари**

Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ, давлатимиз томонидан инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига катта эътибор қаратилиб, бу борада самарали фаолиятлар йўлга қўйилди. Жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимининг миллий модули яратилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тубдан яхшиланиб бормоқда.

Асосан шифо масканларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар малакасига катта эътибор қаратилиб, тизим фаолияти янгича босқичга олиб чиқилди. Жумладан, "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббий-санитария масканларига замонавий тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилиши, улардаги шифокор ва ҳамшираларнинг малакаси оширилиши дастурнинг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланган эди. Ҳозирда буларнинг барчаси амалга оширилиб, ўзининг ижобий натижасини берди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Жаҳон банкининг Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш

(Саломатлик-3)" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1614-сонли ва 2014 йил 29 майдаги "Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик-3)" лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2182-сонли Қарорлари асосида "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 254,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Жумладан, 186 миллион доллар Жаҳон банки кредити, 68,5 миллион доллари эса Ўзбекистон Республикаси томонидан ажратилган.

Ўзбекистон Республикасида Бутунжаҳон банкининг Халқаро Ривожлантириш Ассоциацияси билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси бажарилиб келинмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса "Саломатлик-3" лойиҳаси эса туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Лойиҳага кўра, туман тиббиёт бирлашмаларидаги айрим бўлимлар оилавий ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларини асосан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассисларни узлуксиз таълим тизими орқали билим даражасини ошириб бориш, клиник қўлланмалар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, тиббий муассасаларда кўрсатилаётган хизмат сифатини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосий вазифалар ҳисобланади.

Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимида миллий моделнинг таркибий тузилмалари биринчи навбатда моддий-техник базани шакллантириш ҳамда тизимга янги технологияларни татбиқ этишдан иборатдир. Таъкидлаш муҳимки, соҳа мутахассислари томонидан бирламчи тизимнинг асосий негизини яратиш мақсадида аввалдан мавжуд бўлган тиббиёт муассасаларининг

кўп босқичли (ФАП-ҚВА-ҚУШ-ТМШ) тизимини камайтириш ва янги икки даражали (ҚВП-ТТБ) тиббий тармоқни яратиш таклифи киритилди. Ўзбекистон ҳукумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида бирламчи тиббий санитария ёрдамини шакллантириш мақсадида "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари қабул қилинди. Мазкур лойиҳаларни қабул қилишдан асосий мақсад, бирламчи бўғин фаолиятига янгича ёндашув ва уни бошқариш, шунингдек, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув курслари ҳамда молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этиш, бунинг баробарида бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларини мониторинг ва баҳолаш тизимини ташкил қилишдан иборат эди. Мақсадли вазифаларни амалга ошириш борасида 1998-2004 йилларда "Саломатлик-1" лойиҳаси доирасида 5 та вилоят, шу жумладан, Самарқанд вилояти тажриба сифатида олиниб, уларнинг лойиҳа қиймати 70 миллион АҚШ долларига тўғри келди. Унинг 40 миллион доллари ҳукуматимиз томонидан берилган бўлса, 30 миллион доллар Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшмаси кредити билан қопланди.

Лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун 4 та асосий йўналиш танлаб олинди. Уларга бирламчи соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш, бирламчи соғлиқни сақлаш ёрдамини бошқариш ва молиялаштириш тизимини кучайтириш, лойиҳани бошқариш каби ўта муҳим йўналишлар киради.

Бугунги кунда республикамизнинг қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайдик, янгича қиёфа кашф этган шифо масканларининг кўркамлиги, қолаверса, энг сўнгги русумдаги замонавий аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлигига гувоҳ бўламиз. Соҳада эришилаётган ютуқларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, Ўзбекистон тиббиёти ҳам халқаро экспертларнинг нигоҳига

тушди. Юртимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланиб, кўп сонли тиббиёт ходимлари томонидан халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, фуқароларимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Ана шундай самарали натижаларни Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган фаолиятлар замирида ҳам кўришимиз мумкин.

"Саломатлик-3" лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари туман тиббиёт бирлашмалари ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, танлаб олинган соҳаларда (юрак қон-томир, нафас йўллари касалликлари, қандли -диабет ва педиатрия) тиббий хизматларни такомиллаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, модернизация қилинган туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, марказий туман ва шаҳар шифохоналари беморларига қиммат бўлмаган ихтисослаштирилган стационар ва маслаҳат-амбулатор ёрдам олиш имкониятини таъминлаш, тиббий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва тиббиёт ходимларининг касбий малакасини узлуксиз ривожлантириш, шифохоналарни бошқариш (стратегик режалаштириш, самарадорлик индикаторлари, сифат ва хизмат олиш имкониятлари асосида бошқариш) соҳасида соғлиқни сақлаш тизими имкониятларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Лойиҳа томонидан 172 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини замонавий лаборатория ва ташхислаш аппаратуралари, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш ускуналари ва мебеллар билан таъминлаш. Бир муассасага етказиб бериладиган жиҳозларнинг ўртача қиймати 700-750 минг АҚШ долларини ташкил этади, 39 та шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси, 180 та оилавий поликлиника (ОП) ва 126 та қишлоқ врачлик пунктларини (ҚВП) жиҳозлаш. Бир муассасага етказиб бериладиганларининг ўртача қиймати 25-30

минг АҚШ долларига тўғри келади, олий ўқув юртларининг ҚВП ва ОП врачларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича 15 та кафедра ва курсларни ўқув, тиббиётга оид адабиётлар билан бойитиш, республиканинг барча шаҳар оилавий поликлиникаларини босқичма-босқич жон бошига молиялаштириш тизимига ва стационарларни тиббий хизматлар ҳажми қийматига асосланган контрактлар бўйича тўлов ўтказиш тизимини синаб кўриш ҳисобига соғлиқни сақлашда молиявий ва бошқарув ислоҳотларини ривожлантириш, шифохоналарни молиялаштириш тизимини синаб кўришни қўллаш мақсадида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ахборот дастурини яратиш, тиббиёт муассасалари ва молиявий маблағларнинг бошқарувига қаратилган соғлиқни сақлаш муассасалари менежерларини ўқитиш дастурларини кенгайтириш, юқумсиз касалликларнинг эпидемиологик мониторингини такомиллаштириш, жамият соғлиғини сақлашга қаратилган самарали дастурларни ишлаб чиқишда йиғилган маълумотларни таҳлил этиш ва қўллаш имкониятини кенгайтириш, юқумсиз касалликларнинг олдини олиш мақсадида артериал гипертония ва қандли диабетнинг профилактикаси бўйича дастурларни такомиллаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа бошидан республика даволаш муассасаларига қиймати 51,3 миллион доллар бўлган 30 хил турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди. Жумладан, 1037 та стоматология ускуналар тўплами, 115 та рентген аппарати, шунингдек, лабораторияга тегишли мебеллар жойларга етказилди. Шунингдек, 230 та ультратовуш текшируви, 116 та рентген диагностика ускунаси, 115 та дигитайзер ва 115 та УТД сканери, 355 та автоклав стерилизация қутилари билан, 1150 та шприцли насос, 470 та қуритиш шкафи, 202 тадан 575 тагача уч турдаги совутгич, 355 та портатив ЭКГ аппарати, 115 та гастродуоденоскоп, 460 нафар беморга мўлжалланган монитор,

920 та пульсоксиметр, 661 та лаборатория учун центрифуга ва 546 та дистиллятор, вакцина сақлаш учун 634 та сумка-музлаткич, бундан ташқари, 196 тадан 6790 тагача жарроҳлик ва гинекологик асбоблар, катталар ва болаларга мўлжалланган 2507 тадан 3260 тагача ростомер ва тарози, 196 та синов кўзойнак линзалар тўплами, лампалар, авторефрактометрлар, белгиларнинг автоматик проекторлари, отоскоплар, 6319 та офтальмоскоп/отоскоп тўпламлари, 2712 та кўз ўткирлигини аниқлаш учун мослама, 6398 та УАШ ва патронаж ҳамширалар учун иш сумкалари жойига етказилди ва ишга туширилди.

2016 йилда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида 91 та "Nissan Urvan NV350 Ambulance" русумли реанимобиль сотиб олинди ва барча вилоятлар ТТБларига тарқатилди. 2017 йилда яна 213 та реанимобиль сотиб олиниши ва барча поликлиникаларга берилиши режалаштирилган.

Юқорида кўрсатилган Саломатлик-1,2,3 лойиҳалари Самарқанд вилоятида самарали амалга оширилиб бормоқда. жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган навбатдаги "Саломатлик-4" лойиҳаси тўлиғича фақат республикамизнинг барча ҳудудларидаги шошилиш тиббий ёрдам хизматларини жиҳозлашга йўналтирилган.

Лойиҳалар ижросини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Саломатлик-1,2,3 лойиҳалари доирасида туман тиббиёт бирлашмаларидаги айрим бўлимлар оилавий ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларини асосан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассисларни узлуксиз таълим тизими орқали билим даражасини ошириб бориш, клиник қўлланмалар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, тиббий муассасаларда кўрсатилаётган хизмат сифатини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш каби асосий вазифалар амалга оширилганлиги аҳоли саломатлигини янада яхшилашга олиб келди.

Таъкидлаш муҳимки, бирламчи тизимнинг асосий негизини яратиш мақсадида тиббиёт муассасаларининг кўп босқичли (ФАП-ҚВА-ҚУШ-ТМШ) тизимини камайтириш ва янги икки даражали (ҚВП-ТТБ) тиббий тармоқни яратишга замин яратилди. Шунингдек мазкур лойиҳаларни амалга ошириб умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув курслари ҳамда молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этишга эришилди. "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш натижасида туман тиббиёт бирлашмалари ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга эришилди.

### **Қишлоқ врачлик пунктлари тиббиётда янги ислоҳотлар даврида**

ҚВПларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирининг "Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига ҚВП тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилди. Ўртача ҳар бир ҚВПда 4,0–4,5 минг нафар аҳоли тўғри келмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларининг асосий мақсади умумий амалиёт шифокори тамойиллари асосида аҳолига сифатли, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишдир. Бирламчи тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, умумий тиббий ёрдамнинг 70 фоизидан кўпроғига тўғри келади. Қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш, диагностика ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ ҳудуд аҳолисига шифохонага ётгунига қадар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни камайтириш чораларини кўриш,

аҳолининг гигиеник тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил қилишни назоратга олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш ва зарур санитария чораларини қўллаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, асосий юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказиш ишларини олиб бориш бирламчи вазифа ҳисобланади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш ҳақида "Саломатлик-2" дастурини халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қабул қилган қарори асосида вилоятдаги қурилган қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаш учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Қурилиб ишга туширилган 384 та ҚВПдан 137 таси ёки 36% янги, 247 таси ёки 64% қайта ташкил этиш туфайли яратилган.

2004 йилда вилоятдаги 20 ҚВПларига "Саломатлик-1" лойиҳаси доирасида жами 310 млн. сўмлик тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олиб берилган. "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида вилоят туманларига биринчи босқичда жами 258 млн. 218 минг сўмлик жиҳозлар етказилиб берилган. 2006 йилда "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида жами 845 млн. 549 минг 699 сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олинган. Шунингдек, Самарқанд шаҳар поликлиникалари учун 31 млн. сўмлик жиҳозлар олинган. Олинган тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиймати жами 1 млрд. 746 млн. сўмни ташкил этади.

Бугунги кунда ҚВПлари Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 20 июлдаги 212-сонли "ҚВПларида янги шаклдаги ҳужжатлар юритишни татбиқ қилиш тўғрисида"ги, 2013 йил 17 майдаги 161-сонли "Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида



аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги, 13 ноябрдаги 380-сонли "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 31 декабрдаги 456-сонли "Қишлоқ врачлик пунктлари тиббий ходимларининг юклама меъёрлари тўғрисида"ги буйруқлари асосида фаолият юритмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилган Қарор, Фармон ҳамда вазирликнинг буйруқларига амал қилишлари бўйича доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида республикада бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2014 йилда 39 та самарасиз фаолият юритаётган ҚВП мақбуллаштирилди, ушбу ҚВПлар аҳолиси энг яқин ДПМларга бирламчи тиббий хизмат учун бириктирилди ва тиббий ходимлар иш билан таъминланди.

Ушбу қарор асосида ҚВПларининг янги штат меъёрлари тасдиқланди ва амалга киритилди. Мазкур норматив асосида патронаж ҳамшираси юкламаси камайтирилди ва катта ҳамшира лавозими жорий этилди.

Мақбуллаштириш жараёнлари натижасида амбулатория ва поликлиника муассасалари сонининг 49 тага камайганига қарамай Самарқанд вилоятида 2014-2015 йилларда бирламчи

тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳоли ўртасида профилактика ишларининг кучайтирилиши эвазига уларда амалга оширилган қатновлар сони 30,9 млн.тага, ҚВПларга қатновлар сони 8,1 млн.тагача ошди.

Вазирлар Маҳкамасининг ҚВПлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурига асосан 2013-2015 йилларда 69 та ҚВПда жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари ўтказилди ва 5 млрд. 215 млн. сўм бюджет ва ҳомий маблағлари жалб қилинди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатиб келаётган 396 та қишлоқ врачлик пунктларининг ишини мувофиқлаштириш, бошқариш ва амалий-услубий ёрдам самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ҳамда профилактик ёрдам сифати ва қамровини яхшилаш мақсадида 39 та ҚВПларини оптимизация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва 2015 йил 1 январь ҳолатида вилоятда ҚВП сони 357 тани ташкил қилди.

Аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти тўлиқ қайта кўриб чиқилиб 50 фоизи қисқартирилади. Аҳолига қулай бўлган қишлоқ врачлик пунктлари сақлаб қолиниб, уларда нафақат амбулатор хизмат, балки стационар хизмат йўлга қўйилиши, гинеколог, стоматолог, педиатр, клиник лаборатория, ультратовуш текшириш, ЭКГ текшируви амалга оширилиши, 103 шоҳобча туну кун хизмат кўрсатиши кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунки кунда аҳолига кўрсатилаётган бирламчи амбулатор ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда муассасаларнинг туман марказидан узоқ-яқинлиги, ҳудудий жойлашуви, аҳоли учун қулайлиги, бинонинг моддий-техника базаси, инфратузилмаси ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ врачлик пунктлари негизида 43 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ташкил этилмоқда. Шу жумладан Пастдарғомда 6 та, Ургутда 5 та, Иштихон туманида 4

та, Каттакўрғон, Окдарё, Пахтачи, Самарқанд, Жомбой ва Нуробод туманларида 3 тадан, Нарпай, Пайариқ, Тойлоқ, Булунғур, Қўшрабат туманларида 2 тадан қишлоқ врачлик пунктлари қишлоқ оилавий поликлиникаларига айлантирилмоқда. Туман марказига яқин жойлашган, моддий-техника базаси санитар аҳволи талабга жавоб бермайдиган 22 та қишлоқ врачлик пункти фаолияти тугатилади.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзи яхшиланишига, уларнинг тиббий маданиятининг ортиши, қолаверса касалликларнинг илк босқичида аниқланишида яхши кўрсаткичларга эришишимиз учун бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатишда патронаж хизматини тўғри йўлга қўйиш орқали эришишимиз мумкин.

Қишлоқ жойларда дастлабки тиббий-санитария ёрдами сифатини янада яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктлари патронаж тиббиёт ҳамширалари меҳнатини рағбатлантиришни уларнинг касалликлар профилактикаси, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва санитария-гигиена маданиятини тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 1 декабрдаги 350-сонли “Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори чиқди.

Мазкур қарорда қишлоқ врачлик пунктлари патронаж тиббиёт ҳамширалари иш самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларига боғлиқ равишда улар меҳнатини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини 2016 йил 1 январдан бошлаб жорий этиш белгиланган.

Шунингдек ўзига бириктирилган ҳудудда оилаларнинг патронаж билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлайдиган ва ўз фаолиятида ижобий якуний натижаларга, шу жумладан касалликларни камайтиришга, болалар ва оналар ўлимига барҳам беришга эришган патронаж тиббиёт ҳамшираларига

тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда ҳар ойлик шахсий устама белгилаш, энг юқори даражада намуна кўрсатган патронаж тиббиёт ҳамшираларини ва патронаж тиббиёт ҳамширалари фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг врач-тиббиёт ходимларини уларнинг фаолиятини ҳар чоракда баҳолаш асосида, лекин тегишли ходимни йилига икки ойлик маошдан кўп бўлмаган миқдорда мукофотлаш кўзда тутилган. Ушбу тизим Самарқанд вилоятида қарорда белгиланган муддатларда амалга оширилди.

2015 йил давомида Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказининг Самарқанд вилоят филиали раҳбарияти ҳамкорликда вилоятдаги барча туманларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларининг тиббий ходимлари (ҚВП мудирлари, УАШ, катта ҳамшира, доя ва патронаж ҳамшира) учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу курсни ташкил этишдан асосий мақсад бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида (қишлоқ врачлик пунктларида) аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни амалдаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштириш.

Йил давомида Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг Ижтимоий саломатлик ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш кафедраси қошида ташкил қилинган "Соғлиқни сақлашда менежмент ва маркетингдан фойдаланишнинг моҳияти" мавзусида ўқиб малака оширган 234 нафар қишлоқ врачлик пункти мудирларига ўқишни тугатганлиги тўғрисида сертификат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2857-сонли Қарорида қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда ҚВПлар сони 357 тадан 336 тагача мақбуллаштирилиб, 43 та ҚВП лар негизда кундузги стационари, тор соҳа мутахассислари ва тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этилди.

Ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори-воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган “Дори-дармон” АК тизимининг дорихоналарини жойлаштириш, ўз фаолиятини тугатаётган 64 та ҚВП лар негизда тез тиббий ёрдам хизмати янги шахобчалари ташкил этилиб, 101 та ҚВП бинолари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топшириш ишлари амалга оширилмоқда. ҚВП ларнинг юридик шахс мақоми тугатилиб, уларга молиявий-бухгалтерлик хизмати кўрсатиш тегишли туман тиббиёт бирлашмалари зиммасига юклатилган. Вилоятдаги барча кўптармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар ва ҚВП лар ҳар куни соат 08.00 дан 20.00 гача фаолит кўрсатиш иш маромига ўтказилди. ҚВП лар тармоғини мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар қишлоқ оилавий поликлиникалари ва ҚВП лари тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар, реагентлар, сарфлов материаллари ва транспорт воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилашга йўналтирилди.

Президентимиз ташаббуси билан аҳолига энг яқин бўғин бўлган бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматида ҳам қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктлари негизда кундузги статционари мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари, тез тиббий ёрдам

тармоғининг шаҳобчалари ва ижтимоий дорихоналар ташкил этилиши белгиланган. Бундан ташқари, энди ҳар бир қишлоқ оилавий поликлиникасида 5 та тор ихтисослик – педиатр, гинеколог, стоматолог, терапевт ва ултратовуш текшириш мутахассислиги бўйича тиббий хизмат турларини кўрсатиш учун шароит яратиш йўлга қўйилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинким мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган даврда аҳолининг атиги 40-45 фоизи амбулатор-поликлиника тизимига муурожаат қилган бўлса, мустақиллик даврида вилоятда мавжуд бўлган аҳолининг 70-75 фоизига қишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилмоқда. Аҳолига қулай бўлган қишлоқ врачлик пунктлари сақлаб қолиниб, уларда нафақат амбулатор хизмат, балки стационар хизмат йўлга қўйилиши, гинеколог, стоматолог, педиатр, клиник лаборатория, ултратовуш текшириш, ЭКГ текшируви амалга оширилиши, 103 шоҳобча туну кун хизмат кўрсатиши ташкил қилинган бўлиб бу ўз навбатида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини оширишга муҳим омил бўлиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугунки кунда аҳолига кўрсатилаётган бирламчи амбулатор ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда муассасаларнинг туман марказидан узоқ-яқинлиги, ҳудудий жойлашуви, аҳоли учун қулайлиги, бинонинг моддий-техника базаси, инфратузилмаси ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ врачлик пунктлари негизида 43 та қишлоқ оилавий поликлиникаси барпо қилинганлиги тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг янги даврида амалга оширилган ишларнинг бошланишидан дарак беради.

## **8. БОБ**

**Ислоҳотлар даврида аҳолининг  
репродуктив саломатлигини янада  
мустаҳкамлаш**

## “Соғлом бола – соғлом она” ғояси

Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза қилиш, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш аҳолининг тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ушбу мақсадларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда, шу жумладан Самарқанд вилоятида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий тизими яратилди. Жумладан, бир пайтлар тасаввур қилиш мумкин бўлмаган ихтисослаштирилган марказларнинг мукамал тизими вужудга келди. “Соғлом бола – соғлом она” ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чоратадбирларнинг юксак натижалари бир қатор нуфузли халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли, жумладан, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлаётир. Бирламчи тиббий-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал, репродуктив саломатлик марказлари, вилоят болалар кўптармоқли марказлари томонидан бу йўналишда аҳолига кенг кўламли тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.



## 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2221-сонли Қарори юқорида зикр қилинган ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланиб, унда 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича:

- аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш;

- ноноормал ривожланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, ногирон болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

- оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, махсус ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани янада ривожлантириш;

- аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал

қилиш, соғлом ва аҳил оила қуриш афзалликларини тарғиб қилиш

соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик ва фаолиятни мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги “Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 297-сонли қарори билан ҳомиладор аёлларни таркибида шу жумладан фолий кислотаси бўлган махсус поливитамин комплекслар билан бепул таъминлаш тартиби 2014-2016 йиллар даврига узайтирилди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мутаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш уларни тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш,

сурунали касалликлар билан оғриган беморларни диспансеризациядан ўтказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилни ташкил этиш ва мониторинг ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли “Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруқ асосида жорий йилнинг март ойидан бошлаб соғлиқни сақлаш вазирлиги, жойлардаги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида “Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш” штаби ташкил қилинди. ушбу штабларнинг тузилмаси, таркиби ва штаб аъзоларининг ҳудудлар тақсимооти ишлаб чиқилди.

Шунингдек буйруғда аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар ҳамда патронаж ҳамшира томонидан амалга оширилидиган ҳаракатлар алгоритми, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш алгоритми, аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар, репродуктив саломатлик кўрсаткичлари бўйича мониторинг натижасининг кунлик ва ойлик ҳисоботлари ҳамда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш ҳолати бўйича мониторинг жадваллари ва бунинг баробарида юқоридаги вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни тегишли штабларга тақдим этиб бориш вазифаси белгиланди.

Ушбу буйруқ аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан яхшилаш, жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш ва амалга оширилган ишларни тизимли, таҳлилий назорат қилиб бориш

имконини беради. Албатта, бу каби соҳага оид чиқарилаётган барча меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигининг мужассам эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

## **Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 мартдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида” ги Қонуни**

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 15 февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган бўлиб 24 моддадан иборат.

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлиги ҳолати бўлиб, бу ҳолат унинг бола туғилишига қодирлигини белгилайдиган репродуктив тизими, ушбу тизимнинг функциялари, ҳаётий жараёнлари билан боғлиқ бўлади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш:

фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олишни;

ҳомиладорликни сақлаб юришни ва боланинг асоратларсиз ҳамда нуқсонларсиз туғилишини таъминлайдиган, ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги тадбирлар, муолажалар ҳамда хизматларни;

репродуктив тизим касалликларининг олдини олишни ва уларни даволашни;

жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни;

эҳтимолдаги асоратларнинг ва репродуктив тизим функциялари бузилиши оқибатларининг олдини олишга

кўмаклашган ҳолда ҳомиладорликни хавфсиз равишда сунъий тўхтатишни;

контрацепция усуллари ва улардан фойдаланиш тўғрисида ахборот олишни назарда тутди.

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

репродуктив муаммоларни ҳал қилишда инсонпарварлик;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;

фуқаронинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ва оилавий сирнинг сақланиши;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги тиббий хизматлардан фойдаланишни ва уларнинг сифатини таъминлаш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича хизматларнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини таъминлаш.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фуқароларда соғлом фарзандлар туғилишига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни тарбиялаш;

эркаклар ва аёлларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишида уларнинг имкониятлари тенглигини таъминлайдиган шароитларни яратиш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

фуқаролар ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши учун уларга тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам кўрсатиш.

**Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишдаги давлат кафолатлари:**

репродуктив саломатликнинг сақланишини ва уларнинг репродуктив ҳуқуқлари амалга оширилишини;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга доир хизматлардан фойдаланилиши ва бу хизматларнинг изчиллиги таъминланишини;

соғлом оилани шакллантириш тўғрисидаги қарорнинг камситишларсиз, таҳдидларсиз ва зўравонликсиз қабул қилинишини;

уларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликни, шахсий ва оилавий сирнинг сақланишини;

бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг бепуллигини;

фуқароларнинг мустақил қарор қабул қилишга бўлган репродуктив ҳуқуқи амалга оширилишини кафолатлайди.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга доир хизматлар репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари:**

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга ҳамда репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга доир чоратадбирларни белгилайди;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартибини, кафолатланган хизматлар, уларни қўллашга доир кўрсатмалар, монеликлар ва чекловларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўлловчи тиббиёт ташкилотларининг фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатишни амалга ошириш тартиби ва шартларини, ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш учун тиббий кўрсатмалар рўйхатини белгилайди;

жарроҳлик контрацепциясини амалга ошириш тартиби ва шартларини белгилайди.

### Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари:

хавфсиз ва самарали репродуктив технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз фарзандларининг туғилиши хусусида мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

ўзининг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш;

туғилишни тартибга солишнинг хавфсиз усулларида ва контрацепциядан фойдаланиш;

тиббий-профилактика хизматларидан фойдаланиш ва соғлиққа хавф солувчи воситалардан, шу жумладан илмий тажрибалар қўлланилишидан ҳимояланиш;

ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам ва ахборот олиш;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш.

Юридик ва жисмоний шахслар фуқароларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши билан боғлиқ ахборотни сир сақлаши шарт.

Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштликни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.

Аёл бепуштликдан даволаниш, репродуктив саломатлигини ҳомиладор бўлгунига қадар, ҳомиладорлик даврида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга.



Ҳомиладорлик давридаги тиббий аралашув эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эр бўлмаган тақдирда аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан амалга оширилади.

Тиббий аралашувни рад этиш факти эҳтимолдаги оқибатлар кўрсатилган ҳолда тиббий ҳужжатларда қайд этилади ва ҳомиладор аёл томонидан, бунинг имкони бўлмаган тақдирда унинг эри ёки қариндошлари томонидан ёзма тарзда, тиббий аралашувни рад этиш ҳақида ёзма жавоб олишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, шифокорлар консилиумининг хулосаси билан тасдиқланади.

Аёл ҳомиладорликка, уни сунъий равишда тўхтатишга ва контрацепцияга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш куйидагиларни ўз ичига олади:

ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштликни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

янги тиббий, шу жумладан ёрдамчи репродуктив технологиялардан, шунингдек кам инвазивли (кам жароҳатлайдиган) аралашувлардан фойдаланган ҳолда бепуштликни даволаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш:

тиббий-профилактика тадбирларини, шу жумладан репродуктив аъзолар патологиясини, шунингдек ирсий

касалликларни аниқлашга қаратилган тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни;

жинсий тарбия ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича тадбирлар ўтказишни;

уларни репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўқитиш ва ахборот беришни ўз ичига олади.

Репродуктив саломатлик муаммолари бўйича тиббий аралашув вояга етмаган шахсни, шунингдек унинг қонуний вакилини хабардор этган ҳолда уларнинг ихтиёрий розилиги билан амалга оширилади. Вояга етмаган шахснинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш учун тиббий аралашув тавсия этилган тақдирда ҳамда қонуний вакилдан ва вояга етмаган шахсдан розилик олишнинг имкони бўлмаганда, тиббий аралашув шифокорлар консилиумининг хулосаси мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларни репродуктив саломатликни сақлаш масалалари бўйича тарбиялаш, ўқитиш ҳамда уларга ахборот бериш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тегишинча оилада, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга оширилади.

Репродуктив саломатлик, шу жумладан жинсий тарбия масалалари бўйича ўқитиш таълимни ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари билан биргаликда вояга етмаган шахсларнинг ёши, психологик ва жисмоний ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг оилалари билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилган, махсус тасдиқланган дастурларга кўра амалга оширилади. Ўқитишга тегишли тиббий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар жалб этилади.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлар давлат томонидан қафолатланган ва бепул асосда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ахборот бериш аноним ва махфий тарзда амалга оширилади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот:

репродуктив саломатликнинг ҳолати ҳақидаги;

репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар олиш шартлари ва усуллари тўғрисидаги;

замонавий контрацепция усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги;

ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллашдаги ҳар қандай психологик ва физиологик оқибатлар, эҳтимолдаги асоратлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот ишончли ва тўлиқ бўлиши керак.

Ёрдамчи репродуктив технологиялар уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичлари аёлнинг организмидан ташқарида амалга ошириладиган ҳомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборатдир.

Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича профилактика чора-тадбирлари қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

фуқароларнинг репродуктив саломатлиги бузилиши хавфини, шу жумладан атроф-муҳит ва ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш;

репродуктив саломатлик соҳасидаги бузилишларни аниқлаш ва даволаш мақсадида фуқароларнинг мажбурий профилактика тиббий кўрикларини (дастлабки ва даврий) ўтказиш;

репродуктив ёшдаги фуқароларни ва ҳомиладор аёлларни репродуктив саломатликнинг бузилиши хавфи ҳамда унинг реабилитацияси ҳақида хабардор қилиш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича таълим дастурларини ва илмий дастурларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш;

фуқароларни соғлом турмуш тарзини юритишга ва профилактика тадбирларида иштирок этишга рағбатлантириш тизимини яратиш, биринчи навбатда, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашувчи ҳаёт тарзини ва услубини оммалаштириш орқали яратиш;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг, репродуктив тизим аъзолари касалликларининг ривожланишига доир хавф гуруҳларини ажратган ҳолда аҳолини, шу жумладан болалар ва ўсмирларни диспансеризациядан ўтказиш ҳамда якка тартибдаги профилактика дастурларини ишлаб чиқиш;

фуқароларга тиббий-генетик ёрдамни такомиллаштириш, ҳомиладаги нуқсонларга эрта ташхис қўйиш учун янги перинатал технологияларни жорий этиш.

Фуқаролар контрацепция усулларини танлаш, улардан фойдаланиш, шунингдек уларни рад этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларга соғлиғининг ҳолати, ёши ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳамда эҳтимолдаги ҳар қандай номақбул оқибатлар ҳақида огоҳлантирган ҳолда контрацепция усулларини якка тартибда танлаш бўйича тиббий ёрдам кўрсатилади.

Фуқаролар контрацепциянинг жарроҳлик усулидан ихтиёрий равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Контрацепциянинг жарроҳлик усули фақат олдиндан албатта хабардор этилган ҳолда ҳамда вояга етган муомалага лаёқатли фуқаронинг ёки эр-хотиннинг ёхуд фуқаро муомалага лаёқатсиз бўлса васийларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш:

ҳомиладорликнинг ўн икки ҳафтагача бўлган муддатида аёлнинг хоҳишига кўра;

ҳомиладорнинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар амалга оширилади.

Тиббиёт муассасалари тиббий кўрсатмаларга кўра ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш тўғрисида ёки ҳомиладорликни тўхтатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган аёлни унинг соғлиғи учун ҳар қандай эҳтимол тутилган салбий оқибатлар ҳақида хабардор этиши шарт.

Ёрдамчи репродуктив технологиялар қўлланилиши тўғрисидаги, шунингдек ёрдамчи репродуктив технологиялар дастурлари иштирокчиларининг шахси ҳақидаги маълумотлар шифокорлик сирини ташкил этади ва улар тўғрисидаги ахборот махфий бўлиши керак.

Шифокорлик сирини ташкил этувчи маълумотлар ўқиш чоғида, касбий, хизмат вазифаларини ва бошқа вазифаларни бажариш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар томонидан ушбу маълумотларни фуқаронинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар мустасно.

Шифокорлик сирини ташкил этувчи маълумотларни фуқаронинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз тақдим этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ўзининг ҳолатига кўра ўз хоҳиш-иродасини билдиришга қодир бўлмаган фуқарони текширувдан ўтказиш ва даволаш мақсадида;

юқумли касалликлар тарқалиши хавфи бўлганда;

тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг, шунингдек суднинг сўровларига биноан.

## **9 БОБ**

**Соғлиқни сақлаш хусусий сектори ва  
Халқ табиобати соҳаси янги  
ислоҳотлар даврида**

## Соғлиқни сақлаш хусусий секторининг шаклланиши

Мамлакатимизда шу жумладан, Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши энг аввало Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг номи билан боғлиқдир. Мустақиллик йилларида Республикада соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши учун том маънода мустақкам ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги баён этилган.

1996 йил 29 августда "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унда фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, фуқароларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Республика Мустақилликка эришгандан сўнг соғлиқни сақлаш тизимининг собиқ Иттифоқ тузуми даврида шакллантирилган мавжуд таркиби ва вазифалари, унинг моддий-техника асосини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси кун тартибида турар эди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, бошқарувнинг марказлашган усулларида воз кечиш, ўз навбатида бир қатор долзарб масалаларни кун тартибига қўйди, шу жумладан, хусусий тиббий фаолият билан шуғулланишга рухсат берилди. Бу жараён

соғлиқни сақлаш тизими раҳбарларининг янги авлодини тайёрлаш, янги билимларга, кўникмаларга, тажрибаларга эга бўлиш заруриятини туғдирди. Кўп тармоқли молиялаштиришнинг самарали механизмларини, соғлиқни сақлаш ресурсларини авайлаб ишлатишни, бирламчи ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, профилактика, даволаш ва реабилитация муассасалари ўртасида вазифалар тақсимотини қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам шулар жумласига киради. Бундан кўриниб турибдики, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарларининг янги авлодини тайёрлашда юқоридагиларга жиддий эътибор бериш зарур.

Бошқарувнинг муваффақияти нафақат раҳбарнинг билимдонлиги, ишбилармонлиги балки, унинг ижтимоий ва бошқарув психологиясига суянган ҳолда одамлар билан ишлай билиш қобилиятига ҳам боғлиқ.

Замонавий раҳбар жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал қилишда далилларга асосланган тиббиётнинг тамойилларини, соғлиқни сақлашни ривожлантириш йўналишларини аниқлашни, тиббий хизматни ташкиллаштириш дастурини тузишни, замонавий ахборот технологияларини билиши ва ишлатиши шарт.

Янги ижтимоий ва иқтисодий шароитларда соғлиқни сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатиши учун ўзининг ишини янги ташкилий-бошқарув талаблари асосида қайта қура оладиган ўқимишли соғлиқни сақлаш ташкилотчилари талаб қилинади. Бошқарув кадрларининг янги билим ва кўникмаларга бўлган эҳтиёжи, уларни дипломдан кейинги тайёрлов дастурларини мукаммаллаштиришни тақозо қилади.

Ушбу бобда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш даврида нафақат тиббий ёрдамни ташкил қилиш, балки менежмент ва маркетинг асослари, тиббий ёрдам сифати ва стандарти муаммолари, иқтисодиёт ва молиялаштириш, кадрлар заҳирасини барпо қилиш, ахборот технологияларини тиббиёт



муассасаларини бошқаришда рационал ишлатишга ҳам эътибор берилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863 сонли Қарори қабул қилинди.

### **Соғлиқни сақлаш хусусий сектори янги ислохотлар даврида**

Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, бошқарувнинг марказлашган усулларидан воз кечиш, ўз навбатида бир қатор долзарб масалаларни кун тартибига қўйди, шу жумладан, хусусий тиббий фаолият билан шуғулланишга рухсат берилди. Бу жараён соғлиқни сақлаш тизими раҳбарларининг янги авлодини тайёрлаш, янги билимларга, кўникмаларга, тажрибаларга эга бўлиш заруриятини туғдирди. Кўп тармоқли молиялаштиришнинг самарали механизмларини, соғлиқни сақлаш ресурсларини авайлаб ишлатишни, бирламчи ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, профилактика, даволаш ва реабилитация муассасалари ўртасида вазифалар тақсимотини қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам шулар жумласига киради. Бундан кўриниб турибдики, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарларининг янги авлодини тайёрлашда юқоридагиларга жиддий эътибор бериш зарур.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш;

- хусусий тиббиёт муассасаларининг ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий юқори технологияли усулларни кенг қўллаган ҳолда, кенг аҳоли қатламлари, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган хизматлар кўлами ва турларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари, махсус инвентар ва асбоблар билан жиҳозлаш, тиббиёт ихтисосликлари турига мос келадиган ва санитария норма ҳамда

қоидалари талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш;

- қулай кредит ва лизинг механизмларини фаол жалб этиш орқали хусусий тиббиёт муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами ва ҳажмини тубдан ошириш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш, етакчи хорижий клиника ҳамда тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда даволаш-ташхис муассасаларини ташкил этиш;

- тиббий суғурта тизимини кенг жорий этган ҳолда, аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга, сифатли ва арзон маслаҳат-ташхис, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа турдаги тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантириш;

- илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, хусусий тиббиёт соҳасида тиббий таълимнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиш асосида хусусий тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида сифатли ва самарали тизимни шакллантириш, хусусий тиббиёт муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун зарур шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

Охирги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида тиббиёт соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳага мамлакатимиз соғлиқни сақлаш

тизимининг давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатилаётган кенг турдаги тиббиёт хизматларини сифат жиҳатидан юксалтириш ва янада тўлдиришга хизмат қиладиган муҳим таркибий қисм сифатида қаралмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизими фаолият юритмоқда. Уларга барча турдаги солиқлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар берилаётир.

Сўнгги 6 йилда мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари сони 2 баробар кўпайиб, 3,5 мингтага етди. Уларни юқори технологияли тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш даражаси 3 баробар ошди. Айниқса, стоматология, лаборатория ташхиси, терапия, физиотерапия, неврология ва бошқа соҳаларга ихтисослаштирилган хусусий тиббиёт муассасалари ривожланган.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларида соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантиришга ҳамон етарлича эътибор қаратилмаётганини таъкидлади.

Бу борадаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига оид қонунчиликда мавжуд чекловлар улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилашга, айниқса, тор ихтисосликдаги тиббиёт соҳаларига илғор даволаш усул ва технологияларини жорий қилишга тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, хусусий тиббиёт субъектларининг қишлоқ жойларда ривожланиши даражаси қониқарсиз ҳолатда, уларнинг учдан бир

қисмидан зиёди Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан қабул қилинган қарорга мувофиқ, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари қаторида хусусий тиббиёт муассасалари ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларини кенг қўллаган ҳолда, сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларга кредит ажратиш ва молиявий ёрдам кўрсатиш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар ва малакали мутахассисларни жалб қилиш, тиббий хизматлар экспортини кенгайтириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бозори инфратузилмасини ривожлантириш белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, қарорда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Хусусан, айти пайтгача хусусий тиббиёт муассасаларига 177 турдаги тиббий хизматларнинг атиги 50 тасига рухсат этилган бўлиб, қолганлари тақиқланган эди. Мазкур қарорга биноан, энди уларга тиббий хизматларнинг деярли барча турларини кўрсатишга рухсат берилди.

Рухсат этилган тиббий хизмат турларига кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, анестезиология ва реаниматология, гельминтология, интервицион кардиология, иммунобиологик ва иммунофермент ташхис қўйиш, қон томир, торакал ва абдоминал жарроҳлик ва тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар киритилди.

Шуни қайд этиш лозимки, агар аввал қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари тасдиқланган бўлса, энди фақат давлат соғлиқни сақлаш муассасалари амалга ошириши мумкин бўлган ва хусусий тиббиёт муассасалари учун

тақиқланган айрим чекланган фаолият турлари тасдиқланмоқда. Ушбу фаолият турлари аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган, жумладан, ўта юқумли, хавfli ва карантин касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, токсикологик, венерик ва руҳий хасталиклар, чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болалар касалликлари ва патологиясини даволаш, туғуруқни қабул қилиш ва ҳомиладорликни тўхтатиш, органларни кўчириш, қон донорлигини ташкил этиш ва бошқа ўзига хос йўналишлар билан боғлиқдир.

Мазкур қарор хусусий тиббиёт муассасаларига кенг кўламли имтиёз ва преференциялар берилгани билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, ушбу муассасалар 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, тақдим этилган солиқ имтиёзлари хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини беради. Бўшаган маблағлар уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, инвентар ва бошқа буюмлар харид қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишга мақсадли йўналтирилади.

Тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобидан тежалган маблағларнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилади. Шундай қилиб, берилган солиқ имтиёзлари эвазига давлат бир вақтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этади, шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасалари зиммасига қўшимча молиявий харажатлар юкланмайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги ва Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциацияси билан биргаликда бир ой муддатда юқорида қайд этилган солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан Хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда материаллари учун божхона тўловларидан озод этилади. Бунда мазкур рўйхатни тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда ва чекка туманларда тиббиёт соҳасида хусусий секторни жадал ривожлантириш мақсадида қарорда қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши кўзда тутилган.

Қарорда 2017 йил 1 майдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртача чекланган сонини 25 кишидан 100 кишигача кўпайтириш тўғрисидаги тасдиқланган норма тиббиёт соҳасининг хусусий секторидида бандликни кенгайтиришни рағбатлантириш имконини беради, хусусий тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатадиган аҳоли сонини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Қарорда мустақиллик йилларида ушбу соҳа учун биринчи марта ишлаб чиқилган Хусусий тиббиёт муассасаларини

ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқлангани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур дастурда хусусий тиббиёт муассасаларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Хусусан, хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия беришни сезиларли даражада соддалаштириш ва муддатларини тезлаштириш, жумладан, лицензия бериш тўғрисидаги қарорни 30 кундан 20 кунгача қисқартириш, лицензия бериш учун давлат божини энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 5 баробаригача камайтириш назарда тутилган.

Дастурда хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун уларни бино ва хоналар билан таъминлашга доир амалий чора-тадбирлар кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилмаётган бинолар, объект ва хоналарни, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тугатилаётган муассасаларнинг давлат мулки бўлган объектларини аҳолига тиббий хизматлар кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига "ноль" қийматида белгиланган тартибда бепул сотиш, бунда мулкдорлар инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича мажбуриятларни зиммасига олишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Шу билан бирга, кичик тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларига давлат мулкини ижарага олишнинг максимал муддатини амалдаги нормаларга мувофиқ 5 йилдан 10 йилгача узайтириш кўзда тутилган. Бунда соғлиқни сақлаш муассасаларининг давлат мулкидан фойдаланиш учун ижара тўловининг энг кам ставкасини 20 фоизга қисқартириш назарда тутилган.



Янги тиббиёт объектлари барпо этадиган ва мавжудларини реконструкция қиладиган хусусий тиббиёт муассасалари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа ваколатли органларга уларнинг муҳандислик-коммунал инфратузилма объектларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланишини эътиборга олган ҳолда, уларга ер участкалари, бино ва хоналар ажратиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига икки ой муддатда юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, хусусан, тиббий хизматларни, айниқса, қишлоқ жойлар ва олис туманларда кўрсатиш учун ер участкалари ажратишда қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Хусусий тиббиёт муассасаларига кредит ажратиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига "Ўзмед-лизинг" ихтисослаштирилган лизинг компанияси устав капиталини кўпайтириш орқали, шунингдек, хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш ҳисобидан тиббиёт муассасаларига замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар харид қилиш ҳажмини кенгайтириш ва лизингга бериш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Тижорат банкларига хусусий тиббиёт муассасаларига замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, хориждан сотиб олиш, бошланғич капитални шакллантириш, тиббий хизматлар

кўрсатиш мақсадида бино ва иншоотлар харид қилиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, аҳолига замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, жумладан, банк кредит карталари билан ҳисоб-китоб қилиш асосида хусусий тиббиёт муассасаларининг тиббий хизматларидан фойдаланиш учун истеъмол кредитлари тақдим этиш тавсия этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорда тиббиётнинг хусусий соҳасига, айниқса, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва хорижий капитал иштирокида қўшма тиббиёт муассасалари ташкил этиш орқали илғор халқаро тажрибани жорий этишни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мазкур қарорда хусусий тиббиёт муассасаларида ишлашга жалб этиладиган хорижлик шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий тўловлардан озод этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциациясига Ўзбекистонда Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Германия ва бошқа давлатларнинг етакчи тиббиёт марказлари ҳамда клиникалари билан ҳамкорликда йирик даволаш-ташхис қўйиш муассасалари ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш тавсия этилди. Бунда қарорга кўра, хусусий тиббиёт муассасаларининг хорижлик ходимлари бошқарув персонали сифатидаги фаолиятдан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромад солиғидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигига хусусий тиббиёт ташкилотларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижлик шифокорлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат

Ўзбекистон  
кўрсатадиган техник мутахассисларга  
Республикасига кириш ва яшаш учун рухсатнома ҳужжатларини  
расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш топширилди.

Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини кенг кўламда рағбатлантириш тиббий суғурта тизимини кенг жорий этган ҳолда, аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга, сифатли ва арзон тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Шу муносабат билан қарорда тиббий суғурта соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, суғурта полислари бўйича кафолатли юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш, фуқаролар учун тиббий суғурта тизимида иштирок этишда рағбатлантирувчи имтиёз ва преференциялар яратиш ва бошқа масалаларга қаратилган "Тиббий суғурта тўғрисида"ги қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, халқимиз учун муносиб ва сифатли ҳаёт шароитларини яратишга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми, шунингдек, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган эзгу ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги навбатдаги муҳим қадамдир.

### **Стандартлаштириш ва метрология. Аккредитация**

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва техник регламентларни тизимли жорий этиш, Ўзбекистон

Республикаси Миллий эталонлар базасини ривожлантириш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, "Ўзстандарт" агентлигининг тузилмасини халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилан:

- Маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш;

- маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаштиришни амалга ошириш;

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олиншига йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, сотиладиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда уларнинг самарадорлигини ошириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига

кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Қарорининг мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак маҳаллий маҳсулотларнинг сифати ва хорижий бозорлардаги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий базанинг халқаро талабларга мос даражаси, шунингдек, республикамизнинг синов ва ўлчаш лабораториялари моддий-техника базасининг ҳолатига асосий эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда кўрсатиб ўтилган соҳа ва тармоқларда аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, мазкур соҳада қонуний базани такомиллаштириш доирасида халқаро қоида ва амалиётни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” (2009 йил) ва “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги (2013 йил) қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар ички бозорнинг сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиниши ҳамда республикамиз лабораториялари томонидан ўтказилган синовлар натижаларининг халқаро даражада тан олиншини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ва “Метрология тўғрисида”ги қонунларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун сертификатлаштириш ҳамда стандартларни қабул қилиш ва жорий этиш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати кескин қисқартирилди. Экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш ихтиёрий равишда амалга оширилиши белгиланди, ўлчаш воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини лицензиялаш жараёни бекор қилинди.

Сертификатлаштириш ва стандартлаштириш қоидаларига риоя этилмаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш меъёрлари бекор қилиниб, мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги кучайтирилди. Шунингдек, 23 та техник регламентни қабул қилиш ҳисобига 700 дан ортиқ стандарт ихтиёрий турга ўтказилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ишларнинг таҳлили ваколатли давлат бошқаруви идораси сифатида "Ўзстандарт" агентлигининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор ечими топилмаган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, агентликнинг ташкилий тузилмаси халқаро талабларга мос эмас, юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаб бера олмас эди.

Иккинчидан, ISO халқаро ташкилоти стандартларини қабул қилиш борасидаги фаолият лозим даражада ташкил этилмаган, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар миллий фондида ушбу ташкилот стандартлари 13 фоизни ташкил этар эди, холос.

Учинчидан, Агентлик томонидан халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича республикамиздаги корхоналарга услубий ёрдам кўрсатиш етарли даражада ташкил этилмаган эди.

Тўртинчидан, республикамизнинг мавжуд эталонлар базаси айрим саноат тармоқларида фойдаланилаётган юқори аниқликдаги асбобларнинг метрологик текширувини тўла қамраб олиш имконини бермас эди.

Юқорида келтирилган масалаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш;

- маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришни амалга ошириш;

- экспортчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олиншига йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, реализация қилинадиган маҳсулотлар хавфсизлигининг тизимли назоратини таъминлаш самарадорлигини ошириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида

кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Шунингдек, мазкур қарор билан 2017 — 2020 йилларда “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. У қуйидаги жиҳатларни назарда тутди:

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида қонуний базани такомиллаштириш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг синов лабораториялари ва худудий марказларини замонавий юқори аниқликдаги ўлчаш ва синов ускуналари билан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишни давом эттириш;

- 2 мингдан ортиқ халқаро стандартларни босқичма-босқич қабул қилиш орқали уларнинг стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар миллий фондидаги улушини икки баробар ошириш;

- 9 мингдан ортиқ корхонада халқаро стандартларга мос келадиган сифат менежменти тизимларини жорий этиш, 2020 йилга қадар бундай корхоналар сонини 4,6 баробар ошириш;

- “Ўзстандарт” агентлиги лабораторияларини халқаро даражада тан олинган ташкилотларда аккредитация қилиш йўли билан уларда амалга оширилган синов натижаларининг жаҳон миқёсида тан олинishi учун шарт-шароитлар яратиш;

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги ходимлар салоҳиятини ошириш ва унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини чуқурлаштириш.

Ушбу қарор билан “Ўзстандарт” агентлиги қошида “Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази” ва “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхоналарини ташкил этиш ҳамда “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонасини қайта



ташкил этишни назарда тутган ҳолда “Ўзстандарт” агентлигининг янгиланган ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Шунингдек, тасдиқланаётган рўйхатга мувофиқ, эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини давлат бюджетидан молиялаштириш ҳисобига харид қилиш орқали республика эталон базасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг самарали ижросини таъминлаш мақсадида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ушбу қарорнинг амалга оширилиши:

➤ биринчидан, миллий стандартларни халқаро талаблар билан мослаштириш ҳамда замонавий сифат менежменти тизимларини кенг жорий этиш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

➤ иккинчидан, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда миллий лабораториялар томонидан амалга оширилган ўлчаш ва синов натижаларининг чет элларда тан олинishi учун асос яратиш;

➤ учинчидан, саноат тармоқларида қўлланилаётган юқори аниқликдаги асбобларни тўлиқ метрологик текширувдан ўтказиш, бир қатор эталонлар ва энг юқори аниқликда ўлчаш воситаларини харид қилиш орқали миллий корхоналарнинг хорижий мамлакатлар метрология институтига боғлиқлигини камайтириш имконини беради.

## Хусусий клиникаларни лицензиялашнинг янги қоидалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тиббий фаолиятни лицензиялаш такомиллаштирилди. Лицензион келишув хулосаси бекор қилиниб, лицензиялар бекор қилиниб, лицензиялар электрон шаклга ўтказилди. Уларни “ягона дарча” марказлар ёки ЕПИГУ орқали олиш имконияти яратилди.

Айни вақтда тиббий мутахассисликлар тури номенклатураси Вазирлар Маҳкамаси томонидан эмас, балки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Операция амалиёти билан шуғулланувчи врачларга нисбатан малака тоифаси талаблари ўрнатилган.

Нодавлат стационар тиббиёт муассасаларида операция бўлими ташкил қилинганда камида 1-малака тоифасига эга бўлиши керак.

Шунингдек, врач 7 йил операцион врач стажига эга бўлиши, ўзининг тиббий мутахассислиги бўйича чет эллик мутахассисни жалб қилган ёки чет элнинг кўзга кўринган тиббий марказлар ёки клиникалар операцион врачнинг зарур амалий кўникмаларга эга эканлигини тасдиқловчи тавсифномаси бўлиши керак.

Стериализацияга бўлган талаблар конкретлаштирилди. Терапия соҳаси мутахассисликлари ва диагностика бўйича стерилизация ишлар тўғрисида шартнома тузиш ёки стерилизация бўлимлари тузишга рухсат берилади. Хирургия соҳаси мутахассисликлари, шу жумладан, стоматология бўйича тиббий фаолият олиб борилганда стерилизация бўлими барпо қилинади. Ҳисоботлар рўйхатида статистик маълумотларни жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш илмий тадқиқот институти филиалларига тақдим этиш кўрсатилган.

Лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган профилактика услублар билан бир қаторда, диагностика ва даволаш стандартлари билан бир қаторда уларнинг Халқаро тиббий амалиётда синовдан ўтган хилларини қўллашга рухсат берилган. Бунда барча лаборатория реагентларини қўллашга Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат бериши зарур.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш бадали 1 минимал ойлик иш ҳақидан 2 минималгача ошган. Аммо, давлат божи 10 минимал ойлик иш ҳақи миқдоридан, 5 минималгача камайтирилган.

Аризаларни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 20 кунгача қисқартирилган. Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги нодавлат тиббиёт муассасалалиги лицензиялаш бошқармаси экспертига ариза берган муассасанинг зарур талабларга жавоб бериш-бермаслигини жойига чиқиб аниқлаш учун бир ҳафтадан муҳлат берилган.

Соғлиқни сақлаш органлари лицензияларнинг талабларини бажариш ҳолатини режали ва қисқа муддатли текшириш ўтказишга ҳақли. Лекин, бунда албатта Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг қарори бўлиши шарт. Аввал бундай келишув талаб қилинмас эди.

### **Самарқандда халқ табобати соҳасининг шаклланиши**

Самарқанд тиббиёти бой тарихга эга. Унинг келиб чиқиши жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Археологик қазишмалар ва тадқиқотлар натижалари Самарқанд ҳудудида тиббиётнинг пайдо бўлиши инсониятнинг илк даврларига бориб қадалишини тасдиқлайди.. Энг содда тиббий муолажалар тош асрида яшаган одамбашара мавжудодлар томонидан ишлаб чиқилган. Айнан шу замонда Самарқанднинг келажак тиббиётига асос қўйила бошланган.

Тарихий маълумотларга кўра Самарқанд ҳудудида тиббиёт инсон фаолиятининг соҳаси сифатида ибтидоий жамиятнинг охири ва қулдорлик жамиятининг бошларида шаклланган. Бу вақтда келиб одамлар айрим врачлик ўқувларини ишлаб чиққанлар. Улар шикастланишлар, қон оқишини тўхтатиш, яраларни боғлаш, чақалоқлар киндигини кесиш ва боғлаш, йирингли яраларни очиш каби муолижаларни моҳирлик билан бажарганлар.

Айрим хасталикларни даволашда шифобахш ўсимликлар, юмшатувчи, қотирувчи ва бошқаларни истемол қилишган. Шундай қилиб қадимий тиббиёт аста-секин ривожланиб келган.

Қадимий тиббиётнинг анчайин ривожланган даври ўрта асрларга тўғри келади. VIII-XII асрларга келиб Ўрта Осиёда хоразмшоҳлар, самонийлар ва қорахонийларнинг кучли давлатлари пайдо бўлган. Ушбу давлатларда илм-фан, адабиёт, санъат ва шу жумладан тиббиёт ҳам гуркираб ривожланган. Кўзга кўринган медик-олимлар Абу Али Ибн Сино, Шарофуддин ибн Абдулло Илоқий, Исмоил Журжоний, Махмуд ибн Умар Чағминий, Нажибуддин Самарқандий ва бошқалар айнан ана шу давр намояндалари ҳисобланади.

Уларнинг хизмати шундан иборатки, улар Ибн Синодан сўнг тиббиётни бойитдилар ва ривожлантирдилар.

Тиббиёт ривожи биринчи навбатда Абу Али Ибн Сино фаолияти билан боғлиқдир. Ҳақиқатда Абу Али Ибн Синони нафақат Ўрта Осиёнинг балки дунё тиббиётининг шаклланишида катта ҳиссаси бор. Бежиз Ғарб давлатларида Ибн Синонинг асарлари 500 йил давомида ягона ўқув қўлланмаси сифатида талабаларга ўқитиб келингани йўқ.

Абдулло Илоқий Абу Али Ибн Синонинг замондоши эди. Айрим тарихий маълумотларга кўра улар Урганч шаҳрида бирга ишлашган. Касалларни даволашдан ташқари, улар касалликларнинг ривожланишини кузатганлар ҳамда олинган маълумотлар умумлаштирилган ва тиббий асарларда жамланган.

Исмоил Журжоний Ибн Сино ишининг иқтидорли давомчиларидан бири эди. Тиббиётга бағишлаб жуда кўп асарлар ёзган. Улардан энг машҳури “Хоразмшоҳлар хазинаси” бўлиб унда муаллиф Ибн Синодан кейинги давр тиббиёти ютуқларини тўплаган ва умумлаштирган.

Умар Чағминий ҳамма томонлама ўқимишли олим бўлган. Жуда кўп фанлар билан шуғулланган, шу жумладан тиббиётга ҳам алоҳида эътибор билан қараган. У тиббиёт соҳасидаги ўзининг тажриба ва билимларини қисқача “Қонунча” асарида баён қилган. Асар 130 бетдан иборат бўлиб ўша замон илмий ва амалий тиббиётининг энг зарур масалаларини қамраб олган.

Ибн Сионинг яна бир замондоши Нажибуддин Самарқандий бўлиб асли Самарқандлик бўлган. Урганч ва Маврда яшаган ва ишлаган. У тиббиётга оид бир неча асар ёзган. Улар ичида энг кўзга кўрингани “ас-Асбоб ва-л аломат” (“Касалликлар сабаблари ва аломатлари”) ва “Аъзият ал-марзо” (“Касаллар истеъмол қиладиган овқатлар”) номли китоблари ҳисобланади.

Биринчи асари махсус касалликларнинг ташхислашга бағишланган бўлса, иккинчисида ҳар бир касаллик учун таом истеъмол қилиш ва қайсиларидан эҳтиёт бўлиш лозимлигини ёзади. Шунингдек, бу китобда овқатларнинг даволовчи хусусиятлари ҳақида ҳам гапиради.

Шундай қилиб Ўрта Осиёда шу жумладан Самарқандда ривожланган ўрта асрда илмий ва амалий тиббиёти шаклланган.

XI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда Самарқанд заминида фаолият кўрсатган айрим табибларнинг фаолияти, тиббиётнинг ривожига кўшган ҳиссалари тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз.

XI асрда Қорахонийлар сулоласи ҳокимият бошқаруви даврида шифохоналарнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида ўша пайтларда Самарқанд ҳукмдори Тамғач Буграҳон имзоси кўйилган иккита вакуф ёрлиқлари буни тасдиқлайди. Француз шарқшунослари К.Коэн ва М.Хадралар томонидан Парижда

чиқарилган журнал (1967й) нинг арабча матнида бу ҳақда ахборот берилган. Мазкур ҳужжатларнинг бирида Самарқанд шаҳрида шифохона очиш ҳақида ҳукм чиқарилгани, унинг фаолияти учун молиявий маблағлар ажратилгани ёзилган бўлса, иккинчисида эса мадраса фаолияти ҳақида ёзилган. Ҳар иккала ҳужжат Самарқанд шаҳрининг бош қозиси Абу Наср Мансур томонидан 1066 йилда тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга кўра, шифохонани молиялаштириш учун Иброҳим Тамгочхон 5 та карвон саройни, 2 та ҳаммомни беркитиб қўйган.

Самарқанд шаҳрида шифохонанинг очилиши тасодифий ҳол бўлиб қолмасдан, бу ерда тиб илмининг ривожланганлиги Нажибуддин Самарқандий каби машҳур табибларнинг фаолият кўрсатганлиги билан боғлангандир. Қорахонийлар сулоласидан бўлган Иброҳим Тамгочхон прогрессив дунёқарашга эга бўлган ҳукмдор бўлиб, йигирма икки йил 1046-1068 Самарқандни бошқарган. Мазкур вакуф ҳужжатида тасдиқланган шифохонанинг аниқ жойи бизга маълум бўлмасада, ўша пайтлардаги шаҳар тизимидан келиб чиқиб, уни ҳозирги Сўзангарон кўчаси атрофида бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Мадрасанинг бой кутубхонасида тиббиётга доир кўп адабиётлар сақланган. Шифохона қошида "кичик шифохона" (нимак бемористон) ёки амбулатория ҳам бўлган. Шифохона низомида шифохонада фақат беморлар эмас, балки қаровчисини йўқотганлар, кексалар ҳам паноҳ топиши мумкинлиги қайд этиб қўйилган.

Хоннинг топшириғига кўра, шифохонанинг харажатлари учун Самарқанддаги катта жоме масжидига тушган маблағлардан 13% ажратиб берилган.

Қорахонийлар сулоласидан Тамгочхон фармони билан 1066 йилда Самарқандда шифохона билан бирга тиббиётни ўрганиш муассасаси, тиббий билим маскани қурилганлиги ҳам тарихий манбалардан маълум. Ушбу тиббий масканга ўз замонасининг машҳур табиби Муҳаммад ибн Абдулмалик ас-Сафар раҳбар этиб

тайинланган. Мазкур тиббиёт маскани низомида бу ерда фақат беморлар эмас, балки кексайиб, қаровга муҳтож бўлган одамлар, мажруҳлар ҳам паноҳ топиши ёзиб қўйилган.

Шифохонага ажратилган маблағлар харажат бандларига ажратиб қўйилган бўлиб, улардан 10% табибларга маош, 3% ошпазларга, 5% ҳовли соҳибларига, 3% имом ва мугдунларга, 2% қон олувчиларга, 15% овқатга, 3% туз, пиёз ва бошқа таъм берувчи нарсаларга, 15% бинони жиҳозлаш ва таъмирлашга, 5% ўтинга, 2% идиш-товоққа, 3% гўрковларга берилиши белгилаб қўйилган эди. Маълум миқдордаги маблағлар эса дориларга, беморларнинг кийим-кечакларига мўлжалланган.

Республикамизнинг таниқли тиббиёт тарихчиси профессор А.А.Қодировнинг (1994й) маълумотларига кўра, келиб чиқиши самарқандлик бўлган Бахриддин Мухаммад ал-Калонисий (асосий асари "Мураккаб дорилар ҳақида китоб"), Нажибуддин Самарқандий каби машҳур олимлар Самарқанд тиббиёти тарихида чуқур из қолдиришган. Жумладан, Нажибуддин ас-Самарқандий тиббиёт соҳасига оид жами 8 та китоб ёзиб қолдирган.

XI-XII асрда фаолият кўрсатган Низомий Арузий ас-Самарқандий файласуф, шоир ва олим бўлибгина қолмасдан, тиббиёт соҳасини ҳам мукаммал ўрганган ҳамда Нодир тўплам ёки "Чохор мақола" деб номланган мақолалар тўпламини ёзиб қолдирган. Ушбу тўпламнинг тўртинчи мақоласи тиббиёт соҳасига бағишланган бўлиб, унда "Тиббиёт-шундай санъатки, унинг ёрдамида инсон саломатлиги муҳофаза қилинади, йўқотилган бўлса қайта тикланади" деб ёзган эди. Арузий Самарқандий икки, уч ва тўрт кунлик иситмаларни фарқлаган, уларнинг белгиларини тавсифлаган.

Самарқанд шаҳри ҳудудида ўтказилган археологик қазишмалар пайтида шаҳарнинг Сўзангарон кўчаси доирасида қадимги шифохона ва мадрасанинг қолдиқлари топилган бўлиб, бу ўша даврда Самарқанд ҳокими бўлган Иброҳим ибн Носир

Томгачхоннинг фармони билан 1066 йилда қурилган шифохонанинг қолдиқлари эканлигини тасдиқлайди.

Қадимги Афросиёб ҳудудида сув қувурлари канализация тармоқлари ҳаммом ва бошқа шаҳарнинг ободонлаштирилганлик аломатлари аниқланган. Қувурлар ҳаммомларга тортилган бўлиб, уларни сув билан таъминлаган.

Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий (X-XI-асрлар) тарихда Ибн Синонинг уйида унга дарс берган уй ўқитувчиси сифатида машҳурдир. Ибн Синога мантиқ, геометрия, астрономия ва фалсафадан дарс берган устоз ва биринчи бўлиб Ибн Синонинг истеъдодини ҳамда илм ўрганишга бўлган кучли қобилиятини пайқаган, шунингдек, отасига ўғлини илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмаслигини айтган олимдир.

Бадруддин Ибн Муҳаммад Ас-Самарқандий (XI-аср) тўлиқ исми Бадруддин ибн Муҳаммад ибн Баҳром ал-Калонисий ас-Самарқандий бўлиб, у ўзининг ёзиб қолдирган "Карободин ал-Калонисий" ("Калонисий мураккаб дорилари") номли китоби билан машҳурдир. Араб тилида ёзилган бу асарнинг 124 варақдан иборат бир нусхаси ЎзР ФА ШИ да (анжом раками 3325) сакланмокда.

Бадруддин Самарқандийнинг бу асари муқаддима ва 49 бобдан иборат бўлиб, унда нафақат ҳар хил мураккаб дорилар (хаб дорилар, мой дорилар, шамчалар, қайнатмалар ва ҳоказо) тавсия қилинган, балки баъзи бир тиббий даволаш тадбирлари ва асбоблари (хукна килиш, босим остидаги суюқ дори билан ювиш) баён этилган. Муаллиф даволаш мақсадида шунингдек, маъдан моддалар ва уларнинг хосилаларидан фойдаланган. Масалан, металлларнинг оксидларидан. Китоб сўнгида дориларга хос оғирлик ўлчовлари келтирилган. Ўша даврларда Самарқанд табиблари, жумладан, Бадруддин ибн Муҳаммад (XII аср) ас-Самарқандий ҳам ўз замонасининг буюк табиби Абу Али Ибн Сино томонидан ўзининг табиблик фаолиятида турли доривор



моддаларни тайёрлашда ишлатиладиган идишлар ва муолажа асбобларини ишлатганлар.

Али Қушчи (1404-1474 йиллар) бу машхур астроном олимнинг тўлиқ исми Алоуддин Абу-ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи бўлган. Али Қушчи 1404 йили Самарқандда туғилган. Унинг Улуғбек (1447-1449) саройида ҳалол хизмат қилиши, илм-фанга бўлган ихлоси Улуғбекда Алига нисбатан муҳаббат уйғотди. Бу муҳаббат шу даражада кучли бўлган эдики, Улуғбек Алини "ўғлим" деб атар ва унинг илм олишида ва олим бўлиб камолотга етишида оталик вазифасини ўтаган эди.

Али Қушчи Улуғбек мадрасасида толиби илмлик давридаёқ диний илмлардан дунёвий фанларнинг афзал эканлигини тушунди. Шу сабабдан у буюк ўзбек олимлари Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби илм осмонининг юлдузлари яратган асарларни, астрономия, математика ва табобатга оид китобларни кунт билан ўқиди, ўрганди. У Самарқанд мадрасасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Улуғбек, Муҳаммад Хавофий сингари машхур олимлардан дарс олди.

Али Қушчи табиб ҳам эди ва табобатга оид "ал-Мўъжаз фи-т-тибб" ("Табобатнинг қиска баёни") номли асар ёзган.

Мирзо Улуғбек яшаган даврда Самарқандга хорижий Шарқ мамлакатларидан бир қанча олимлар келиб, маҳаллий ҳамкасб дўстлари билан ҳамкорлик қилганлар. Табобат илмининг шундай намояндаларидан бири Бурхонуддин Нафис ибн Аваз Ҳаким ал-Кирмоний эди.

Фан ва маданият ҳомийси бўлган Улуғбек Эроннинг Кирмон шаҳридан бўлган Бурхонуддин Кирмонийни Самарқандга хизматга чақиртиради. Табиб оиласидан етишиб чиққан Бурхонуддин Самарқандда ҳам табиблик касбини давом эттиради. У касалларни бевосита даволаш билан бир қаторда ўзи ҳам Ибн Сино ва Нажибуддин Самарқандий сингари табибларнинг ёзиб ҳолдирган асарларини ўқийди, ўрганади

ҳамда ўз билимини шу китобларни мутолаа қилиш билан бойитади.

Маълумки, бобомиз Амур Темур Самарқанд шаҳрининг доврўғини дунёга тарқатиш мақсадида илм-фан соҳиблари, машҳур олимлар, ҳунармандларни Самарқанд шаҳрига олиб келиб, уларнинг ижод қилишига шароит яратиб берган. Жумладан, у ўзининг "Тузуклари"да "Мен олимлар ва табиблар билан яқин алоқа ўрнатар эдим. Табиблардан мен кўплаб ярадорларни ва беморларни даволадим" деб ёзиб қолдирган.

Ана шундай Самарқандга таклиф этилган табиблар қаторида Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Илёс табиб ҳам бўлиб, унинг тиббиётга доир учта асари "Инсон танаси тузилиши ҳақида рисола", "Тўла Мансур тўплами" ва "Ғиёсия" китоблари бизгача етиб келган.

XVI-XVII асрларда Самарқандда йирик олимлар: Мирам Чалабий (Али Қушчининг шогирди), табиб-жарроҳ, шоир ва созанда Боги жарроҳ Самарқандий, олим, табиб, шоир ва файласуф Ошиқ Мавлоно Абдулхайр Самарқандий (XVI аср), табиб ва шоир Давоий Самарқандий (XVI-XVII асрлар) яшаб фаолият кўрсатганлар. Олим ва табиб Султон Али Самарқандда 1526 йилда "Дастур ал-илож" ("Табиблик иши учун кўлланма") асарини ёзади. Муҳаммад ибн Хусайн Мирокий Самарқандий 1541 йилда тиббий-фармокология рисоласини кўчириб, унга нафис бўёқлар билан доривор ўсимликлар ва дорилар тайёрланадиган ва сақланадиган идишларни акс эттирувчи расмлар чизган.

Мирзо Улуғбек замонасида илмнинг бошқа турлари билан бир қаторда тиббиётга ҳам жиддий эътибор берилган. В.В.Бартольднинг ёзишича Улуғбек тиббиётга қизиқиш билан қараган. Олим ва табибларнинг асарларини жумладан, Ибн Синонинг "Тиб конунлари"ни диққат билан ўрганган ва К.Н.Новоселованинг маълумотига кўра тиббиёт соҳасига оид кичикроқ бир рисола ҳам ёзган. Шунингдек, Улуғбек Муиддин

Жувайнийнинг "Нигористон" номли ахлоқ ва табобат масалаларига бағишланган асарини ўрганган. Ушбу китоб 1431 йилда ёзилиб, Улуғбекка муаллиф томонидан совға қилинган. Улуғбек ҳукумдорлиги пайтида бошқа қурилишлар қаторида шифохоналар ҳам қурилган бўлиб, ўз даврининг машҳур табиби кирмонлик олим Бурхониддин Нафис ибн Аваз ҳаким Кирмонийни шундай шифохоналарнинг бирига ишга таклиф этган ва ўзига сарой табиби қилиб тайинлаган. Бурхониддин Нафис Улуғбек мадрасасида тиббиёт соҳасидан маъруза ўқиган. Нафис томонидан ёзилган бир неча китоблардан биронтаси ҳам бизгача етиб келмаган. Фақат биргина Самарқандлик машҳур табиб Нажибуддин Самарқандийнинг "Касалликнинг сабаблари ва белгилари" номли китобига шарҳ "Касалликларнинг сабабларига шарҳлар" номли китоби бизгача етиб келган. Мазкур китоб ҳам Улуғбекка совға қилинган.

Улуғбек замонида Самарқандда яна бир машҳур жарроҳ Тожиддин Ҳаким ҳам яшаб фаолият кўрсатган. У беморларни операция қилган. Жумладан, катарактани олиб ташлашда, турли хил хирургик асбобларни – қайчилар, пичоқлар, сиртмоқлар, игналар, кумуш симлар ва шу кабиларни қўллаган. Тожиддин Ҳаким ускуналарни оловда (шам алангасида) зарарсизлантирган бўлса, жарроҳнинг қўлини майдаланган пиёз сувига ювиш билан зарарсизлантирган. Дарҳақиқат, Тожиддин Ҳакимни антисептиканинг асосчиси деб бемалол айтишимизга асос бор.

Навоий яшаган асрдаги табобатни ҳам ўзидан олдинги табобатлардан ажратиб бўлмаганидек, Навоий асри, яъни XV аср ҳамда XVI аср бошларидаги табобатнинг ривожланишини ҳам ёлғиз ҳолда, бир-биридан ажратиб қараб бўлмайди. Мазкур асрдаги Мовароуннаҳр (Самарқанд ва Бухоро), Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон табиблари ўзаро мустаҳкам алоқада эди. Бу даврдаги табиблар бир-бирларининг ёзган асарларидан бохабар бўлганлар.

Навоий асрида яшаган табиблардан бири XIV ва XV асрларда яшаган Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Фақиҳ Илөсдир. Илмий манбалардаги маълумотларга кўра, у табобатга бағишлаб учта асар ёзган:

"Рисола дар ташрих-и бадан-и инсон" ("Одам анатомияси ҳақида рисола"). Бу асар Амир Темурнинг невараси Пир Муҳаммад Баҳодирга (808/1405 йилда ўлдирилган) бағишланган бўлиб, "Ташрих-и Мансурий", "Ташрих бит-тасвир" номлари билан ҳам маълум.

Китоб муқаддимасида одам танасининг турли аъзоларига тавсиф берилган. Асосий қисм тўрт бобга бўлинган бўлиб, суяк, асаб, мускуллар ва қон томирига бағишланган. Хотима қисмида мураккаб аъзолар ҳақида гапирилган.

Мансур ибн Муҳаммаднинг иккинчи китоби "Кифоя-и Мансурий" ёки "Кифоя-и Мужоҳидийа" ("Мужоҳид учун тўлиқ китоб") деб табибнинг устози бўлмиш Мужоҳиддин номи билан аталган. Бу асар султон Зайн ал-Обидин Кашмирий (823/1420-875/1470) га бағишланган бўлиб, 1423 йилда ёзиб тугатилган. Унда муаллиф одам танасининг соғлом ҳолати ва унинг сабаблари, касал бўлиш сабаблари, соғлиқни сақлаш, турли аъзолар касаллиги ва уларни даволаш, оддий ва мураккаб дорилар ҳақида маълумот берган.

Самарқандда шайбонийлар саройида хизматда бўлган табиблардан яна бири Мулла Муҳаммад Юсуф қаҳқолдир. У Абдуллатифхоннинг (947/1540-959/1551й) шахсий табиби бўлиб, унга атаб "Таҳқиқ ул-ҳуммаёт" ("Иситмалар таҳқиқи") номли икки қисмдан иборат асар ёзди. Абдуллатифхоннинг ўлимидан сўнг Муҳаммад Юсуф ўзининг "Рисола дар таҳқиқ-и набз ва тафсира" ("Томир ва пешоб ҳақида рисола") сини ёзди ва уни Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори Султон Саъидхонга (975/1567-980/1572) бағишлади. Асар икки қисмга: "мақсад" ва "матлаб"га бўлинган бўлиб, аввалгисида томир уришнинг киши табиатига, йил фаслларига, касаллик турига қараб ўзгариши,

"матлаб"да эса касалликни пешобга қараб аниқлаш ҳақида гапирилган.

Мазкур икки асарни ёзишда табиб ўз устози бўлмиш мавлоно Миркалон номи билан танилган Имодуддин Масъуднинг кўрсатма ва маслаҳатларидан фойдаланганини китобларида таъкидлаб ўтган.

Муҳаммад Юсуф ал-Қаҳҳол турли кўз касалликларини яхши даволаган (исмига берилган "қаҳҳол" нисбати ҳам шундан) ва шу мавзуда "Зубдат ул-қаҳҳолин" номли китоб ёзган. Бу асарда ташқи белгиларидан аниқланиши мумкин бўлган кўз касалликларини ва уларнинг иложи баён қилинган. ЎзССЖ ФА ШИ да шу асарнинг 2275/VIII ва 11153/XII рақамли нусхалари бор.

Моҳир табиблар фақат пойтахт Самарқандда эмас, балки Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларида ҳам касалларни даволаганлар, амалий тажрибалари натижасини тиббий асарларда умумлаштирганлар.

Шундай табиблардан бири тошкентлик Шоҳ Али ибн Сулаймон ал-қаҳҳол 905/1499-1500 йилларда "Зубда-и манзума дар фанни қаҳҳолий" ("Қаҳҳолий санъатига бағишланган шеърий рисола") ни ёзди. Асар маснавий услубида битилган бўлиб, унда кўз тузилиши, кўз касалликларини даволаш, кўз учун мураккаб дорилар тайёрлаш ҳақида маълумот берилган.

1540 йилга келиб, мазкур муаллиф шу вақтда Тошкентга ҳокимлик қилиб турган Наврўз Аҳмад Баҳодирхон учун бағдодлик қаҳҳол Али ибн Исанинг (X асрда яшаган) "Китоб тазкират ул-қаҳҳолин" (Қаҳҳоллар учун эсдалик китоб") асарини арабчадан форс тилига таржима қилиб, уни яна ўтмишнинг бошқа машҳур табиблари асарларидан олинган маълумотлар билан тўлдирди. Китоб муқаддима ва тўрт мақолага бўлинган бўлиб, уларда ҳам кўз тузилиши, кўзнинг ташқи ва ички касалликлари, уларга ишлатиладиган оддий ва мураккаб дорилар келтирилган.

Яна бир кўз табиби Убайдуллоҳ ибн Юсуф Али қаҳҳол Тошкент ҳокими Муҳаммад Дарвеш Баҳодирхонга атаб 970/1562-975/1567 йиллар оралиғида "Шифо ул-алил" ("Касалликлар шифоси") номли катта асар ёзди. Бу асар икки китобдан иборат бўлиб, биринчиси ўша давр табобатида анъанавий бўлган "бошдан то товонгача" бўлган аъзолар касаллигига, уларнинг муолажасига, иккинчиси эса мураккаб дориларни тайёрлаш ва ишлатишга бағишланган. Китобни ёзишда муаллиф Абу Бакр ар-Розий, Ибн Сино, Исмоил Журжоний, Нажибуддин Самарқандий асарларидан ҳамда ўзининг отаси, акалари ва устозлари тажрибаларидан фойдаланган.

1570 йилда ҳаттот Араб Муҳаммад ал-Бухорий "Зиёи уйун" ("Кўзларнинг нури") номли тиббий рисола кўчирган. Бу асар номаълум муаллиф томонидан кўчирилган йили ёзилган.

"Зиёи уйун" тўрт боб ва катта хотимадан иборат бўлиб, у ҳам кўз касалликлари ва уларнинг муолажасига бағишланган. Кўп ерларда Ибн Сино "Қонун"ига ишоралар бор. Хотима қисми луғат тарзида тузилиб, унда кўз касалликларида ишлатиладиган дорилар алифбо тартибда жойлаштирилган.

Ҳиротда Доруш-шифонинг очилиши ва бу ерда ўша давр моҳир табибларининг тўпланиши кўшни ерлардаги, жумладан, Эрондаги табибларни ҳам жалб этди.

Ҳусайн Бойқаронинг хизматида бўлган Эроннинг кўзга кўринган табибларидан бири кирмонлик Неъматуллоҳ ибн Фахриддин Муборакшоҳ Ҳаким Кирмонийдир.

Ҳаким Кирмоний билим доираси кенг табиб, файласуф ва шоир эди. Унинг ҳақиқий таҳаллуси билан ёзган шеърлари кўлёма китобларда учраб туради. Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтирган пайтда бир неча муддат унинг хизматида бўлган ва 1477 йилда вафот қилган. Ҳиндистонлик Ҳусайнкулихон ибн Ого Алихон ўзининг "Наштари ишқ" номли тазқирасида Ҳаким Кирмонийни шеърятда буюк шоир, табобатда эса, иккинчи Ибн Синодир, деб ёзади.

Ҳаким Кирмоний 1463-64 йилда бизга номаълум бўлган улуғ бир кишининг таклифи билан "Бахр ул-хавосс" ("Хосиятлар денгизи") номли асар ёзган. У асарни яратиш давомида Шарқнинг улуғ табиблари ёзган асарларни ўқиб, текшириб, солиштириб чиқади. Сўнг ўзи топган янгиликларни баён қилади. У бирор ўсимлик ҳақида гапираркан, ўзидан олдинги табибларнинг фикрини баён қилади. Сўнг ўз фикрини айтиб, уларнинг фикрига қўшилганини ёки рад қилганини ёхуд ҳали уларга маълум бўлмаган бошқа хоссаларини топганлигини ёзади. "Бахр ул-хавосс"ни варақлар эканмиз, унинг саҳифаларида Гандий, Абу Бакр Розий, ал-Хосиб, Мосаржавайх, Исҳоқ ибн Ҳусайн, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рўшд, юнон олимларидан Жолинус, Сукрот, Арасту, Арабиёсис, Балинус ва Байгурис номларини кўрамиз.

XVI аср шарқ табобатига катта ҳисса қўшган табиблар қаторига Имодуддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозийни (921/1515-1000/1592й) ҳам қўйиш мумкин. У Эронда шоҳ Тахмаси (930/1524-984/1576) ва шоҳ Исмоил Сафавий (984/1576-985/1578й) лар хизматида бўлган. Ўз даврининг таниқли табибларидан бўлгани учун унинг кўлида Ҳиндистон ва Эроннинг йирик табиблари, жумладан Деҳлидаги Шарифий табиблар оиласига мансуб бўлган Ҳожи Хованд Маҳмуд, Шоҳ Акбарнинг (963/1556-1014/1605й) машҳур табиби Абул Фатх Гилонийлар (997/1588 йили вафот қилган) тахсил кўрган. Ҳозирги кунда Имодуддиннинг илмий аҳамиятга молик бўлган 20 га яқин асари маълум бўлиб, улар Ҳиндистоннинг турли кутубхоналаридан жой олган. Қуйида шулардан баъзиларининг номларини келтириб ўтамиз.

Султон Али Хуросоний XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи яримларида Ўрта Осиё ва Хуросон шаҳарларида, айниқса, Самарқандда узоқ муддат яшаб ижод этган истеъдодли табиблардан бири эди. 40 йилдан ортиқроқ табобат илми билан шуғулланган Султон Али кўлга киритган

тиббий тажрибалари асосида иккита асар ёзган ва ҳар иккаласи ҳам бизгача етиб келган. Улардан бири "Дастур ал-илож" ("Қасалликларни даволаш бўйича қўлланма") номли китобини 1526-1527 йилларда шайбонийлардан Самарқанд ҳокими Абу Мансур Кўчқинчихон (1510-1530) саройида ёзган ва асар тугагач, Кўчқинчихонга тақдим этган. Асар қасалликлар ҳақидаги умумий таълимот ва қасалликларни дори билан даволашга бағишланган. Бу тиббий китоб икки мақола (қисм)дан иборат бўлиб, ҳар қайси мақола бир неча фасл ва навларга бўлинади. Асарнинг 24 фаслдан иборат биринчи мақоласи одам барча аъзоларининг турли хил қасалликларини тuzатишга бағишланган. Иккинчиси саккиз фаслдан иборат бўлиб, иситмалар, яралар ва тери қасалликлари каби киши баданининг умумий қасалликларига бағишланган.

Султон Али ўзи ҳақида бу асарида шундай дейди: "Қирк йилдан буён Хуросон ва Мовароуннаҳрда халқ ўртасида тиб илми билан машҳур бўлиб келар эдим. Шу пайтларда подшоҳлар, амирлар, аскарлар ҳамда бошқа катта-кичик халқлардан кимки қасал бўлса мени чақиртирар эди. Мен ҳам уни кўлимдан келганича даволар эдим. Шу жумладан, Абу-л-Музаффар Маҳмудшоҳ Султон қасал бўлиб қолдилар. Мени Аҳси шаҳрига чақиртирдилар, бориб ул ҳазратни даволадим. Ул жаноб шифо топганларидан кейин тажрибаларингиз юзасидан бирорта китоб ёзсангиз, халқ фойдаланар эди, деб мендан илтимос қилдилар. Шундан кейин мана шу "Дастур ал-илож"ни 1526 йили Самарқандда "Кўчқунчихоннинг хизматларида бўлган чоғимда ул зотнинг номларига ёздим..."

Султон Али мазкур биринчи асарини ёзиб бўлганидан кейин, иккинчи асарини ёзишга киришади ва унга "Муқаддимаи дастур ал-илож" ("Қасалларни даволаш бўйича қўлланмага кириш") деб ном беради. Муаллиф бу асарини Абу Мансур Кўчқинчихон даврида ёзишга киришган бўлса ҳам, унинг ўғли Абу Саъид Баходирхон (1530-1533) даврида ёзиб тугатади ва



унга тақдим қилади. Бу асарни муаллиф томонидан 1526 йили ёзилган "Дастур ал-илож"га қўшимча деб қараш мумкин. Қўшимчада табобатнинг умумий масалалари соғлиқни сақлаш, бадан аъзоларининг соғ ва касал вақтидаги ҳоллари, қон томири ҳолати кабилар ўн олти бобда ёритилган.

Демак, Султон Али Самарқандда яшаб ижод этган табибгина бўлмай, Шарқ табобати тараққиётига ўзининг амалий фаолияти ва тиббий асарлари билан катта ҳисса қўшган олимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак XI-XV асрларда диний-мистик дунёқарашлар Ибн Сино тиббий меросидан хабардор машҳур табибларнинг ўткир зеҳни ва кузатувчанлигининг маҳсули сифатида Самарқанд тиббиёти шакллана бошлади ва Шарқ табобати амалиётига асос солинди. Тўпланган тажрибалар ва тиббиётга оид илмий фикрлар, рисоалар ва китоблар кўринишида ёзилиб мадрасалар кутубхоналарида сақлана бошлади. Бу даврда Самарқандда машҳур табиблар Абу Абдуллоҳ Ас-Нотилий Ас Самарқандий, Бадруддин Ибн Муҳаммад Ас Самарқандий, Нажибуддин Самарқандий ва бошқалар ижод қилганлар. Қорахонийлар даврида беморларни бошпанасиз қолганлар, ёлғизлар, етимлар ва кексалар билан бир жойга тўплаб даволаш ишлари йўлга қўйилди, яъни шифохоналар очилишига пойдевор қўйилди. Санитария-ободонлаштириш, сув чиқариш ишларига аҳамият берилган.

Темурийлар даврида Самарқандда ўрта давр тиббиёти жадал ривожланди. Бунга сабаб биринчидан, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан олимлар, меъморлар, шоирлар ва созандалар, шу жумладан, машҳур табиб ва ҳакимлар Самарқандга тўпланганлиги бўлса, иккинчидан соҳибқирон аскарларининг жангларда яраланиши туфайли тиббиёт амалиётига муҳтожлик ошган. Унинг устига Амир Темур, Улуғбек каби Самарқанд ҳукумдорларининг тиббиётга қизиқиши кучли бўлганлиги ҳам унинг ривожланишига туртки бўлган. Бу даврда, айниқса, Улуғбек ҳукумдорлиги йилларида тиббиётнинг барча

йўналишлари яхши ривожланди ва ушбу йўналишларди йирик асарлар яратилди. Бу давр тиббиёти ривожланишига Али Қушчи, Султон Али, Бурхониддин Нафис, Тожиддин Ҳаким каби кўплаб олим ва ҳакимлар катта ҳисса қўшдилар. Жарроҳ Тожиддин Ҳаким операция қилишда турли асбоблар ишлатган ва операциядан олдин асбобларни оловда зарарсизлантирган қўлини майдаланган пиёз сувига ювган. У ҳақли равишда ҳозирги замон антисептикасининг асосчисидир. Темурийлар авлодидан бўлган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро даврида Самарқандда тиббиёт амалиёти янада ривож топди. Машҳур табиблар асарлари чиқа бошлади. Мансур Ибн Муҳаммад одам анатомиясига бағишланган иккита китобида тананинг барча аъзолари, томирлари, тананинг соғлом ҳолати, касал бўлиш сабаблари, уларни даволаш, оддий ва мураккаб дорилар ҳақидаги қимматли маълумотларни жамлади. Бу даврнинг тарихий хусусиятларидан бири шуки, Самарқандлик табиблар дунёнинг улуғ табиб ва ҳакимлари билан ўзаро алоқада бўлиб ишлаганлар, ҳамда улар орқали Самарқанд тиббиётини дунёга танитганлар, Мадрасаларда тиббиёт илми ўқитилиб кадрлар тайёрланган.

XIX аср ўрталарида Марказий Осиё Республикалари ҳудудида Я.Т.Тожиев (1970 йил) келтирган маълумотларга кўра бирорта тиббий ходим ва даволаш муассасаси ёки дорихона бўлмаган. Ўлка аҳолиси ўртасида чечак, ўлат, вабо, сил, захм, безгак, цинга, трахома каби кўплаб хавфли юқумли касалликлар кенг тарқалган бўлиб, юз минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган. Туркистон ўлкасида айниқса, безгак, тери лейшманиози, ўткир ичак юқумли касалликлари, мохов, чечак, ришта, бўқоқ каби касалликлар кенг тарқалган. Бу даврда ўлкада гарчи илмий таъбабат яхши ривожланмаган бўлсада, ўша даврнинг табиблари томонидан тиббиётга оид бир неча асарлар ёзиб қолдирилганлиги бизга маълум. Масалан: Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асарининг қисқача мазмунини Умар Чағминий ўзининг "Қонунча" номли асари билан китобча чоп эттириб,

кейинчалик ўша давр табиблари учун асосий кўлланма сифатида фойдаланилган.

XIX аср охири XX аср биринчи ярмида Самарқандда таниқли табиб Атоулло табиб яшаб, фаолият юритган. Асл насаби афғонлик бўлган. XIX аср охирида номаълум сабабларга кўра Афғонистондан Самарқандга кўчиб ўтиб, шу ерда оила қуриб, умрининг сўнгигача яшаган. Гувохларнинг айтиши бўйича Атоулло табиб ўқимишли, маълумоти баланд инсон бўлган. У араб, форс, афғон тиллари билан бирга, аста-секинлик билан ўзбек, туркий, кейинчалик рус тилини ўрганиб, яхши сўзлаша олган. Беморлар сўрови пайтида анамнез йиғишда уларнинг тилида сўзлашган. Табиийки, бу касалликнинг клиник кўринишини таҳлил қилишга ёрдам берган, асосий жиҳатларини аниқлаш, бемор шикоятини деталлаштириш, танадаги иккинчи даражали ўзгаришларга аҳамият бериш, шунингдек оилавий аҳволи, овқатланиши, одатлари, оилавий удум ва ҳаёт тарзига эътиборни қаратарди. Ҳар бир клиник аломат (оғриқ, қусиш, мажбурий ҳолат) деталлаштирилиб, бир неча категорияларга бўлиб, асосий ва иккинчи даражалигига ажратар эди.

Касалликнинг аниқ ҳолатларида у бирдан кўрик ва врачлик манипуляцияларига ўтар эди, мураккаб ва ноаниқ ҳолатларда эса беморни узок суриштириб, шикоятларни таққослаб, кейинчалик бемор кўригига ўтар эди. Шу тариқа, даволашга киришишдан олдин анамнезга, бемор сўровига, шикоятнинг асосий жиҳатларига ва касалликнинг дастлабки оғриқли кечишига катта эътибор берарди.

Анамнезни йиққач, Атоулло табиб беморни ечинтириб, оёғидан бошигача тўлиқ назоратдан ўтказарди. Бунда у нафақат оғриқ бор аъзони, балки бошқа тарафларни, касалликнинг бошқа аломатларини эътибордан қолдирмасликка ҳаракат қиларди. У ўша учликдан-кўрик, пайпаслаш ва бармоқ билан уриб кўриш, эшитиб кўриш (пальпация, перкуссия, аускультация) дан фойдаланарди. Бу каби тартибли ва аста-секинлик билан

беморни кўриқдан ўтказиш эса касалликни аниқлаш ва тўғри ташхис кўйиш учун катта имконият яратиб берарди. Аввалги шифокорлар тажрибасига асосланган бу каби беморни дастлабки кўриқдан ўтказиш услуги тиббиёт институтларида ўргатилмоқда.

Ташхис кўйишда Атаулло табиб дастлабки кўриқ натижаларига, перкуссия (баданга бармоқ билан уриб кўриб эшитиш), аускультация (эшитиб кўриш) ҳамда организм ажратмаларига (сийдик, нажас, балғам) га эътибор қаратарди.

Адабиётларда қайд қилинишича у ажратмаларнинг ранги, қуюқ-суюқлиги, қовушқоқлигига аҳамият берарди. Натижада ўша шароитда ва даволашнинг бошида илк ташхисни кўйиш учун маълумотларга эга бўларди.

Даволашда у ўз кўллари билан тайёрланган дори-дармондан фойдаланарди. У фитотерапиянинг билимдони эди. Гиёҳларни териш усулларини, шифобахш ўсимликлардан қайнатма ва дамламалар тайёрлашни билар эди. Беморларни қабул қилиш учун икки хонадан иборат иморати мавжуд эди. У ерда стол, стул ва беморни кўриш учун каравот бор эди. Девор токчаларида кўпгина китоблар, турли тиббий кўлланмалар ва асбоблар мавжуд эди. Иккинчи хона кўпроқ лабораторияга ўхшаш бўлиб, у ерда турли дори-дармонлар ва қайнатмалар тайёрланар эди. Бу ерда ҳам кўплаб китоблар, гиёҳ идишлар, даволовчи воситаларни тайёрлашга қулайлик яратилганди. Шунга қараганда у ўсимликлар, дарахт меваларидан ҳамда ҳайвонлар моддаларидан доривор воситаларини тайёрлаш, кўллаш ва сақлашни яхши билган. Тарихий манбаларга кўра у Ҳинд табобатининг ўзига хос хусусиятларини яхши билган, Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" билан танишган. Ўрта аср шарқ табобатининг имкониятлари ва методларига асосланиб иш юритарди. Шунингдек, дорихоналардан дори олиш учун ёзиб берган рецептларга қараганда у лотин тили ва ёзувидан, қадимги юнон тиббиётидан хабардор бўлган. Беморларни доимий даволаш учун унда

алоҳида 5-6 кишига мўлжалланган хона мавжуд бўлган. Худди шу бинода у кичик жарроҳлик ишларини-йирингларни кесиш, ўқ яраларни даволаш (ўқ парчаларини ва бошқа майда жисмларни олиб ташлаш, боғламалар) ни олиб борадиган алоҳида хонаси бор эди. Маститни кесар, чиққан суякларни жойлаштирар, қўл-оёқ синиқларига шина (тахтакочлар) қўярди.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси Атоулло табибнинг обрў-эътиборини кўтарди ва унга нисбатан ишонч билан тиббий жиҳатдан мурожаат этувчи беморлар ва жароҳатланганлар сони кўпайди. Унинг кўригига мамлакатнинг бошқа шаҳарлари, туманларидан беморлар оқиб келарди ва барчаси табибдан ёрдам ва даво топганлар.

### **Халқ табобати соҳаси Мустақиллик йилларида (1991-2016 йй)**

Табобат инсоният билан бир даврда пайдо бўла бошлаган. Инсонлар ўз-ўзига, бир-бирига ёрдам бериши оқибатида аста-секин тиббий билимлар вужудга келиб, асрлар давомида ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган. Тиббий билимлар ривожланиши ҳозирги даврга келиб ўта ихтисослашиб, жуда майда бўлақларга бўлинди. Шунга қарамай, халқ табобати ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки, у асрлар оша янада ривожланиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда "Халқ табобати академияси"нинг ташкил этилиши Ўзбекистон истиқлоли тарихида муҳим воқеа бўлди. Зеро, қадимий Турон табобат дунёсига тамал тоши қуйганлиги тарихий манбалардан маълум. Бу муқаддас замин тупроғидаги ҳар бир гиёҳнинг япроғидан илдизигача турли дардларга шифо бўлиши азалдан исботланган. Доривор ичимликлар, малҳамлар табиий гиёҳлардан тайёрланганлиги боис халқимиз орасида етти иқлимга донғи кетган ўғлонлар дунёга келган. Буюк даҳо жаҳон табобатининг

ёрқин намоёндаси Абу Али Ибн Сино каби табибларнинг макони бу юрт.

Ўзбекистон Халқ табобати академияси дунё халқлари табобатидан инсон саломатлигини асрашда кенг фойдаланиш борасидаги жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббусини қўллаб-қувватлаб, халқ табобатини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш соҳасида жадал фаолият олиб бормоқда. Фаолият юритаётган табибларнинг аксарияти халқ табобати илмини яхши эгаллаган, малака ошириш ва тажриба алмашиш каби зарурий фаолиятлардан четда қолгани йўқ. Кўпгина ҳолларда фармацевтика, тиббиёт соҳасидаги олий маълумотли бўлган ва халқ табобати билан шуғулланаётган мутахассислар, жумладан, узоқ йиллар шифокорлик қилган ва айни вақтда халқ табобатини яхши эгаллаган мутахассислар фаолият юритиб келмоқда. Академия халқ табобати тарғиботини уюштираётган мутахассисларни тақдирлаш учун халқаро Абу Али Ибн Сино олтин медали жорий қилинган.

Шунингдек, академия ўз нашрига эга бўлиб илмий-тиббий, маърифий-қомусий журнал Шарқ табобати мунтазам чоп этиб келинмоқда. Халқ табобати академиясининг журналида Шарқ табобати муштарийларига мурожаат қилиб, ўзининг қуйидаги ибораларини баён қилган:

- Ҳаммани севинг, ҳаммага хизмат қилинг;
- Ўз миллатингиз содиғи бўлинг, лекин бошқа миллатларни танқид қилманг ва камситманг;
- Одамларнинг биродарлигини англанг ва бошқалар билан, ўз туғишганингиздек муносабатда бўлинг;
- Бошқа одамлар ҳақида ёмон гапирманг, айниқса улар йўғида;
- Ҳаётингизда “Истаклар чегараси” бўлсин, тўплаган маблағингизни савоб ишлар учун ишлатинг;
- Беминнат ёрдам билан шуғулланинг аммо гадоларга пул берманг. Уларга бошқа йўллар билан ёрдам беринг, ялқовликни

кулламанг;

- Ҳеч қачон пора берманг ва пора олманг, порахўрлик авж олишига йўл қўйманг;

- Ҳасад ва бахилликни жиловланг, ўз савия ва зийраклигингизни оширинг;

- Иложи борича ҳамма ишларингизни ўзингиз бажаринг, гарчи бой бўлиб хизматкорларингиз бўлса ҳам жамиятга шахсан ўзингиз хизмат қилинг;

- Яратганга ишқингизни муттасил оширинг, гуноҳлардан йироқ бўлинг;

- Ҳеч қачон давлат қонунларига қарши чиқманг, уларга сўзсиз риоя қилинг.

Самарқанд вилоят саломатлик институтининг ходими Р.У.Арзикулов 2005 йилда Соғлом турмуш тарзи номли 2 томлик китобини, Андижон Давлат тиббиёт институтининг профессори Азимжон Жўраев 2008 йилда Халқ табобати номли йирик китобини яратди. Хуллас, мустақиллик йилларида тиббиётнинг бошқа соҳалари сингари халқ табобати ривожига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

### **Халқ табобати соҳаси янги ислоҳотлар даврида**

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишга бўлган имкониятларини кенгайтирди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшиланишига олиб келди.

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига аҳолинини турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табобати йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги,

шунингдек, халқ табобатининг замонавий тиббиёт тизимида тутган мақоми ва роли хусусида қатор вазифаларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда, хусусан:

- халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратиш, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, халқ табобати усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- халқ табобати усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг миждозлар соғлиғига зарар етказганлик учун маъсулиятини белгилаш, шунингдек, халқ табобати вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилишни кафолатлаш;

- касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табобати буйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базасини яратиш.

Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сонли «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда қуйидагилар белгилаб қўйилган:



- Халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг кўшимча усули сифатида эътироф этилиши;

- Халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилиши;

- Халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланишлари;

- Тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табобати усулларида фойдаланинган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилиши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усулларида қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган ҳисобланади.

*Халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:*

- халқ табобати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарликни белгилаш;

- халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

- кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда

танлаш имкониятини яратиш учун халқ таъобатининг кўп йиллик кўникмалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютиқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

- халқ таъобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ таъобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

### **Янги ислохотлар даврида халқ таъобати соҳасини ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари**

#### ***Норматив базани такомиллаштириш***

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2014-2023 йиллардаги халқ таъобати соҳаси стратегиясида назарда тутилган, ушбу ташкилотнинг тавсиялари асосида, шунингдек, ушбу йўналишда ривожланган давлатлар (Хитой, Корея, АҚШ, Россия ва бошқалари) тажрибаси асосида тайёрланган ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган Ўзбекистон Республикаси халқ таъобатини ривожлантириш буйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, жумладан:

- маҳалла соғлиқни сақлаш тизимида халқ таъобатининг ролини ошириш;

- халқ таъобатини усулларини қўлланган ҳолда ҳизмат кўрсатувчи хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини қўллаб-қуватлаш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатор ва стационар муассасаларида халқ таъобати усулларини қўллаш билан касалликларни даволаш махсус бўлимлар ташкил этиш;

- халқ таъобати дори воситаларини сотиш билан шуғулланувчи дорихоналар тизимини ташкил этиш (ривожлантириш);

- халқ таъобати соҳасида кадрлар тайёрлаш;

- халқ таботини янада оммалаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар ишларни олиб бориш учун шароит яратиш;

- халқ таботидан кенг фойдаланиладиган хорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш.

2. Тиббий фаолиятни лицензиялаш учун назарда тутилган тартибда халқ таботи усулларини қўллаш билан кўрсатиладиган хизмат фаолиятини лицензиялаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сонли қарори билан тасдиқланган Тиббий фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3. Халқ таботи воситаларини реклама қилиш, шунингдек, халқ таботи усулларини қўллаш бўйича фаолиятни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига тахлилий маълумотнома киритиш.

5. Халқ таботи усулларини қўллаган ҳолда амалга ошириладиган хизматлар кўрсатувчи шахсларнинг фаолиятига баҳо бериш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

6. Ўзбекистон Республикасида халқ таботи соҳаси тартибга солиниши муносабати билан хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва касблар Классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

### **Халқ таботини ривожлантириш ва оммалаштиришнинг ташкилий чоралари**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ва бошқа идоралар, шу жумладан тиббий муассасалари ходимларини Хитой, Корея, Япония давлатларига халқ таботини ривожлантириш ва рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ҳамда дори воситалари билан таъминлаш бўйича тажрибасини чуқур

ўрганиш учун таништирув сафарини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш. Сафар харажатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси маблағлари, грантлар ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

2. Тошкент шаҳридаги чет эл экспертлари, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва бошқа тузилмалар вакиллари иштирокида “Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиқатини ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси халқ таъбиқатини ривожлантириш борасида Халқ таъбиқати фаолиятини тартибга солиш бўйича малакали табиблар, профессионал шифокорлар, халқ таъбиқати соҳасида изланишлар билан шуғулланувчи шахслар, ҳуқуқшунослар ва бошқа касб эгаларидан иборат бўлган Кенгашни ташкил этиш.

4. Халқ таъбиқати усуллари кўллаш билан хизмат кўрсатувчиларнинг хизматларини илгари суриш, улар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида Ўзбекистон Халқ таъбиқати ассоциацияси (жамият)ни ташкил этиш масаласини муҳокама қилиш.

5. Халқ таъбиқати усуллари кўллаш билан касалликларни даволаш учун тавсия қилинадиган (ишлатиладиган), аниқ номдаги ўсимликлар, уларни парвариш қилиш ва ўстириш жойи, ўсимликлардан фойдаланиш ва бошқа зарур маълумотларни ўзида жамлаган миллий ўсимлик турлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш.

6. Халқ таъбиқати усуллари кўллаш билан касалликларни даволаш учун тавсия қилинадиган табиий ва ўсимлик доривор воситалари, халқ таъбиқати воситалари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, уни

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтида жойлаштириш.

7. Халқ табобати усуллари қўллаш орқали касалликларни даволаш ва унинг тарғиботи буйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизими марказий телеканалларида доимий асосда ток-шоу (кўрсатувлар) ўтказишни ташкил этиш.

8. Ўзбекистон халқ табобатининг ноёб мероси ва бой тарихий анъаналарини ўрганишни акс эттирувчи электрон илмий изланишлар рўйхатини шакллантириш, шунингдек, ушбу рўйхатни изланишлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиш.

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барчанинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиёт илм-фанининг замонавий ютуқлари ва технологияларини жорий этиш, аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, турли хил, айниқса сурункали касалликлар профилактикасида ва уларни даволашда сифат, хавфсизлик ва самарадорлик жиҳатидан амалда синалган халқ табобати муҳим ўрин тутди.

Ўтган давр ичида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқ табиблари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳуқуқий база шакллантирилди, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси ташкил этилди, халқ табобатининг усуллари ва ютуқларини самарали ва хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи

навбатдаги шарт-шароитлар яратилди, уни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишлар таҳлили халқ табобати хизматларини кўрсатишни, унинг усуллари самарадорлигини баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш, халқ табобатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимига изчил интеграциялаш, ушбу йўналишда мутахассислар ва бошқа тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Халқ табобатининг касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усулларини замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фуқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4668-сонли қарори қабул қилинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Халқ табобати соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегия амалга оширилаяпти ва унинг мақсади қуйидагилардан иборат:

саломатлик, осойишталик, инсонларга қаратилган тиббий-санитар ёрдам кўрсатишни таъминлаш, тиббий-санитария хизматлари сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялпи қамраб олишни кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларга ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида онгли танлов учун имкониятлар яратишда халқ табобатининг салоҳиятидан фойдаланиш;

меъёрлар ва қоидаларни белгилаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда халқ табобати маҳсулотлари ва амалиётини

соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш, кадрлар малакасини ошириш, даволаш кўникмалари, хизматлари ва усулларини такомиллаштириш йўли билан халқ табобатини хавфсиз ва самарали қўллашга лозим даражада кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси, «Табобат» академияси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда халқ табобатини ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича «Йўл харитаси»ни тайёрлаш юклатилган.

Ушбу Концепцияни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони билан тасдиқланган ва ҳозирда амалга оширилаётган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқлиги;

аниқ механизмлар ва босқичларни кўрсатган ҳолда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқ табобати соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида назарда тутилган тавсиялар ва таклифларни амалда бажариш;

Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг халқ табобатини ривожлантириш борасидаги илғор институционал тажрибасини, шу жумладан жойига бориб кенг ўрганиш;

ўтказилган таҳлиллар ва тадқиқотлар асосида халқ табобати воситалари ва усулларининг сифати ҳамда хавфсизлигини тартибга солишнинг институционал

механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, унинг асосий йўналишларини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқ таъбири ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ таъбири илмий-амалий маркази;

тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ таъбирини ривожлантириш ҳудудий марказларини ташкил этиш топширилган.

Республика марказининг асосий вазифалари:

халқ таъбири усулларида, шу жумладан ўзбек халқ таъбирининг тарихий анъаналари ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

халқ таъбирининг асосий йўналишларини (фитотерапия, акупунктура, аюрведа, гомеопатия, йога, моксотерапия, натуропатия, остеопатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт, цигун ва бошқалар) ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашда ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш;

халқ таъбирини касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича, шу жумладан илмий-тадқиқот ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш орқали таклифлар тайёрлаш;

халқ таъбирида фойдаланиладиган ўсимликларни ўстириш ва ўсимлик кўринишида бўлмаган хомашё тайёрлашни, ушбу йўналишда лаборатория ва илмий тадқиқотлар ўтказишни



ташқил этиш, шунингдек, халқ табобатида энг кўп ишлатиладиган ўсимликлар ва хомашёни ўстиришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

халқ табобати бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни Худудий марказларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташқил этиш;

фуқаролар саломатлигини таъминлашда халқ табобатининг ролини ошириш борасидаги муаммоларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш юзасидан илмий-тадқиқот муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хорижий мамлакатларнинг халқ табобати вакили бўлган ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, мамлакатимизда халқ табобатини янада ривожлантириш масалалари бўйича биргаликда анжуманлар, форумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

Ушбу қарор Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг тузилмаси ва Халқ табобатини ривожлантириш марказлари ташқил қилинаётган тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари рўйхати тасдиқланган.

Республика маркази халқ табобати соҳасида бош муассаса, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси эса ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича клиник база ҳисобланади.

Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради ва унга ҳисобдор бўлади;

Республика марказига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Худудий марказлар Республика марказининг жойлардаги бўлинмалари ҳисобланади, Республика маркази уларга методик раҳбарлик қилади ва фаолиятини мувофиқлаштиради;

Худудий марказларда ўқитиш Вазирлик томонидан тасдиқланган, Республика маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси ва «Табобат» академияси томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича пуллик асосда амалга оширилади.

Худудий марказларда ўқитиш қийматининг миқдори Республика маркази томонидан белгиланади.

Худудий марказларга тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Вазирлик томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади.

Худудий марказларнинг битирувчиларига халқ табобати бўйича малака оширганлик тўғрисида расмий ҳужжат деб тан олинадиган белгиланган шаклдаги сертификат берилади.

Халқ табобати бўйича мутахассисларни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларга Вазирлик томонидан тасдиқланадиган шаклдаги халқ табобатининг тегишли йўналишларида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади.

Худудий марказларнинг директорлари Республика маркази директори томонидан лавозимга тайинланади.

Худудий марказларда ўқитувчилик фаолиятига тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари ҳамда Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, халқ табобати бўйича мутахассислар ва тиббиёт ходимлари жалб қилинади.

Худудий марказлар ходимларига тиббиёт олий таълим муассасаларида тегишли лавозимлар учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

талаб юқори бўлган доривор ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш ҳамда халқ таъбири соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тегишли тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари балансида турадиган ва Худудий марказларга доимий фойдаланиш учун бериладиган 1 гектаргача бўлган майдонга эга мини-плантациялар ташкил қилинади.

Худудий марказларда илғор илмий изланишлар ва тадқиқот ишлари олиб бориш учун замонавий лабораториялар ташкил этиш ҳамда уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Худудий марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан халқ таъбири бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари;

ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар);

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ва ушбу муассасалар тиббиёт ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 1 нафардан штат бирлигини ажратиш орқали уларни тўлдириш ва

худди шундай нодавлат тиббиёт ташкилотларида 2020 йил 1 майдан халқ табобати хоналарини очиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда ушбу банд талабларини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқиш қисми бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминлаши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган ҳамда маҳаллий табиий ва ўсимликлардан олинадиган халқ табобати дори воситалари рўйхати шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3968-сон қарорида халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Фанлар академияси билан биргаликда мазкур маълумотлар базасига халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган табиий ва ўсимликлардан олинадиган дорилар, халқ табобати воситалари, шунингдек, халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни киритиш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил этиш жараёнига хорижий давлатлардан, шу жумладан халқ таъбири энг яхши ривожланган Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция ва Россия давлатларидан халқ таъбири масалалари бўйича мутахассис ва экспертларни жалб қилишни таъминлаш;

уч ой муддатда халқ таъбири соҳасида истиқболга ва ривожланиш таърибасига эга бўлган мамлакатлар билан ушбу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан илмий-таълим лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича меморандум ва келишувларни имзоланинг мақсадга мувофиқлиги ва механизмлари тўғрисидаги таклиф тайёрлаш;

2020 йил якунига қадар республиканинг (ташкilotларнинг) халқ таъбири соҳасидаги халқаро профессионал ташкilotларга (Жаҳон акупунктура ва моксиотерапия ассоциациялари федерацияси, Жаҳон хиро-амалиёт федерацияси, Жаҳон гидротерапия ва климатотерапия федерацияси, Жаҳон хитой тиббиёти жамиятлари федерацияси ва бошқаларга) аъзо бўлиши масаласини кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритиш топширилган.

Шунингдек, Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкilotлар билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар Худудий марказлар кутубхоналарини Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий, Абу Мансур Қумрий, Исмоил Журжоний каби қомусий олимлар, файласуфлар, табиблар ва халқ таъбири соҳасидаги бошқа буюк аждодларнинг илмий меросини ўрганиш билан боғлиқ ишлар тўпламларининг нусхалари билан таъминлаш юклатилган.

Халқ таъбиати ривожлантириш марказлари ташкил қилинаётган тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларидан бири Самарқанд давлат тиббиёт институти қошида ташкил қилиш кўзда тутилган

**10 БОБ**

**Давлат санитария-эпидемиология  
назорати ислоҳотлар даврида**

## Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимида ислохотлар

Мустақиллик йилларида тиббиётнинг бошқа соҳалари қатори вилоят Давлат санитария-эпидемиология хизматига ҳам катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1992 йил 3 июлда “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Бу эса хизмат тизимини жойларда қонуний тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Санитария қонунлари бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги фармони чиқди. Бу муҳим ҳужжат аҳолининг соғлом турмуш тарзини юзага келтириш, ўз ҳудуди озодалигини сақлаш масъулиятини кучайтиришга хизмат қилди.

Ҳозирги кунда давлат санитария назоратини янада кучайтириш ва аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, жойларда фаолият юритаётган санитария назорати пунктлари томонидан



юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлари тизими бажарилаётир.

Болаларни юқумли касалликларга қарши бепул эмлаш бўйича миллий тақвим янги вакциналар билан бойитилаяпти.

Соҳага йўналтирилаётган Давлат бюджети маблағлари йилдан-йилга оширилмоқда. Ичимлик суви сифати ва очик сув ҳавзалари устидан мониторинг олиб бориш, бозорлар, овқатланиш шохобчалари, жамоат жойларида санитария ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, атроф муҳит мусаффолигини сақлаш чора-тадбирлари ҳам доимий эътиборда турибди.

Глобаллашув жараёни тобора чуқурлашаётган, тараққиёт кундан-кунга илгарилаётган ҳозирги даврда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш айна заруратдир.

Шу маънода, 2015 йил 26 августда кучга кирган ЎРҚ-393 сонли "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоятда долзарб ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди.

Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Санитария қоидалари, нормалар ва гигиена нормативлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан

ташқари фуқаролик институтларининг иштироки аниқ кўрсатилган.

Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилган.

Корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, кимёвий ва биологик моддаларни зарарсизлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, меҳнат шароитлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Вилоят ДСЭНМ ташкилий бўлими қошида соҳага оид барча Қонун, Фармон, Қарор, Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар учун йиғма ва электрон кутубхона ташкил қилинди. Бундай кутубхоналар эндиликда барча шаҳар ва туманлар ДСЭНМларида мавжуд. Бир сўз билан айтганда санитария хизмати Давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Марказнинг барча бинолари, лабораториялари тубдан таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Эндиликда бу ерда анализлар охирги тоифадаги полярограф, хромотограф ва мультискан ускуналари орқали амалга оширилаётир.

Энг муҳими, соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати билан кўплаб юқумли касалликларнинг олдини олиш ва камайтиришга эришилди. Масалан, 1993-1995 ва 1997-1998 йилларда Булунгур, Тайлоқ, Ургут, Самарқанд ва Каттакўрғон туманларида қорин тифи ва паратиф касалликлари хуружи кузатилди. Эпидемиологик ҳолат илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилгач, соҳа ходимлари бу жойларда дарҳол режали ишга киришдилар. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари

кўрилди. Юқорида номланган туманлар аҳолисининг хавфли гуруҳлари аниқланиб Франциядан олиб келинган вакцина билан эмланди. Натижада кейинги йилларда бу касалликнинг такрорланишига йўл қўйилмади.

## **Давлат санитария-эпидемиология назорати янги ислоҳотлар даврида**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда санитария-эпидемиологик осойишталикни сақлаш, яшаш муҳити хавфсизлигини ва инсон соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария-эпидемиология назорати хизмати тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳада малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, битта давлат органи доирасида бир вақтнинг ўзида давлат санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш функцияларининг ушбу соҳада рухсат бериш ва назорат функциялари билан бирга амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар юзага келишига олиб келди.

Ушбу фармон Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, унинг институционал салоҳиятини ошириш, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши соҳасида таъсирчан мониторинг ва назоратни йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қабул қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:**

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология нazorати хизмати ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси** ва унинг ҳудудий бўлинмаларини;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигини** ташкил этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **Санитария-эпидемиология нazorати бош бошқармасини** тугатиш ва унинг штат бирликларини Агентликка ўтказиш;

в) қайта ташкил этилаётган Республика давлат санитария-эпидемиология нazorати марказининг лаборатория хизмати негизида, молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда, **Агентлик ҳузуридаги Лаборатория комплексини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

**Давлат инспекциясининг асосий вазифалари:**

**санитария-эпидемиология нazorати соҳасида** давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

**юридик ва жисмоний** шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида қонунбузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

**ОЗИҚ-ОВҚАТ** хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

**хавф-хатарларни** барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш;

**тармоқнинг тегишли кадрларга** бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш.

**Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги** соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги** соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

**санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (СанҚваН)** халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ уйғунлаштириш ва долзарблигига қараб такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

**юқумли бўлмаган, юқумли, паразитар касалликлар юзага** келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик**

дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

**жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш;**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлатнинг табиий ўчоқлари эпизоотологик мониторингини олиб боришни, ўлат ва ўта хавfli инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;**

**санитария, гигиена, эпидемиология, паразитология, микробиология, вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш ҳамда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;**

**барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларни санитария-гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;**

**тармоқнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси ;**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг**

бошқарув ходимлари чекланган сони 28 нафардан иборат марказий аппарати тузилмаси ;

Давлат инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ходимларининг чекланган сони 4179 нафардан иборат этиб;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаларининг намунавий тузилмаси;

давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси туман (шаҳар) филиалининг намунавий тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ташкилий тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 45 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология хизматининг кўшиб олиш, кўшиб юбориш, ўзгартириш ва тугатиш йўли билан фаолияти оптималлаштирилаётган ташкилотлари (лабораториялари ва бўлинмалари) рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4055-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар рўйхати тасдиқланган.

Давлат инспекцияси бошлиғига зарур ҳолларда Давлат инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига уларнинг бошқарув ходимлари чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик директорига зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири билан келишилган ҳолда Агентликнинг марказий аппарати тузилмасига бошқарув ходимлари чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар

киритиш ҳуқуқи берилган.

**Давлат инспекцияси бошлиғи** бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

**Давлат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

**Давлат инспекцияси бошлиғи ва ўринбосари мақоми,** тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича тегишинча вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

**Агентлик директори** бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

**Агентлик директорининг ўринбосарлари** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

**Агентлик директори мақоми,** маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарига тенглаштирилади;

**Давлат инспекцияси ва Агентлик ҳузурида** юридик шахс ташкил этмасдан бюджетдан ташқари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари ташкил этилди.



Тугатилаётган давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларидаги барча маблағлар Агентлик жамғармасига тўлиқ ўтказилади.

**Маблағларни шакллантириш манбалари:**

**Давлат инспекцияси жамғармаси:**

санитария-эпидемиология қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар суммасидан ва жарималарни тўлаш кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда жалб этиладиган грант ва ҳомийлик маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

**Агентлик жамғармаси:**

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қоплангандан кейин қолган суммасининг 15 фоизи;

жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда жалб этиладиган грант ва ҳомийлик маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг

мавқеини ошириш, шунингдек, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида ушбу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 47 та тиббиёт коллежларини Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи Комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш топширилди:

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг моддий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгиланган нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш;

валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш.

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларини:

муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

жорий сақлаш, фаолият юритиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг даволаш (амалиёт) ишлари проректорлари (директор ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида ушбу олий таълим муассаса клиникаларининг бош шифокорлари ҳисобланади;

б) тиббиёт олий таълим муассасаларида:

бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари ўқув режаларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар улуши 2 баробарга қисқартирилади;

клиник ординатурасига (резидентурасига) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этиш тизими йўлга қўйилади;

в) ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриятнинг «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилади;

г) тиббиёт олий таълим муассасалари «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» йўналишлари битирувчилари яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шаҳар)да камида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун бакалаврият ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрларини 50 фоизгача оширишни инобатга олиш юклатилган.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) таълим босқичидан қатъи назар чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига (мутахассислик фанларни «қониқарли» баҳога ўзлаштираётган талабалардан ташқари) Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик стипендиясига базавий стипендия миқдорида қўшимча тўлов амалга оширилади;

б) давлат тиббиёт муассасаларининг халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингдаги тиббиёт йўналишида биринчи 200 ўринни эгаллаган олий таълим муассасаларида клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган, шунингдек, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимлари лавозим маошига қуйидаги миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади:

клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган ходимга — меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдорининг етти бараварига тенг миқдорда;

фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимга — меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдорининг ўн беш бараварига тенг миқдорда.

Мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда:

а) уч ой муддатда жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил қилиш ва ўқув жараёнини 2020/2021 ўқув йилидан бошлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

б) 2021 йил 1 январга қадар:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахчишеҳир университетининг филиаллари ва клиникаларини Ўзбекистонда ташкил этиш юзасидан;

мамлакатимиздаги тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар, шунингдек, филиалларни очиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши топширилган.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар мутахассислик йўналишларида асосий ҳисобланган халқаро тан

олинган муаллифларнинг адабиётлари, шунингдек, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича хорижий дарсликларни муаллифлик ҳуқуқлар талабларига риоя қилган ҳолда белгиланган тартибда ўзбек тилига таржима қилиш асосида тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиши зарур.

Бунда ушбу тадбирларни молиялаштириш Вазирлик ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тиббиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган.

#### *Вазирликнинг:*

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги 1-сон Республика клиник шифохонаси негизида Марказнинг кўп тармоқли клиникасини тузиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда (Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида) ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида Марказнинг филиалларини очиш;

Марказда 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан халқаро

стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляцион марказини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тузилмаси тасдиқланган.

Марказ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказнинг кўп тармоқли клиникаси муассиси Марказ ҳисобланади ҳамда унинг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштирилади;

Марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бир вақтнинг ўзида Марказнинг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори ҳисобланади.

Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажми белгиланган.

Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш тизимида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб аккредитациядан ўтмасдан, Вазирлик томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида ўқитиш ҳуқуқи қуйидаги муассаса ва ташкилотларга тақдим этилган:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва пуллик асосда — республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

пуллик асосда — нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббий-санитария мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази (шу жумладан мобил ўқув-симуляцион марказ) ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шу жумладан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш мазкур бандда белгиланган муассаса ва ташкилотлар томонидан жойларда ташкил этиладиган сайёр цикллар ва масофадан туриб ўқитиш асосида амалга оширилиши белгиланган.

Вазирлик узлуксиз касбий малака ошириш тизимида тиббиёт ходимларини ўқитиш билан шуғулланадиган ташкилотларга юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ўқув курсларини ташкил қилишда яқиндан кўмаклашиш лозим.

*2021 йил 1 январдан бошлаб:*

шифокорлар учун ҳар 5 йилда малака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтиш тартиби киритилади ҳамда уларга қулайлик яратиш ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш учун аттестацияни онлайн тартибда аудио ва видеокузатув остида ташкил этиш тизими жорий этилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш учун тўлов бекор қилинади.

Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари учун малака оширишни назарда тутувчи узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этган тиббиёт олий таълим муассасалари (шу жумладан нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари), республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларига малака оширишдан муваффақиятли ўтган мутахассисларга ўтилган ўқиш кредитлари кўрсатилган ҳолда Вазирлик томонидан белгиланадиган намунадаги сертификат расмийлаштириш ҳуқуқи берилган.



## **11 БОБ**

# **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси янги ислоҳотлар даврида**

## Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилоти ва атроф-муҳит

жаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг таниқли эксперт-мутахассис олимларининг фикрига кўра, агар барча мамлакатлар аҳолисининг ҳаммаси, биринчи навбатда ёшлар, «Соғлом турмуш тарзи» қоидаларига амал қилсалар, ҳар бир одамнинг соғлигининг мустаҳкамланиши, меҳнат қобилиятининг яхшиланиши, умр кўришининг узайиши, бўлажак авлод генофондининг соғломлаштирилиши каби ҳаётий муҳим кўрсаткичларда ижобий натижаларга эришилиши муқаррардир.

Мазкур ташкилотнинг маълумотига кўра, саломатлигимизнинг 55 фоизи кечираётган турмуш тарзимиз, 18 фоизи ирсий касалликлар, 17 фоизи экологик омиллар, 10 фоизи эса тиббий хизмат сифатига боғлиқдир.

Инсон саломатлигининг қарийб 20 фоизи атроф-муҳитнинг тозалигига боғлиқ. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи омил эса инсон ва унинг фаолияти салбий таъсир қилади.

Соғлиқ ҳақида гап кетганда, энг аввало биз табиат, хусусан унинг бирликлари тупроқ, сув, ҳавонинг инсон ҳаёти ва саломатлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини чуқур англашимиз лозим. Чунки биз тупроқда ўсиб етилган овқатликларни истеъмол қиламиз, сув билан чанқоғимизни қондирамиз, ҳаводан нафас оламиз. Шу боис уларни турли чиқиндилар билан ифлосланишдан сақлашимиз керак. Акс ҳолда, улар турли касалликларнинг сабабчилари бўлиши мумкин.

Шунинг учун жойларда мунтазам равишда атроф-муҳитни тозалигини асраб авайлашга қаратилган тадбирлар олиб бориш, соғлом турмуш тарзи тарғиботида ниҳоятда муҳимдир. Бу ишлар кенг жамоатчиликнинг бевосита иштирокида олиб борилиши лозим бўлганлиги учун жамоат санитарияси дейилади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотига кўра жамики касалликларнинг 85 фоизи бевосита сув билан боғлиқ.

Масалан, сувнинг ахамиятли томонига қараётганлигимизнинг сабаби шундаки, агарда тегишли эҳтиёт

чоралари кўрилмаса, сув орқали кўпгина юқумли ичак касалликлари тарқалиши мумкин. Масалан; ичбуруг, ич терлама, сариқ, вабо, энтеритлар каби юқумли ичак касалликлари асосан сув орқали юқади.

Сув ҳамма тирикликнинг асоси – ҳаёт манбаи. Сув бизнинг планетамизнинг барча тирик мавжудотларига таъсир этади.

Бизнинг планетамиз – “Сув планетаси”, унинг  $\frac{3}{4}$  қисми сувдан иборат.

Бу заҳиранинг 97 фоизи шўр денгиз суви, 2 фоизи муз ва атиги 1 фоизи эса ичиш ва хўжалик фаолият учун зарур бўлган чучук сувни ташкил этади.

2004 йил USAID ҳамкорлигида ва ННТ коалициясининг “Дарё ҳамма учун – ҳамма дарё учун”, “Сувга муносабатимизни ўзгартирамиз” номли лойиҳалари доирасида катта анжуман ўтказди. Ушбу анжуманга “СЗАА” (Нукус), “Логос”, “Ҳаёт” (Тошкент), “За экономическую чистую Фергану” (Фарғона), “Зарафшон” (Самарқанд) ташкилотлари ва “Каунтерпарт Интерпеймнл” Халқаро жамғармалари қатнашди.

Мазкур анжуманда Самарқандда сув таъминоти, Зарафшон дарёси сувининг кимёвий ва бактериологик ҳолати, юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва аҳоли ўртасида тарқалишида сувнинг аҳамияти каби долзарб масалалар кўриб чиқилди. Чунки Зарафшон дарёси Самарқанд аҳолисини ичимлик сув билан таъминлайдиган ягона очиқ сув ҳавзаси ҳисобланиб аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. 1996-1998 йилларда Зарафшон дарёси кўшни Тожикистон Республикаси Панжакент вилояти ташкилот ва муассасалари томонидан биологик тозаланмаган оқава сувлар билан ифлосланиши натижасида аҳоли ўртасида ичтерлама касаллигининг тарқалишига сабаб бўлган эди. Зарафшон дарёсининг экологик тозалиги аҳоли саломатлигига, унинг эпидемиологик осойишталигига нақадар муҳим ўрин тутишини юқоридаги далиллар билан исботлаш мумкин.

Саломатлик ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик сифатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб келмоқда. Инсон саломатлигини ҳар қанча моддий бойлик ва маблағ эвазига сотиб олиб бўлмайди. Ҳар бир киши мустаҳкам саломатликка қандай эришиш йўлини, саломатликнинг сир-асрорларини чуқур билиши ва тўлақонли саломатликнинг ягона йўли соғлом турмуш тарзи эканлигини англаб етиши лозим. Аммо аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишлари замонавий талаблар даражасидан анча орқада қолмоқда.

Ҳар бир шахс ўзининг юриш-туриши учун маъсул деб қабул қилинган демократик жамиятда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўз саломатлигини кўз қорачиғидай асрашга эришиши керак.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун гигиеник билимлар билан қуроллантириш ва гигиеник кўникмаларни ўзлаштириш учун ўқитиш муҳим ўринни эгаллайди.

### **Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш**

Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли **“Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”**ги фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

- атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

- ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратни ўрнатиш;

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

- экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида

мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан зиёд қонун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги кўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-таомиллари ва бошқа масалаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва амал қилмоқда.

Қабул қилинган ҳужжатлар атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш даражасини маълум даражада камайтириш, кўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини берди.

*Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ва назорати бўйича ўтказилган таҳлил бир қатор камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатди, хусусан:*

- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жисмоний ва юридик шахслар, махсус ваколатли давлат органлари, ташкилот ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи ягона давлат органининг мавжуд эмаслиги;

- Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Вазирлар Маҳкамасига бўйсунмиш тартибининг ҳуқуқий асослари йўқлиги туфайли атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида идоралараро

тўлақонли ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал этиш имкони йўқлиги;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги экологик, санитария меъёр ва талабларини бузганлик учун қонунчиликда назарда тутилган маъмурий жазо чораларининг етарли эмаслиги ва самараси пастлиги;

- Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ваколатлари фақат ишлаб чиқариш чиқиндиларини назорат қилиш билан чекланган эди. Кўмитанинг амалдаги ташкилий тузилиши ва штатлар бирлиги унга юклатилган вазифаларни сифатли ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, бу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорат тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида кўзда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи ва ҳисобот берувчи Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига айлантирилди.

*Фармон билан Давлат экология қўмитасига қуйидаги вазифалар юкланди:*

- экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

- маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва кўмиш ишларининг самарали тизимини ташкил этиш;

- атроф-муҳитнинг экологик ҳолати мақбул тарзда сақланишини, экология тизимлари, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлашни, экологик вазият соғломлаштирилишини таъминлаш;

- ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, қўриқланадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиш борасида давлат экологик назоратини амалга ошириш;

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимликлар кўпайтириладиган ва сақланадиган питомниклар, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш;

- экологик тарбия, тарғибот ва маърифий ишларни, шунингдек, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

*Фармонга мувофиқ қуйидаги тузилмалар ташкил этилади:*

- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг марказий



аппаратларида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиб кетиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилиш бўйича назорат инспекциялари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари ва мамлакатимиз шаҳарларида, шунингдек, туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат кўрсатадиган участкалари негизида уларнинг филиаллари;

- табиатни муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий жамғармалари негизида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича жамғарма ташкил этилади, жамғарма маблағлари биринчи навбатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига, жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларга ва биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклашга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга, тарғибот ва маърифий ишларни ташкил этишга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилади;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш республика инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта тузилади ва унинг ҳудудий инспекциялари ташкил қилинади.

Хорижий мамлакатларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил қилишга оид тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз қонунчилигига Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобот бериб бориши юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, бу борада чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима санкциялари миқдорини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунларига кўп жойда учрайдиган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан ўзгартириш киритилди.

Мазкур фармоннинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

**биринчидан** — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат назорати ва бошқаруви органларининг тизимли иш олиб бориш самарадорлигини оширади;

**иккинчидан** — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлайди;

**учинчидан** — атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, экологик тизим, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни кўриқлаш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

## **2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, муносиб яшаш шароитларини яратиш, республика санитария ва экологик вазиятни яхшилаш аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-2916-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурни молиялаштириш учун 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Қарорнинг амалга оширилиши туфайли аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва полигонларда утилизация қилиш хизматлари кўрсатиш бўйича яхлит тизим ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказилади, санитария жиҳатидан тозалаш ишларига ихтисослаштирилган ташкилотлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари филиаллари махсус техникалар (чиқинди ташиш ва ассенизация машиналари) ҳамда қаттиқ маиший чиқиндилар учун электромеханик элак қурилмалари билан тўлиқ таъминланади, қаттиқ маиший чиқиндиларни органик ўғитларга айлантириш учун бирламчи қайта ишлашни ташкил этиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этишга эришилади ва аҳолини қаттиқ

маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 2021 йилгача мамлакатимиз бўйича 63 фоиздан 93 фоизгача ўсади.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу қарорнинг қабул қилиниши юртимизда экология ва санитария муҳитини янада яхшилаш, аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркем қиёфа касб этиш йўлидаги улкан амалий қадамдир.

### **2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сонли “2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори аҳолининг кенг қатламлари яшаши учун, айниқса, қишлоқ жойларда, шинам ва қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчилар учун ҳамма жойда сифатли ичимлик суви етказиб берилишига эришиш, республикада сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

*Мазкур Қарор билан қуйидагилар 2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янада ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди:*

- аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- сув олиш, канализация иншоотлари ҳамда водопровод тармоқларининг янгиларини қуриш, мавжудларини қайта тиклаш ва реконструкция қилиш, шунингдек, сув таъминоти ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,

уларни замонавий ускуналар, машиналар, механизмлар, таъмирлаш-фойдаланиш ва ўлчов техникаси билан жиҳозлаш;

- сув таъминоти соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, истеъмол қилинган сув ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш;

- ичимлик суви ишлаб чиқаришнинг технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари самарадорлигини ошириш, белгиланган талабларга мувофиқ сувнинг сифатли бўлишини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнига энергия ҳамда сувни тежайдиган технологиялар ва ускуналарни татбиқ этиш;

- сув таъминоти ва канализация тизимларини, шу жумладан, давлат билан хусусий сектор шериклиги асосида бошқарувнинг бозор тамойилларига мос келадиган механизмларини жорий этиш;

- сув таъминоти ташкилотларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларга нарх шакллантириш тартибини такомиллаштириш.

*Шунингдек мазкур қарор билан 2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тасдиқланди, у ўз навбатида қуйидагиларни ўз ичига олади:*

- 2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг йиғма параметрлари;

- 2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурини молиялаштиришнинг йиғма параметрлари;

- 2017 — 2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ичимлик суви таъминоти тизими объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг манзилли дастурлари;

- 2017 — 2021 йилларда ҳудудлараро аҳамиятдаги ичимлик суви таъминоти тизими объектларини ҳамда алоҳида муҳим объектларни қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли дастури;

- 2017 — 2021 йилларда халқаро молия ташкилотларининг кредитларини жалб этган ҳолда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш параметрлари;

- 2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг машина ва механизмлари паркини мустаҳкамлаш параметрлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорининг мазмун-моҳиятига эътибор берсак қуйидагиларни билиб оламиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Республикада ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантиришга оид муҳим устувор йўналишлар, дастур ва лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши шаҳар ва туманларда, жумладан, қишлоқ жойларда марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Фақат 2011 — 2016 йилларда мамлакатимизда қарийб 13 минг километрдан иборат йирик сув қувурлари ва тармоқлари, бино ва иншоотларда 1 минг 600 дан ортиқ сув чиқариш қудуқлари, шунингдек, 1 минг 400 та сув минораси ва резервуари қурилди ҳамда реконструкция қилинди.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия институтларининг грант ва кредитларини жалб этиш ҳисобидан ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган кўплаб аҳоли пунктлари талабга жавоб берадиган ичимлик суви таъминоти билан қамраб олинди.

Шу билан бирга, айрим аҳоли пунктларини, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги аҳоли масканларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга оид қатор муаммолар ҳанузгача ҳал этилмасдан қолмоқда.

Юртимизда оилалар ва маҳаллалар сони мунтазам кўпайиб, юзлаб янги турар жой мавзелари, аҳоли пунктлари барпо этилаётгани ва шаҳарларнинг кенгайиб бораётгани ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини тубдан яхшилаш борасида амалий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бу чора-тадбирлар энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялар асосида сув чиқариш ва канализация-тозалаш иншоотлари, сув ўтказгичлар, насос станциялари, тақсимлаш узеллари, водопровод ва канализация тармоқларини модернизация қилишга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ана шу муҳим вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган ва у аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада қулай ва муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, 2017 — 2021 йилларда мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг барча ҳудудларда сифатли ичимлик сувидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

*Мазкур қарор билан, хусусан, қуйидаги дастур ва лойиҳалар тасдиқланмоқда:*

- 10,2 минг километр ичимлик суви қувурлари ва тармоқлари, 1677 та сув чиқариш қудуғи, 1744 та сув минораси ва резервуари қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, 1440 дона насос ускунасини ўрнатиш назарда тутилаётган туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича 2017 — 2021 йилларда

ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг йиғма ва манзилли параметрлари;

- 20 та ичимлик суви таъминоти объектлари қуриш ва реконструкция қилиш, 302 километрдан иборат сув ўтказиш ва водопровод тармоқларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган 2017 — 2021 йилларда минтақалараро аҳамиятга молик ичимлик суви таъминоти тизимлари ва ўта муҳим объектларни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур;

- халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, республикамиз ҳудудларида 36 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутадиган 2017 — 2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ичимлик суви тармоқлари ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури.

Дастурни 2017-2021 йилларда молиялаштириш учун 4,8 триллион сўм, жумладан, давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 2,6 триллион сўм ёки 730,7 миллион доллар миқдоридаги маблағлари йўналтирилади.

Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва Дастурнинг амалга оширилишини назорат қилиш учун Идоралараро ишчи комиссияси тасдиқланди. Шунингдек, қарорда “Тоза ичимлик суви” жамғармасини ташкил этиш назарда тутилган бўлиб, унинг маблағлари мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилишга, республикамиз аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилади.

Бундан ташқари, қарорда ичимлик суви таъминоти тизими объектларидан янада ишончли фойдаланиш мақсадида ҳар бир аҳоли пунктидаги ичимлик суви таъминоти объектларини паспортлаштириш ва ичимлик суви таъминоти тизими



объектларининг электрон маълумотлар базасини яратиш назарда тутилган.

Ушбу қарорнинг амалга оширилиши шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини тубдан яхшилаш, аҳолини марказлашган ичимлик суви таъминоти билан қамраб олишни республикамиз миқёсида 84 фоизга, бир қатор ҳудудларда эса 90 фоизга етказиш ҳамда аҳоли кенг қатламлари, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада қулай ва муносиб ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Қисқача айтганда, ушбу муҳим ҳаётий вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод бўлиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини ва сифатини юксалишига хизмат қилади.

### **Тиббиётда ислохотларнинг янги даврида олиб борилган ишларнинг натижалари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ислохотларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Президентимиз жорий йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш масаласига бағишлаб уч марта видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларидаги шароитлар билан бевосита

танишди, замонавий клиникалар қуриш бўйича топшириқлар берди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида охириги йилларда олиб борилаётган ўзгаришларнинг мақсади тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг янги даврида аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилишдан иборатдир.

Айтиш жоизки тиббиётда ислохотларнинг янги даврида соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш, бирламчи тиббиёт тизимини янада яхшилаш, хусусий сектор ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш борасида анча ижобий ишлар амалга ошганига қарамай, ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришга оид қарор ижроси доирасида 793 қишлоқ врачлик пункти негизида қишлоқ оилавий поликлиникаси, 441 тез тиббий ёрдам шохобчаси ташкил этилди. Фаолияти тугатилган 658 қишлоқ врачлик пункти бинолари хизмат уйи сифатида фойдаланиш учун шифокорларга берилди. Бундан ташқари, қишлоқ оилавий поликлиникаларида 5 турдаги ва Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида 10 турдаги тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди. Бирламчи тизимда кадрлар таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилда тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларининг бакалавриатура босқичини битирган 3 минг 197 ёш мутахассиснинг 79 фоизи бирламчи тизимга ишга юборилди.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ҳудудларда етарли даражада эмаслиги олдимизда турган долзарб муаммолардан бири. Тан олиш керак, ҳудудлардан

юқори технологик тиббий ёрдам олиш учун Тошкент шаҳрига келиш аҳоли томонидан кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоятларда ишлаш ташаббуси билан чиққан етакчи мутахассислардан 134 номзод танлаб олинди. Улар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларига, жумладан, болалар шифохоналари, эндокринология, кардиология, силга қарши, тери-таносил диспансерлари, онкология маркази филиаллари, юқумли касалликлар шифохоналарига ишлаш учун юборилди.

Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб масалалардан бири, бу — тез тиббий ёрдам хизмати билан боғлиқ. Транспорт воситалари ҳали етарли эмас, дори-дармон таъминотида узилишлар мавжуд.

2016 йилда 806 тез тиббий ёрдам станцияси ва кичик станцияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2 минг 100 дан ошди. Табиийки, бу ҳар бир чақириқнинг ўз вақтида келишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар билан бирга, аҳолининг мазкур хизматдан фойдаланиш борасидаги маданиятини ошириш зарур.

Жаҳон тиббиёти олдида турган долзарб масалалардан бири ижтимоий касалликлардир. Мамлакатимизда сил, психиатрия, тери-таносил, онкология хасталиклари бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди ва Президент қарорлари қабул қилинди.

Республика ихтисослаштирилган марказларининг вилоятларда филиаллари ташкил этилмоқда. Чет эл клиникаларида фаолият юритаётган 50 дан ортиқ ватандошимиз юртимизга қайтарилди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан тиббиёт соҳасида бакалаврият таълим йўналишларида ўқиш муддати 7 йилдан 6 йил ва "тиббий профилактика" йўналишида 6 йилдан 5 йил этиб белгилангани мамлакатимиз тиббий таълим тизимини жаҳон

стандартларига мослаштириш, жойларда кадрлар таъминоти яхшиланиши ва Давлат бюджети маблағлари мақсадли сарфланишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга оид фармойиши доирасида 8,4 минг нафар ногирон протез--ортопедия маҳсулотлари билан, 9,3 мингдан зиёд эҳтиёжманд фуқаролар реабилитация техник воситалари билан бепул таъминланди. Шунингдек, 23 мингдан зиёд 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар санаторийларда бепул дам олдирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторини ривожлантиришни такомиллаштиришга оид қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Натижада Тошкент шаҳрида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Жиззах шаҳрида Жанубий Корея, Фарғона, Қарши шаҳарларида ва Қумқўрғон туманида Ҳиндистон каби давлатлар билан қўшма клиникалар ташкил этилмоқда. 2017 йилнинг ўтган 9 ой мобайнида хусусий тиббиёт муассасалари яна 400 дан зиёдга кўпайиб, уларнинг сони 3 минг 860 дан ошгани хусусий тиббиёт муассасаларига берилаётган кенг имтиёз ва преференциялар самарасидир.

Жорий йилда “Ўзфармсаноат” акциядорлик концерни томонидан 76 янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш 2011 йилдагига нисбатан 4 марта ўсди.

Фармацевтика соҳасида янги, юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 250 миллион доллар миқдорида кредит ресурслари ажратилди. Умумий қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 70 дан ортиқ

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланиб, уларнинг 33 таси жорий йилда ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши, аввало, юртимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, дори-дармон ва тиббиёт буюмларини экспорт қилиш ҳажминиянада оширади.

Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бера бошлади. Масалан, фармацевтика маҳсулоти экспорти 40 фоиз оширилишига эришилди, юқори технологиялар жорий қилиниши эвазига ҳар бир ишчига ишлаб чиқариш самарадорлиги 35 фоиз ўсди. Маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган дорилар тури 2 минг 300 дан ошди.

Бугунги кунда соҳада ўз ечимини кутаётган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, айниқса, қишлоқ жойларда тизимли патронаж қамрови сифатини яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг стационар муассасалар билан ҳамкорлигини таъминлаш зарур. Мутасаддилар соҳада хусусий секторни янада ривожлантириш бўйича фаол ҳаракатлар олиб бориши керак.

Тез тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш, скрининг марказлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш

объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати, хусусий тиббиёт соҳасига чет эл инвестицияси ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш ишлари ислоҳ қилиниши лозим.

Аҳолини патронаж ва тизимли диспансеризация билан тўлиқ қамраб олиш, она ва бола скрининги ҳамда тиббий-генетик хизматни янада такомиллаштириш ва ушбу хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда тиббиёт ходимларининг малакаси ва шахсий масъулияти масаласи ўта жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг давлат ва хусусий секторидаги барча мутахассислар фаолиятини лицензиялаш тизимини татбиқ этиш назарда тутилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президентларининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. "Танкидий таҳлил катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир рахбар фаолиятининг кундалик коидаси булиши керак." Тошкент. 2017 й.
2. Мирзиёев Ш.М. "Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз" Тошкент. 2016 й.
3. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Тошкент. 2011 й.
4. Каримов И. А. "Юксак маънавият – енгилмас куч". Тошкент. Маънавият. 2008 й.
5. Каримов И. А. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари". 2000 й.

### Ўзбекистон Республикаси Президентларининг Фармон, Қарор ва Фармойишлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4391 сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5590-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5814-сонли фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва

узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сон Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894 сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сонли “Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3450-сонли “Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ- 3151 сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва



тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори;

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956 сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори;

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида” ги ПҚ-2955-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2857-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2773-сонли қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги 2685-сонли "Аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2647-сонли Қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

28. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги ПФ-4658 сонли "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

29. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221 сонли "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолини репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори.

30. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

31. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2009 йил 1 июлдаги ПҚ -1144 сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш

ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарори.

32. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2009 йил 21 майдаги ПҚ – 1144 сонли “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

33. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096 сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофиза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

35. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони.

36. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 22 январдаги Ф-2658 сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузиш тўғрисида”ги Фармойиши.

37. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ -451 сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий –маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори.

38. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229 сонли “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

39. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2003 йил 26 апрелдаги ПФ- 3214 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида " ги Фармони.

40. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.

41. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 2 мартдаги ПФ-1933 сонли "Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони.

42. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида "ги Фармони.

43. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.

### **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

44. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 28 мартдаги ЎРҚ -378 сонли "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида "ги Қонуни.

45. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-353 сонли "Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни.

46. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил октябрдаги ЎРҚ -302 сонли "Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуни.

47. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майдаги "Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида " ги Қонуни.

48. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги ЎРҚ – 466-1 сонли “Таълим тўғрисида” ги Қонуни.

49. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-1 сонли “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури тўғрисида” ги Қарори.

50. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги ЎРҚ-265-1 сонли “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни.

51. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992йил 8 декабрь).

52. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги тўғрисида”ги Қонуни.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари**

53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги Қонун лойиҳаси”

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида”ги 266-сон қарори

55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги 174-сонли “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори;

56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 апрелдаги 102-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора- тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 апрелдаги 95-сонли “Марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг койкалар фондини аниқлашнинг норматив методига босқичма – босқич ўтиш тўғрисида” ги Қарори.

58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 январдаги 9-сонли “2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар орасида гельментозларнинг профилактикаси ва даволаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

59. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил декабрдаги 352 –сонли “Дори воситалари ва тиббий буюмларни

рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

60. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 297-сонли “Республика қишлоқ туманларида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

61. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги 256-сонли “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори.

62. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги 255-сонли “2014-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

63. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли “Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

64. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 августдаги 204 сонли “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан

таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

65. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли "Фуқароларни тиббий меҳнат экспертиза комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида " ги Қарори.

66. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319 -сонли "Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ги қарори;

67. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48- сонли "Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятни такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

68. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сонли "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида "ги Қарори.

69. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил октябрдаги 227-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида " ги Қарори.

70. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 2-сонли "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори.

71. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217 -сонли " О мерах по дальнейшему реформированию системы финансирования и управления учреждений здравоохранения Республики Узбекистан " Қарори.

72. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги 241-сонли "Бош тиббий-меҳнат эксперт

комиссиялари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори

73. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

74. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 195-сонли “Она ва бола скрининг ” давлат тизмини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори.

75. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 августдаги 365-сонли “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида ”ги Қарори. 86. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги 140-сонли “Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарори.

76. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 374-сонли “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

77. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил июлдаги 242-сонли “Оилада тиббий маданиятни мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги Қарори.

78. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 январдаги 32-сонли “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

79. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида ”ги Қарори.

80. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5



февралдаги 68-сонли “Она-бола” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори.

81. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги 46-сонли “Соғлом авлод” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори.

82. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида ” ги Қарори.

83. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

84. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 мартдаги 13- сонли “Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ва бундай касалликларга дучор бўлган шахсларга имтиёзлар белгилаш тўғрисида”ги Қарори.

85. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфра-тузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури ҳақида”ги Қарори.

### **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги буйруқ ва фармойишлари**

86. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 125–сонли “Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини бошқариш ва ташкиллаштиришга Давлат талаблари” буйруғи

87. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 октябрдаги 599–сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги буйруғи;

88. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 27 июлдаги 97-сонли “Тиббий фаолият юрутувчи тиббиёт мутахассисликлари номенклатурасини тасдақлаш тўғрисида” ги буйруғи;

89. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 21 ноябрдаги 71-сонли “Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғи.

90. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2016 йил 22 март 140-сонли “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ги буйруғи

91. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 13 ноябрдаги 445 -сонли “Врачлик мутахассисликлари, врачлик лавозимлари номенклатураси, малака ошириш ва врачлик мутахассисликлари муддати ва тартиби тўғрисида” ги буйруғи;

92. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2015 йил 30 апрелдаги 2-сон “Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғи.

93. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2012 йил 30 августдаги 332- сонли “Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида ” ги буйруғи.

94. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги 2012 йил 12 июлдаги 202-сонли “Малака ошириш ва қайта тайёрлаш” буйруғи.

95. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2009 йил 14 октябрдаги 305-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган пуллик сервис хизмат турлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғи.

96. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2007 йил 20 декабрдаги 566-сонли “Соғлиқни

сақлаш муассасаларининг номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида "ги буйруғи.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

97. Асадов Д.А. и др. Методика деятельности амбулаторно-поликлинических и стационарных учреждений. Ташкент. 2007 г. – 15 с.

98. Асадов Д.А. Основные направления реформирования системы здравоохранения Узбекистана. Ташкент. 2012 г.

99. Лисецин Ю.П. Общественное здоровье и здравоохранение. Москва. 2012г.

100. Маматкулов Б.М. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Илм-зиё. Тошкент. 2013 й.-573 б.

101. Маматкулов Б.М. Тиббиёт статистикаси (Биостатистика асослари). Малака ошириш факультети тингловчилари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2010 й.

102. Искандаров Т.И. Тиббиёт статистикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2004 й.

103. Асадов Д.А. и др. Руководство по менеджменту охраны здоровья матери и ребенка. Ташкент. 2013 г.

104. Шарифхўжаев Н.Э., Абдуллаев Ё.А. Менежмент. Тошкент. 2002 й.-860 б

105. Байзанов М., Аллаёров Я. Тиббиётда менежмент ва маркетинг. 2002 й. -128 б.

**Н.И. ХОДЖАЕВ, З.З. АМИНОВ**

**ТИББИЁТДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ  
ЯНГИ ДАВРИ**

*Монография*

**“TIBBIYOT KO'ZGUSI” НАШРИЁТИ**

*Масъул муҳаррир — Дилдора ТУРДИЕВА*

*Мусахҳиҳ — Олим РАХИМОВ*

*Техник муҳаррир — Акмал КЕЛДИЯРОВ*

*Дизайнер ва саҳифаловчи — Зарина НУСРАТУЛЛАЕВА*

**Самарқанд давлат тиббиёт институти босмахонасида чоп этилди.**

**Почта индекси 140100. Самарқанд шаҳар,**

**Амир Темур кўчаси, 18-уй.**

**Босишга 20.05.2020 рухсат этилди. Баённома рақами: 7**

**Бичими 60x84<sup>1/16</sup>. “ Calibri ” гарнитураси. 17,44 босма табоқ.**

**Адади: 500 нусха. Буюртма рақами: 192 / 11.05.2021**

**Тел/факс: 0(366)2330766, e-mail: [samgmi@mail.ru](mailto:samgmi@mail.ru), [www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)**

**Н.И. ХОДЖАЕВ, З.З. АМИНОВ**

**ТИББИЁТДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ  
ЯНГИ ДАВРИ**

*Монография*

**ИЗДАТЕЛЬСТВО “ ТИВВИҲОТ КО'ЗГУСИ ”**

*Ответственный редактор — Бобомурод ЭРАЛИЕВ*

*Корректор — Олим РАХИМОВ*

*Технический редактор — Акмал КЕЛДИЯРОВ*

*Дизайн и верстка — Зарина НУСРАТУЛЛАЕВА*

**Отпечатано в типографии Самаркандского  
государственного медицинского института 140100.**

**г. Самарканд, ул. Амир Темура, 18.**

**Подписано в печать от 20.05.2020. Протокол 7**

**Формат 60x84<sup>1/16</sup>. Гарнитура “Cambria”. усл. печ. л. 17,44**

**Тираж: 500 экз. Заказ №192 от 11.05.2021 г.**

**Тел/факс: 0(366)2330766 e-mail: [samgmi@mail.ru](mailto:samgmi@mail.ru), [www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)**



9 789943 715165